


**ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

# ЎҚУВ–УСЛУБИЙ МАЖМУА





**ТОШКЕНТ-2021**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

## “СУҒУРТА ИШИ”

**йўналиши**

## “СУҒУРТА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ”

**модули бўйича**

# ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

**Тошкент – 2021**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.**


**Тузувчилар:** ТМИ, иқтисод фанлари номзоди, доцент, И.Х.Абдурахмонов.,
ТДИУ, "Молия ва бухгалтерия ҳисоби" кафедраси катта ўқитувчиси Ш.Б.Бабаев.

**Тақризчи:** ТДИУ Ёшлар бўйича проректор, "Солиқлар ва суғурта иши" кафедраси и.ф.д., С.К.Худойқулов.



***Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2020 йил 29 декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.***

**МУНДАРИЖА**


| | | |
|---|---|---|
| I. | ИШЧИ ДАСТУР.......................................................................... | 4 |
| II. | МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ......................................... | 9 |
| III. | НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР............................................................. | 16 |
| IV. | АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.................................. | 76 |
| V. | МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ............................................. | 78 |
| VI. | КЕЙСЛАР БАНКИ......................................................................... | 79 |
| VII. | ГЛОССАРИЙ................................................................................. | 83 |
| VIII. | АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТ.................................................................. | 122 |

# ИШЧИ ДАСТУР

## КИРИШ

Ишчи дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга

йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

«Суғурта соҳасини ривожлантириш истиқболлари» модулининг **мақсад ва вазифалари:**

- Суғуртанинг долзарб масалалари**,** Ўзбекистон суғурта бозори ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболлари, суғурта тармоқларида мавжуд муаммолар уларни ечиш юзасидан ҳам назарий, ҳам амалий томонларини ўргатиш ҳамда суғурта соҳаси бўйича малакавий кўникмаларини шакллантириш.

## Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

«Суғурта соҳасини ривожлантириш истиқболлари» курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида**:**

**Тингловчи:**

- суғурта оид қонунчилик хужжатлари;
- суғурта ривожланишининг ҳозирги кундаги муаммолари;
- ривожланиш тамойилларини ва муамоллари ҳақида **билимларга эга** бўлиши лозим;

**Тингловчи:**

- суғурта соҳасини таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш бўйича **кўникма ва малакаларини** эгаллаши лозим;

**Тингловчи:**

- суғурта соҳасини ривожланиш истиқболларини прогноз қилиш;
- суғурта тармоқларини ривожланиш тенденцияларини кўра билиш;
- суғурта бозорининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;
- суғурта соҳасини ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммоларини билиш **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

## Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Суғурта соҳасини ривожлантириш истиқболлари” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммункация технологияларини қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида ақлий ҳужум, кутиш йўлдоши, концептуал жадвал, ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;
- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, пинборд,

ақлий ҳужум, кейс, гуруҳларда ишлаш, SWOT- таҳлил жадвал, Т-жавдал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

## Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

"Суғурта соҳасини ривожлантириш истиқболлари" модули бўйича машғулотлар ўқув режадаги "Ўзбекистон суғурта бозори" ҳамда "Суғурта технологиялар" каби ўқув модуллари билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар суғурта соҳасидаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва келажакда уларни ечиш юзасидан креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Аудитория ўқув юкламаси | | | |
| | | жами | жумладан | | |
| | | | Назарий машғулот | Амалий машғулот | Кўчма машғулот |
| 1 | Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожлантириш муаммолари | 8 | 2 | 6 | |
| 2 | Суғуртада менежмент тизими муаммолари ва уларнинг ечими | 10 | 2 | 6 | 2 |
| 3 | Ҳаётни суғурта қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари | 12 | 4 | 6 | 2 |
| | **Жами:** | **30** | **8** | **18** | **4** |

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАРИ МАЗМУНИ

### 1- мавзу: Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожлантириш муаммолари.

Суғурта фаолияти. Суғурта фаолиятининг субъектлари. Суғурта соҳалари. Суғурта фаолятидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари. Суғурта соҳасини ривожлантириш ценарийлари. Суғурта бозорининг ривожланиш тенденциялари. Хорижий мамлакатларнинг суғурта соҳасидаги муаммолари ва уларнинг ечимлари.  Суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари.

**2-мавзу: Суғуртада менежмент тизими муаммолари ва уларнинг ечими.**

Суғурта фаолиятида суғурта компанияларининг ўрни. Суғурта менеджменти. Суғурта менеджменти муаммолари ва уларни ечиш истиқболлари. Суғурта компаниялари фаолиятини бошқариш муаммолари. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини бошқариш.

**3-мавзу: Ҳаётни суғурта қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари**

Ҳаётни суғурталашни ривожлантириш муаммолари. Ҳаёт суғуртаси суғурта тармоғининг моҳияти ва мамлакат иқтисодиётидаги ўрни. Ҳаётни суғурталаш суғурта турларининг моҳияти. Ҳаётни суғурта қилиш бозорини ривожлантириш истиқболлари.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1- амалий машғулот:
### Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожлантириш муаммолари

Суғурта фаолияти. Суғурта фаолиятининг субъектлари. Суғурта соҳалари. Суғурта фаолятидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари. Суғурта соҳасини ривожлантириш ценарийлари. Суғурта бозорининг ривожланиш тенденциялари. Хорижий мамлакатларнинг суғурта соҳасидаги муаммолари ва уларнинг ечимлари. Суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари.

### 2- амалий машғулот:
### Суғуртада менеджмент тизими муаммолари ва уларнинг ечими

Суғурта фаолиятида суғурта компанияларининг ўрни. Суғурта менеджменти. Суғурта менежменти муаммолари ва уларни ечиш истиқболлари. Суғурта компаниялари фаолиятини бошқариш муаммолари. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини бошқариш.

### 3- амалий машғулот:
### Ҳаётни суғурта қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари

Ҳаётни суғурталашни ривожлантириш муаммолари. Ҳаёт суғуртаси суғурта тармоғининг моҳияти ва мамлакат иқтисодиётидаги ўрни. Ҳаётни суғурталаш суғурта турларининг моҳияти. Ҳаётни суғурта қилиш бозорини ривожлантириш истиқболлари.

## КЎЧМА МАШҒУЛОТ

“Суғурта соҳасини ривожалантириш истиқболлари” модули бўйича ўқув дастурида “Суғуртада менежмент тизими муаммолари ва уларнинг ечими” ҳамда “Ҳаётни суғурта қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари ”мавзуларида 4-соат кўчма машғулот режалаштирилган.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуйидаги:

→ *ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шаклларидан:* бинар-маъруза, провакацион-маъруза, савол-жавобли маъруза, суҳбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

→ *ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари сифатида қуйидагилардан фойдаланиш назарда тутилган:*

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидул;
- амалий машғулотларда гуруҳли, жамоавий, жуфтлик, индивидуал.

# II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

## Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари

## Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

### Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши




**Баҳс** – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

### Анжуман-баҳсининг роли

**Олиб борувчи –** ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

**Оппонент –** тадқиқотчилар муҳитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалаши, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

**Мантиқчи** – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қилади.

**Психолог** – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

**Эксперт** –баҳс усулинингнатижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, хулосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

**«Ақлий ҳужум»**

**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.
- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.
- Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

**Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилар**

**График ташкил этувчи тури, аҳамияти ва хусусиятлари**

**Ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнининг таркибий тузилмаси**

**ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ**

- мустақил ўқиш, маъруза тинглаш жараёнида олинадиган маълумотларни бир тизимга келтиришга имконият яратади.

Инсерт жадвали таркиби ва уни тўлдириш коидаси билан

Ўқиш вақтида олинган маълумот якка тартибда тақсимланади: матнда белги қўйилган мос равишда жадвал устунларига “жойлаштирилади”:
V – “...” ҳақида олинган билим

Кластерни тузиш қоидалари билан танишади. Аудитория доскаси ёки катта қоғоз варағи марказида калит сўзлар 1-2 сўздан иборат тарзида

**Кластер**
**(Кластер – тутам, боғлаш)**
Маълумот харитасини тузиш ва воситаси – барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниқлаш учун қандайдир асосий омил атрофида ғояларни йиғиш.
Билимнинг фаоллашишини таъминлайди, мавзу бўйича фикрлаш жараёнида янгича ассоциация тақдим этишга эркин ва очиқ кириб боришга ёрдам беради.

Калит сўзлар билан ассоциация бўйича ён томондан кичкина ҳажмдаги айланага “йўлдошлар” ёзилади – ушбу мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмаси. Улар чизиқ билан “бош” сўзга боғланилади. Ушбу “йўлдошлар”да “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин.

**Тоифали жадвал**

Тоифа – мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган белги (умумий).
- ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.
- тизимли мушоҳада қилишни, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини

Тоифали шарҳни тузиш қоидалари билан танишилади. Ақлий ҳужумдан сўнг (кластерга ажратиш) мини гуруҳларда янги ўқув материали билан танишилади ва олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Ғоя маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин

Ишнинг натижавий тақдимоти




Венн диаграммаси

**SWOT-таҳлил жадвали**

**SWOT** – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:
**Strengths** – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;
**Weakness** – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;
**Opportunities** – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;
**Threats** – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилининг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

**“Кучлар таҳлили” графиги**




**«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси**

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки

бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

## "Кейс-стади" методи

**«Кейс-стади»** - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### "Кейс методи" ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|---|---|
| **1-босқич:** Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;<br>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);<br>✓ ахборотни умумлаштириш;<br>✓ ахборот таҳлили;<br>✓ муаммоларни аниқлаш |
| **2-босқич:** Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш | ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;<br>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| **3-босқич:** Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш | ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;<br>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;<br>✓ муқобил ечимларни танлаш |

| | |
|---|---|
| **4-босқич:** Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | ✓ якка ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;<br>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;<br>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш |

**Кейс.**

Амалий вазият. Илмий-техника дастурлари доирасида бажариладигантадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътирозлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳатимиз уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

# III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

## 1-Мавзу. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожлантириш муаммолари

**Режа:**

1.1. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини бошқаришнинг замонавий ҳолати.
1.2. Суғурта фаолиятини бошқаришни асосий тамойиллари.
1.3. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини бошқаришни ривожланишининг асосий йўналишлари.

**Таянч иборалар**

*Суғурта бозори, суғурта соҳалари ва тармоқлари, суғурта фаолияти, суғурта турлари, суғурта компаниялари, суғурта назорати давлат инспекцияси, суғурталанувчи, суғурта бозорининг объекти ва субъекти.*

### 1.1. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини бошқаришнинг замонавий ҳолати.

Ўзбекистон ўзи танлаган йўл – эркин бозор иқтисодиётига асосланган одил жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич олға бормоқда. Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган амалийислоҳотлар натижасида бир неча йил давомида давлат бюджети профицит билан бажарилиб келмоқда, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажми барқарор равишда ўсиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлашда ва аҳолини кўнгилсиз ҳодисалардан молиявий ҳимоя қилишда суғурта фаолиятининг ўзига хос муҳим ўрни мавжуд. Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг суғурта секторида барқарор ўсиш суръатлари кузатилмокда. Унинг ўртача йиллик ўсиши охирги беш йил давомида ўртача 40% ташкил этди. Мамлакат молия бозорида суғурта тизими ўзининг муҳимлиги ва алоҳида аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “2015 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келгани бу тармоқнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва таъсири нақадар катта эканини кўрсатади. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49 фоиздан 54,5 фоизга етди. Жами банд аҳолининг ярмидан кўпи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Банк, суғурта, лизинг, консалтинг ва бошқа турдаги бозор хизматлари барқарор суръатлар билан ривожланмоқда, улар хусусий сектор ва кичик бизнес ривожига хизмат қилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасида 80 минг 400 та кичик бизнес субъекти фаолият юритмоқда ва бу хизмат кўрсатиш соҳаси

корхоналари умумий сонининг 80 фоизидан ортиғини ташкил қилади"[1].

Ҳозирги шароитда, яъни иқтисодиётни мустаҳкамлашга қаратилган устивор йўналишларни белгилашда, давлат, жамият ривожи ва бошқа долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаришда, барқарор ва мустақил молия бозори ва ушбу молия бозорида барқарорликни таъминловчи суғурта фаолиятини илмий ўрганиш, ундан иқтисодий инструмент сифатида фойдаланиш дунёнинг ривожланган мамлакатлари мисолида ўз тасдиғини топди.

Иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган кучли сиёсат олиб борилаётган бир вақтда, давлатнинг ижтимоий қўллаб қувватлаш функцияси ролининг бир қисми суғурта фаолиятининг ҳам зиммасига тўғри келади. Ушбу рол суғурта хизматлари бозорида олиб бориладиган суғурта фаолиятининг махсус: мажбурий суғурта, мулкий суғурта, жавобгарлик суғуртаси, ҳаёт суғуртаси каби турлари орқали амалга оширилади.

Аммо таҳлиллар амалдаги суғурта хизматлари етарли даражада самарали эмаслигини кўрсатмокда. Давлатимиз томонидан суғурта фаолиятини рағбатлантириш ва либераллаштириш бўйича олиб борилаётган салмоқли чора-тадбирларга қарамасдан, суғурта иқтисодиётни диверсификация қилиш ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланмаган. Бунинг асосий сабаблари – хизматлар таклифи торлиги ва сифати пастлиги, рақобатнинг ривожланмаганлиги, суғурта ресурслари таъминотининг етарли эмаслиги ва ҳ.к.

Ушбу ҳолатлар Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожлантириш ва уни мақсадли бошқариш муаммоларининг асосий жиҳатлари ҳисобланади.

Суғурта соҳаси ҳар қандай иқтисодий тизимнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксиз боришини таъминлайди ҳамда иқтисодий ривожланишга инвестиция қўйилмаларининг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, суғурта соҳасининг ресурслари ўз ҳажми жиҳатидан фақат банк ресурсларидангина кам бўлиб, бир қатор мамлакатларда улар ЯИМ нинг 13-15 фоизиниташкил қилади. Шу билан бирга, бу соҳа интеграция алоқаларини мустаҳкамлаш, ҳамда янги табиий, техноген, сиёсий ва бошқа хавфлар вужудга келиши билан боғлиқ глобал иқтисодий жараёнлар жадал ривожланаётган соҳалардан биридир. Суғурта сектори маълум ижтимоий вазифани бажаргани ҳолда, деярли барча меҳнатга лаёқатли аҳолини - тадбиркорлик сектори ва уй хўжалигини қамраб олади, бу эса унинг муаммоларини тадқиқ этиш масаласининг ўта долзарблигини белгилаб беради. Мамлакатлар иқтисодиётида суғуртанинг ўрни йиғиладиган суғурта бадалларининг ЯИМга нисбати ва суғурта компаниялари инвестицияларининг ЯИМга нисбати билан белгиланади. Ўзбекистонда суғурта мукофотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010-2015 йилларда барқарор сақланиб, ўртача

---

[1] И.А.Каримовнинг Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 19 б.

0,30 фоизни ташкил этди. Суғурта бозори ривожланган мамлакатларда эса, бу кўрсаткич 6-10 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиши ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётни модернизациялашда хўжалик субъектлари ва барча иқтисодий жабҳаларнинг хавфсиз фаолият юритишларини таъминловчи омил сифатида миллий суғурта бозорини ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Дунё мамлакатларида амал қилувчи суғурта бозорлари мураккаб интеграциялашган тизим бўлиб, у ўз ичига турли ташкилий қисмларни олади. Умумий ҳолда уни қўйидагича тасвирлаш мумкин (1-расм).




**1-расм. Хориж мамлакатларида суғурта бозорининг ташкилий тузилиши.**

Буюк Британияда энг эркин суғурта тизими барпо этилган. Бу ерда ҳаттоки, суғурта компанияларини назорат қиладиган махсус орган ҳам йўқ. Назорат саноат департаменти томонидан амалга оширилади. Суғурта бадалларини ўрнатиш ва суғурта қилиш қоидалари эркинлигига қарамасдан, кўрсатилаётган хизмат сифати бошқа мамлакатлардагидан анча юқори, нархлари эса, паст даражада. Лондон бозорида ҳукмронлик қилувчи Lloyd’s суғурта компанияси охирги йиллардаги қийинчиликлардан фақатгина жиддий ташкилий ислоҳотларни амалга ошириш билан чиқмоқда.

Германияда суғурта бозори давлат томонидан қаттиқ тартибга солинади. Унинг хос жиҳати шундаки, суғурта бизнеси йирик саноат капитали билан яқин алоқада. Капиталда ва бошқарувда ўзаро иштирок этиш кенг тус олган. Тахминан 50 нафар киши барча йирик немис суғурта компанияларини назорат қилади. Шунинг учун ҳам рақобат асосан сотиш тармоқлари ўртасида мавжуд.

Германия суғурта бозорида ҳукмронлик қилувчи компаниялардан бири «Allianz» холдингидир. У ҳаётни суғурталаш соҳасининг 42 фоизини ва бошқа суғурта соҳаларини 38 фоизини эгаллаб олган. «Allianz» оборотининг тахминан 55 фоизига яқини ички бозор, қолгани хорижий фаолият билан боғлиқ. Яқинда иккита француз компаниялари «AXA Group» ва «ИАР» бирлашишидан олдин «Allianz» - Европадаги энг йирик суғурта компанияси эди.

«R+V Insurance AG» суғурта компанияси катталиги жиҳатидан Германияда иккинчи ўринда туради. Ушбу компания кооператив таркибга эга бўлиб у асосан қишлоқ аҳолиси ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини суғурталашга ихтисослашган.[2]

Хорижий капиталга нисбатан қонуний чекловларнинг мавжуд эмаслигига қарамасдан, немис суғурта бозори нисбатан ёпиқ ҳисобланади. Бу аҳолининг: «немислар ўз суғуртачиларини афзал биладилар», деган дунёқараши билан боғлиқ. Бундан ташқари, бу ерда агентлар тармоғи жуда зич. 50 мингга яқин агентлар суғурта компанияларида агент бўлиб тўлиқ иш куни ишлашса, тахминан 270 минг киши ўриндошлик асосида фаолият юритади. Агентлар билан мижозлар ўртасидаги муносабат дўстона ва узоқ муддатли асосда шаклланган.

Француз суғурта бозори эса ҳаётни суғурталаш ва автомобил суғуртасига ихтисослашган. Айниқса, автомобил ва автотранспорт эгалари жавобгарлигини суғурталаш кучли даражада ривожланган. Ҳаётни суғурталаш бўйича энг йирик суғурта компанияси – «CNP Assurances S.A.» ҳисобланади.

Францияда ижтимоий суғуртанинг роли катта. Яхши йўлга қўйилган ижтимоий таъминот, пенсиялар бўйича давлат кафолатлари, ҳаётни суғурталашни бу ерда бошқа Европа мамлакатлариникига нисбатан паст даражада ривожланишига сабаб бўлди. Аммо, кейинги йилларда ижтимоий таъминот ва пенсия фондининг бюджетлари тақчиликка эга бўлиши кузатилмокда.

Давлат ҳаётни суғурталашни рағбатлантириш бўйича қатор тадбирларни амалга оширди ва охирги 10-15 йил ичида Франция ушбу масалада қўшниларидан илгарилаб кетди. Бу соҳадаги асосий тадбирлардан бири сифатида ҳаётни суғурталаш бўйича жиддий солиқ имтиёзлари берилишини кузатиш мумкин. Ушбу имтиёзлардан биринчиси: суғурта шартномасига кўра, тўланган тўлов фоизларидан солиқ олинмайди. Бу суғурта шартномасини, банк омонатидан ҳам фойдалироқ қилиб қўйди. Ушбу имтиёз суғурта шартномасининг муддати бир йил бўлганда амал қилади. Иккинчидан, суғурта қилдирувчи вафот этганда суғурта шартномасига асосан, олинадиган капитал меросидан солиқ тўланмайди. Бундан ташқари, суғурталаш мерос қилинадиган мулк таркибига киритилмайди ва бошқа меросхўрлар билан бўлиб олинмайди. Шундай қилиб, ҳаётни суғурталаш – ўз меросхўрларига, меросдан солиқ тўламасдан пул қолдиришнинг энг қонуний йўли ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳаётни суғурталаш шартномалари, ҳатто, почта орқали сотилади. Қишлоқ жойларда ва кичикроқ шаҳарларда почта бўлимлари нафақат почта хизматлари, балки суғурта, банк хизматларини кўрсатади. Улар банк ҳисоб варақаларини юритадилар, жамғарма ҳисоб варақаларини очадилар ва аҳолининг бой бўлмаган қатлами учун ўзига хос банкирлар ҳисобланадилар. Банк суғуртаси Францияда яхши ривожланган.[3]

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, мустақил суғурта

---

[2] А. Ваҳобов, Н. Жумаев, У. Бурханов, Халқаро молия муносабатлари, “ШАРҚ” НМАК, Тошкент 2003, 348-бет

[3] А. Ваҳобов, У. Бурханов, Н. Жумаев, Чет мамлакатлар молияси, т.:-Янги аср авлоди, 2003, 211-бет.

воситачиларининг сони суғурталовчилар сонидан анча кўп бўлиши керак. Масалан, Буюк Британияда 9000 нафар брокер фаолият юритмоқда, Чехияда 40 та суғурталовчига 400 нафар суғурта брокери тўғри келади. Ривожланган мамлакатларда юридик шахсларни суғурта қилиш операцияларининг 80 фоизи ва қайта суғурта қилиш операцияларининг асосий улуши брокерлар ёрдамида амалга оширилади, яъни брокерлар суғурта ва қайта суғурталашни ташкил этиш ишида етакчи бозор институти сифатида иштирок этади.

Суғурта бозори ривожланишининг жаҳон тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, суғурта бозорининг юзага келган (рақобатчилик, олигополистик, монополистик) тузилмасига мувофиқ суғурта фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг учта асосий тури шаклланади: либерал тизим, бозор механизмларининг қисман чекланиши, давлат суғурта таъминоти. Бундан ташқари, давлат назоратининг у ёки бу модели шаклланишига ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётлари моделлари ҳам тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Жаҳон амалиёти суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг иккита муҳим ёндашувини ишлаб чиқди. Ҳар бир ёндашув ҳуқуқнинг мўайян – «континентал» ёки «инглиз-америкача» тизими доирасида амалга оширилади. «Континентал» ҳуқуқ тизими (Германия, Франция, Италия, Испания, Япония ва бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган «кодланган» тизим) бозор субъектлари фаолиятининг қонунчилик билан қатъий регламентланишига асосланган бўлиб, бунда қонунлар ва кодекслар ҳуқуқнинг асосий манбалари ҳисобланади. Ҳуқуқнинг континентал тизими доирасида суғурта ишини қатъий тартибга солиш модели амал қилади. У суғурталовчилар фаолияти барча томонларининг пухта регламентланиши ва суғурта операцияларини амалга оширишда қонунчиликка риоя этилишининг мунтазам назорат қилиниши билан тавсифланади.[4]

## 1.2. Суғурта фаолиятини бошқаришни асосий тамойиллари.

Суғурта фаолияти ҳамма мамлакатларда ҳам давлат назорати остидаги фаолиятлардан биридир. Бу ҳолат жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида суғуртанинг нақадар аҳамиятли эканлигини билдиради. Суғуртанинг ривожланишида давлатнинг бу соҳани амал қилишини кузатиб туришида тўғридан тўғри қатнашишини тақозо қилиши жамият манфаатларидан келиб чиқади. Бу манфаат икки ҳолатда кўринади. Биринчидан, суғурта зарарларини қоплаш ва инвестицион ресурсларни тўлдириш билан халқ хўжалигининг муҳим вазифаларини бажаради. Иккинчидан, суғурта қилдирувчилар ўз маблағларини суғурта компанияларига ишониб топшириш билан суғуртачиларни зарар содир бўлганда аниқ ёрдамга етиб келишларига ишонишади ва ҳимояга муҳтож бўладилар. Шунинг учун ҳар бир мамлакатда суғурта компанияларини назорат қилиш тўғрисидаги қонунчилик базаси мавжуд ва шу орқали назорат тизими пойдевори қурилади.

Давлат назорати - суғурта фаолиятини ривожланишида суғуртачилар,

---

[4] С.А. Умаров Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини бошқариш. Т.: Фан, 2009 й. 124-бет.

суғурта қилдирувчилар ва давлат манфаатлари балансини кўзда тутади ва назорат иқтисодий ва маъмурий методлар орқали амалга оширилади. Маъмурий тартибга солиш методи суғурта қонунчилиги асосларига таянади, унинг марказий бўғини бўлиб суғурта назорати органи ҳисобланади. Бошқаришнинг иқтисодий методларида давлат бошқаруви билвосита воситалар орқали амалга оширилади, яъни солиқ сиёсати, Марказий банк сиёсати кабилар бунга мисолдир.

Суғурта фаолиятини самарали тарзда назорат қилиш ва бошқариш механизмини яратиш ҳукуматнинг асосий мақсадларидан биридир. Суғурта муносабатларини бошқариш жараёни ўз ичига:

- суғурта фаолиятини амал қилишини меъёрий – ҳуқуқий базасини таъминлаш;
- суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини танлаш;
- суғурта муносабатларининг барча иштирокчилари қонунчилик талабларини тўғри бажаришларини устидан назорат қилиш;
- мулкий манфаатларнинг суғурта ҳимояси тизимини ривожланишида давлатнинг иштирокини таъминлаш;
- суғурта фаолияти устидан давлат назоратини олиб бориш кабиларни қамраб олади.

Суғурта қонунчилиги талабларига риоя қилиниши, суғурта қилдирувчиларнинг, манфаатдор шахслар ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши, суғурта ишини самарали ривожланиши мақсадида суғурта фаолияти устидан давлат назорати қонунийлик, ошкоралик, ташкилий бирлик тамойиллари асосида олиб борилади.

Фожеали зарарлар эҳтимолини қисқартириш ва суғурта ташкилотлари ўртасида тақсимлаш ўтиш даври иқтисодиётининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун Ўзбекистон ҳукумати суғурта соҳасини ривожланишига катта аҳамият бермоқда. Давлат дастурларида суғурта соҳасини молия соҳасининг ёрдамчи йўналиши деб ҳисобга олинишига чек қўйилиб, иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим йўналишлардан бирига айланди.

Ўтиш даври иқтисодиёти – ижтимоий ўзгаришларнинг тез ўзгариши, янги институционал тузилмаларнинг амалдаги ижтимоий муҳитга кўникиши, аҳоли онгида эски иқтисодий тизим «сарқитларининг» сақланиб қолганлиги билан боғлиқ зиддиятларнинг алоҳида тўпламига эга иқтисодиётдир. Давлат бундай шароитда алоҳида ижтимоий ролни бажаради. У халқ хўжалиги тизимининг барча секторларининг хўжалик юритиш шароитларини тубдан ўзгартириш ташаббускори ва ижтимоий барқарорлик кафолатига айланади. Бундай шароитда давлат бошқаруви таъсир этишнинг жамият ижтимоий-иқтисодий соҳасини ислоҳ қилиш моделига асосланган бошқа усуллари ва воситаларига таяна бошлайди. Масалан, ўтиш даври сиёсатининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан илгари сурилган 5 та тамойилига асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуришнинг ўзбек модели белгилари ҳаммага маълум. Ушбу тамойиллар ичида энг муҳими – таркибий-

инвестиция сиёсати ва чет эл маблағларини жалб қилиш иқтисодий воситалар ва рағбатлардан фойдаланиш орқали иқтисодиётни тартибга солиш, ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашнинг устувор йўналишларини танлашда давлатнинг бош ролини сақлаб қолишдан иборат. Бозор муносабатларига ўтиш ўзбек моделининг муҳим хусусияти республиканинг ўзига хос шароитларини ва хусусиятларини, халқ анъаналари, урф-одатлари ва ҳаёт тарзини, ислоҳотларнинг бошланғич шароитларини ҳисобга олишдан иборат.

Ўзбекистон суғурта бозорининг таниқли олим-таҳлилчиси С.А.Умаровнинг таъкидлашича «Давлат бошқаруви давлатнинг таркибий ўзгаришлар асоси бўлиб хизмат қиладиган инвестиция фаолиятида ҳам, янги бозорларнинг пайдо бўлишида ҳам ўз ифодасини топади. Хусусан, Ўзбекистонда суғурта фаолияти давлатнинг тўғридан-тўғри иштирокида шаклланган. Мамлакатнинг йирик суғурта компаниялари давлат маблағлари асосида ташкил қилинган.[5]»

Суғурта бозорини ривожлантириш иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. У ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида янги иқтисодий институтлар ва хўжалик юритиш шароитларини яратишда давлатнинг етакчи ролини назарда тутувчи туб ўзгаришларнинг миллий моделига мувофиқ равишда амалга оширилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг барча босқичларида давлат даражасида суғурта хизматлари бозорининг шаклланиши ижтимоий барқарорлаштириш, бизнес инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш чора-тадбирларининг таркибий қисми сифатида кўриб чиқилди, у қуйидаги йўналишларда амалга оширилди: суғурталовчилар ва суғурта қилдирувчилар мулкини ҳуқуқий таъминлаш ва суғурта хизматлари бозорини фаолият кўрсатиши, суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқариш механизмларини ўз ичига олувчи ривожланган жаҳон бозори тизимига мос келувчи янги суғурта институтларининг шаклланишини назарда тутувчи ўзига хос янги миллий суғурта тизими яратилди.

Давлат томонидан тартибга солиш соҳасида суғурта қилдирувчилар ҳуқуқлари, суғурта компаниялари томонидан ўз мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш механизмларининг яратилишига алоҳида аҳамият берилди:

давлатнинг тўғридан тўғри иштироки ва кўмагида ривожланаётган хусусий бизнес ва аҳолининг қалтисликларини ўз бўйнига олишга қодир бўлган янги суғурта компаниялари шаклланди;

янги хусусий суғурта ташкилотларининг ривожланиши ва худудий филиаллар тармоғини ташкил этилиши рағбатлантирилди;

аҳолининг янги суғурталовчилар ва суғурта хизматларига бўлган ишончини ошириш, суғурта маданиятини ошириш чора-тадбирлари кўрилди.

Давлат суғурта бозорида давлат суғурта компаниялари орқали ва суғурта фаолиятини турли қонун ва меъёрий хужжатлар орқали тартибга солиш йўли билан қатнашади.

[5] С.А. Умаров Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини бошқариш. Т.: Фан, 2009 й. 33-бет.

Чет мамлакатлар суғурта бозоридаги илдам ўзгаришлар ўша давлатларнинг суғурта конунчилигини пухта тайёрланганлигини ва амалиётда қўлланилиши учун барча шароитлар яратилганлигини кўрсатади. Қонунлар ва қонун ости хужжатлар суғурта соҳасининг ривожланишини асосий омилидир.

Жамиятда Фуқаролар ва уларнинг жамоаси ўз фаолиятлари жараёнида бир-бирлари билан тегишли ижтимоий муносабатда бўладилар. Ушбу муносабатларни бир қолипга солиш учун уларни тартибга келтириш яъни фуқаролар ва ташкилотларнинг хатти-ҳаракати доирасини белгилаш зарур. Баён этилганлар тўлалигича суғуртага ҳам таалуқлидир. Суғурта ижтимоий-иқтисодий қонуният сифатида ҳуқуқий томондан мустаҳкамланишни талаб этади. Суғурта фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган муносабатлар давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солинади.

Ўзбекистонда суғурта ташкилотларининг институтционал аломати бўйича қўйидагича таснифланади (2-расм):




**2-расм. Ўзбекистонда суғурта ташкилотларининг институтционал аломати бўйича таснифланиши**[6]

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики давлат суғурта фаолиятида давлат ва давлат –акционер компаниялари орқали иштирок этади. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмини эса:

- суғурта фаолиятини қонунчилик томонидан таъминлаш;
- мажбурий суғурта турларини ўрнатиш;
- махсус солиқ сиёсатини ўтказиш;
- суғурта фаолиятини назорат қилиш;
- монополиядан чиқариш ва рақобатлиликни таъминлаш каби вазифаларда кўришимиз мумкин.

Суғурта соҳасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар таркибига киради. Бундай муносабатлар Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа

[6] М.А. Мирсодиқов, Д.М.Абдусатторова, "Страховое дело" журнали. – Т.:TKS. 2009 г., 96-бет.

ашёвий ҳуқуқларнинг, шартнома мажбуриятларини, шунингдек, мулкий ҳамда шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

Суғурта соҳасидаги Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар қўйидаги йўналишларда намоён бўлади:

- фуқаролар ва суғурта ташкилотлари ўртасида шаклланадиган Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар;
- суғурта ташкилотлари ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлар;
- фуқаролар ва махсус давлат органлари ўртасида пайдо бўладиган Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар;
- суғурта ташкилотлари ва махсус ваколатли давлат органи ўртасида пайдо бўладиган Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар.[7]

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солувчи қонун хужжатларини уч босқичга бўлиш мумкин:

- суғурта фаолиятини тартибга солувчи умумий қонунлар;
- суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунлар;
- суғурта фаолиятини тартибга солувчи вазирликлар қарорлари, меъёрий хужжатлари. (3-расм)




**3-расм. Суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонун хужжатлари гурухланиши[8]**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йилнинг 5 апрелида қабул қилинган ва шу йилнинг 28 майида амалиётга жорий этилган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун ҳисобланади. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун 29 та моддадан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси суғурта фаолиятини тартибга солувчи умумий фуқаролик қонунчилигига мансуб бўлиб, Кодекснинг 52-боби суғуртавий ҳуқуқий муносабатларга бағишланган. Унда жами 47 та

---

[7] Т.С. Маликов, Н.Ҳ. Ҳайдаров, МОЛИЯ: умумдавлат молияси, Ўқув қўлланма.-Т: IQTISOD-MOLIYA, 2009, 428-бет.

[8] М.А. Мирсадыков, Д.М.Абдусатторова, “Страховое дело” журнали. – Т.:TKS. 2009г., 96-бет.

модда мавжуд. Кодекс суғурта ташкилотлари билан суғурталанувчилар ўртасидаги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонун суғурта ташкилотлари ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

### 1.3. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини бошқаришни ривожланишининг асосий йўналишлари

Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органи амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи:

- ижро этилиши мажбурий бўлган тўловга қобилиятлилик нормативларини ҳамда уларни аниқлаш тартибини, айрим таваккалчиликлар бўйича суғурталовчилар мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп ёки энг кам миқдорини ва мажбуриятлар хажмининг йўл қўйиладиган кўп ёки энг кам миқдорини ҳисоблаб чиқариш услубини, суғурталовчиларнинг тўловга қобилиятини акс эттирувчи ахборотларни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайди;
- суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этишини, тўловга қобилиятлиликнинг белгиланган нормативлари ва молиявий барқарорликнинг бошқа талаблари бажарилишини назорат қилади;
- суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялайди;
- суғурталовчиларнинг суғурта заҳиралари маблағларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартларини, шунингдек бундай маблағлар ҳисобини юритиш ҳамда улар бўйича ҳисоботлар тузиш тартибини белгилайди;
- суғурталовчининг, суғурта брокерининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талабларини белгилайди;
- суғурталовчилар томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг ва эълон қилинадиган йиллик молиявий ҳисоботнинг шаклини, шунингдек уни тақдим этиш ҳамда эълон қилиш тартиби ва муддатларини белгилайди;
- қонун хужжатларига мувофиқ суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини текширади ва уларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;
- суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатлари, шу жумладан белгиланган иқтисодий нормативлар суғурталовчи томонидан бузилганлиги учун суғурталовчининг устав фонди энг кам миқдорининг 0,1 фоизигача миқдорда белгиланган тартибда жарима солади;
- қонун хужжатларида белгиланган тартибда суғурталовчилар ва суғурта брокерлари лицензияларининг амал қилишини тўлиқ ёки айрим суғурта турларига (классларига) нисбатан тўхтатиб қўяди, шунингдек уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида судга мурожаат қилади;

- ҳар бир молия йили тугаганидан кейин олти ой ичида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва уни назорат қилиш борасидаги фаолият тўғрисида йиллик ҳисоботларни, шунингдек суғурта бозорининг молия йили мобайнидаги фаолияти тўғрисида статистика маълумотларини эълон қилади;

- суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириш, шунингдек суғурта ҳодисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирларини суғурталовчилар томонидан молиялаштириш тартиби ҳамда шартларини белгилайди;

- актуар хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди;

- актуарий малака сертификатини олиш учун ўқув дастурларини ҳамда малака имтиҳонлари топшириш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, мазкур сертификатни олиш ҳуқуқи учун малака имтиҳони ўтказади;

- белгиланган тартибда актуарий малака сертификати беради, унинг амал қилишини тугатади ва уни бекор қилади, малака сертификатига эга бўлган актуарийлар реестрини юритади;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июндаги 286 сонли “Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида”ги[9] ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли "Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги[10] қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига давлат суғурта назорати функцияси юклатилиб, унинг ҳузурида “Суғурта назорати давлат инспекцияси” ташкил қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг суғурта фаолияти масалалари бўйича ваколатлари доирасида чиқарилган норматив хужжатлари давлат бошқарув органлари, юридик шахслар, бирлашмалар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Республикамизда суғурта ишининг ривожланиши, суғурта бозорини ислоҳ қилишнинг бошланғич босқичи эканлигидан далолат беради. Бу борада республика суғурта бозорини ривожлантиришда давлат миқёсида чора-тадбирларни қабул қилиш учун объектив талаблар юзага келди.

Ўзбекистонда суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш мақсадлари, вазифалари ва йўналишлари қўйидагилардан иборат.

Мақсадлари:

- фуқароларнинг ва давлатнинг суғурта хизматларига бўлган талабларини максимал даражада қондириш;

- Ўзбекистонда суғурта бозорининг ривожланишини ва такомиллашишини жаддалаштиришга замин яратиш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қўйидаги вазифалар ҳал қилиниши шарт:

---

[9] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июндаги "Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора тадбирлари туғрисида"ги 286-сон қарори. "Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами", 1998 йил, 7-сон, 24-модда.

[10]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида" 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами. - Т.: 2002 йил 11-сон.

- Ўзбекистонда суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни янада шакллантириш ва такомиллаштириш (биринчи навбатда қайта суғуртага ва ўзаро суғуртага, медицина суғуртасига тегишли);

- Ўзбекистонда суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиниш норматив ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш (хусусан суғурта компанияларни инвестицион фаолияти ва Ўзбекистон Республикасида чет эл суғурта компаниялари фаолият олиб бориши тўғрисида);

- суғурта ривожланишини солиқ қонунчилиги йўли билан рағбатлантириш (чет элга узатиладиган қайта суғуртада 10%-лик солиқни камайтириш);

- Ўзбекистон Республикасида суғурта бозори инфратузилмасини тезлашган ҳолда шакллантириш.

Республикамизда суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш асосий йўналиши эса - республикада суғурта бозорини ривожланишини янада жаддалаштиришдир.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ягона давлат сиёсатини белгилашда асосан қўйидагиларни амалга ошириш лозим:

- суғурта муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонунчилик ва суғуртавий ҳуқуқ тизимини шакллантиришни такомиллаштириш;

- Ўзбекистон худудида суғурта ташкилотларини назорат қилиш тамойилларини тартибга солиш ва такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш;

- мажбурий суғурта соҳасида фуқаролар, ташкилотлар ва давлат манфаатларини суғуртавий ҳимоялашнинг норматив ҳуқуқий базасини ривожлантириш.

Аҳолининг кенг қатлами ва турли хил мулкчилик шаклдаги ташкилотларни суғуртага жалб қилишни рағбатлантирувчи шароитларни яратиш мақсадида қўйидаги ишларни амалга ошириш керак:

- тиббий суғурта, узоқ муддатли йиғилиб борувчи ҳаёт суғуртаси, пенсия суғуртасини ривожлантириш учун меьёрий ҳуқуқий базасини шакллантириш;

- юқорида айтиб ўтилган суғурта турларини солиқ қонунчилиги билан рағбатлантириш;

- маблағларни жойлаштириш учун қўшимча кафолатлаш ўтказиладиган суғурта муомалаларининг рентабеллигини ошириш мақсадида суғурта ташкилотларининг маблағларини инвестиция қилишнинг самарали шаклларини ишлаб чиқиш.

Суғурта бозорининг инфратузилмасини шакллантириш борасида эса қўйидаги ишларни амалга ошириш тақозо этилади:

- миллий суғурта бозорини ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи кадрларни тайёрлаш, ва қайта тайёрлаш, ўкув дастурларининг ягона тизимини яратиш;

- суғурта муаммолари жараёнига таьсир этувчи ва фуқаролар ҳам мулкчиликнинг барча шаклидан қатьий назар юридик шахслар манфаатларини акс эттирувчи давлат суғурта сиёсатини амалга оширишга ёрдам берувчи ёки йуналтирувчи институтларни ривожлантиришга ёрдам бериш.

Ўзбекистонда суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш жараёнида эса яна бир қанча ташкилотлар ҳам қатнашади:

- Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси – монополияга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва бажарилишини назорат қилади;
- Ўзбекситон Республикаси Марказий банки – суғурта ташкилотларини банк билан боғлиқ фаолияти хусусиятларини назорат қилади;

Суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқариш жараёни ўз ичига бир қатор ҳаракатларни қамраб олади:

- Суғурта ташкилотларининг фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани ташкил қилиш;
- Суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини танлаш, модомики, суғурта компанияси ва суғурта брокерини ўрнини ҳар қандай ташкилот ёки шахс эгаллай олмайди (лицензиялаш орқали);
- Суғурта бозорининг барча иштирокчилари (шу жумладан суғурта ташкилотлари) томонидан ҳаракат қилиш нормалари ва қоидаларини бажарилишини назорат қилиш;
- Ўрнатилган тартиб ва қоидаларни бажарилмаслиги ёки бажаришдан бош тортишда санкциялар тизимини қўллаш.

Суғурта иши субъектлари фаолиятининг суғурта назорати шакллари ва усулларини такомиллаштириш суғурта ҳуқуқининг бузилиши юзасидан огоҳлантирувчи чора-тадбирларнинг самарали амалиётини ривожлантириш бўйича ялпи тадбирларни ўз ичига олади ва бу ҳаракатлар қўйидаги масалаларни ўз ичига олади:

Давлат назорати тизимини такомиллаштириш шуни назарда тутиши лозимки, у ушбу жараёнга суғурта операцияларини амалга оширишнинг профессионал шартларини киритган ҳолда давлат назоратининг кучли марказлашган тарзда тартибга солинадиган воситаларига эга бўлган давлат томонидан тартибга солиш модели доирасида амалга оширилади. Бунда суғурта бозори касбий бирлашмаларига суғурта ташкилотларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш функцияси топширилиши керак.

Давлат назорати институти қўйидагиларни таъминлаш имконини берувчи услубий тузилмалар билан кучайтирилиши лозим:

- Суғурта фаолияти шартларига нисбатан қўйиладиган талаблар даражаси (суғурта шартномаларини тузишнинг стандарт шаклларини жорий этиш, суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминловчи улар фаолиятини баҳолашнинг аниқ тизимини белгилаш асосида);
- Суғурта қилдирувчиларга суғурта тўловини кафолатловчи суғурта ташкилотлари ажратмаларининг ихтисослашган жамғармасини тузиш шартлари (суғурталовчи ёки суғурта ташкилотлари профессионал бирлашмаларининг тўловга қодирсизлиги ҳолатида);
- Суғурта ташкилотларининг капиталлашуви ва тўлов қобилияти, қалтисликлар табиати, эҳтимол қилинадиган зарар миқдори ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда қалтисликларни суғуртага қабул қилиш;

- Суғурта бозорини эркинлаштириш тенденцияларига мос келадиган назоратнинг истиқболли усуллари тизимини жорий қилиш: профессионал фикрлаш, қалтисликка йўналтирилган назорат;
- Суғурта иши субъектларидан лицензия қайтариб олинганидан кейин то банкротлик жараёни тугатилгунга қадар улар фаолиятини назорат қилиш имконини берувчи назорат усулларини ишлаб чиқиш.

Суғурта ташкилотларининг суғурта фаолиятига доир ҳуқуқий хужжатлар талабларига риоя қилишдаги жавобгарлигини ошириш мақсадида Давлат суғурта назорат инспекцияси томонидан суғурта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг олиб қўйилишига қадар огоҳлантирувчи чора-тадбирлар сифатида қўлланиладиган суғурта жовобгарлигининг аниқ тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Суғурта фаолиятини қонунчилик йўли билан тартибга солишни такомиллаштириш йўналишларидан бири ҳалқаро стандартлар, меъёрлар ва қоидалар (Европа Иттифоқи директивалари, Суғурта назорати органлари халқаро уюшмасининг суғурта назорати бўйича асосий тамойиллари ва стандартлари, Жахон Савдо Ташкилоти (ЖСТ)нинг халқаро хизматлар савдоси соҳасидаги қоидалар тўплами, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг тавсиялари, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги форумининг қарорлари, МДҲга аъзо давлатлар, Ягона иқтисодий минтақани шакллантириш жараёнининг иштирокчилари ҳисобланган давлатларнинг интеграцион ўзаро ҳамкорлиги доирасида қабул қилинадиган келишувлар) билан босқичма босқич уйғунлаштиришдан иборат бўлиши керак. Бу суғурта ташкилотлари тўлов қобилиятининг талаб этиладиган даражасини ҳам, узоқ муддатли чет эл инвестициялари бозорини ташкил қилиш манфаатлари йўлида қонунчиликнинг мослаштирилишини ҳам таъминлайди.

*Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.* Ҳозирги вақтда суғурта қилдирувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари фуқаролик тўғрисидаги қонун хужжатларининг нормалари билан ҳимояланган бўлиб, бунда низолар юзага келган ҳолларда улар Давлат назорати ва фуқаролик суди органларига ҳал этиш учун ўтказилади.

Тўловга қодир бўлмаган суғурта ташкилотларининг мижозларига суғурта тўловларини амалга ошириш учун суғурта турлари бўйича кафолатловчи жамғармалар тизимини яратиш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларидан бири ҳисобланади.

*Кадрлар тайёрлаш ва суғурталовчилар малакасини ошириш тизимини ривожлантириш.* Кадрлар тайёрлаш ва суғурталовчилар малакасини оширишнинг етарлича ривожланган тизими мавжуд эмаслиги кўрсатилаётган суғурта хизматларининг сифатида ўз аксини топади. Гуманитар йўналишдаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида суғурта ташкилотлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш зарур. Бунда ўқув муассасаларининг малакали профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Ушбу мақсадда суғурта мавзуси бўйича илмий-амалий конференцияларни, социологик тадқиқотларни, диссертация ишларини тайёрлашни ташкил этиш зарур. Кадрлар тайёрлаш ва

суғурталовчилар малакасини ошириш сифати суғурта назарияси амалиётини очиб берувчи ўқув – услубий ва илмий адабиётларнинг яратилиши билан чамбарчас боғлиқ. Суғурта ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассислари малакасини ошириш бўйича суғурта фаолиятининг турли масалалари юзасидан мунтазам семинарлар ўтказиш, чет эл суғурта компаияларида стажировкалар ўташ амалиётини сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш зарур.

Юқорида баён этилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, таклиф этилаётган таклифлар миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-кувватлашнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ўрта муддатли истиқболда давлатнинг суғурта соҳасидаги сиёсатини шакллантириш имконини беради. Шунингдек, улар суғурта ҳимоясининг самарали тизими бўйича қатор дастурларни ишлаб чиқиш, суғуртанинг янги турлари, суғурта технологияларини жорий этишни фаоллаштириш, суғурта хизматларининг сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш, суғурта назоратининг шакллари ва усулларини такомиллаштиришга имкон беради.

Миллий суғурта бозори ривожининг ҳозирги босқичи қатор объектив ва субъектив муаммоларни юзага чиқардики, аҳолининг суғурта хизматлари билан таъминлаш суръатлари, миқдори ҳамда сифати ана шу муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқ. Объектив муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатимиздаги аксарият суғурта компанияларининг сармояси нисбатан кам бўлиб, суғурта фаолиятини талаб этилгандек амалга ошириш имконини бермайди;
- айниқса суғурта компаниясини бошқариш савиясидаги малакали кадрлар етарли эмас;
- аҳолининг суғуртага бўлган муносабати суст.

Субъектив муаммолари ичида қуйидагиларни ажратиб ўтиш мумкин:

- суғурталовчиларнинг бир-биридан ажралиб қолганлиги ва улар томонидан қўлланилаётган ғирром рақобат усуллари;
- аҳолининг суғурта маданиятини оширишга суғурталовчиларнинг кам эътибор бераётганлиги.

Суғурта бизнесини ривожлантиришнинг бошқа ҳар хил ташкилий иқтисодий шаклларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Уларнинг моҳияти суғурта сармоясини марказлаштириш эса, энг аввало, қатор вазифаларни ҳал этиш учун суғурта компанияларининг бошқарув фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришни назарда тутади. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

- суғурта бозорининг ҳажмини таввакалчиликларни суғурталашни бир - бирига бериш ҳисобига, компания сармоясини марказлаштиришда иштирок этувчилар ҳаракат қиладиган қисмда ошириш;
- таваккалчиликларни яхшироқ танлаш эвазига маъсулият даражасини ҳамда суғурта заҳиралари жойлашувини ўзаро мослаш ҳисобига инвестиция сиёсатининг сармоядорлигини ошириш.

Суғуртанинг ҳар хил турларини мажбурий шаклда амалга оширилиши ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни таъминлашнинг муҳимлиги билан бир қаторда, ихтиёрий суғуртани амалга оширишниг халқаро тажрибасини мамлакатимиз суғурталовчиларнинг мўайян манфаатларини ҳамда Ўзбекистон

Республикасининг ривожланиб келаётган бозор иқтисодиёти талабларини инобатга олган ҳолда жорий этиш ҳамда тадбиқ қилиш учун қулай шарт шароитлар яратилиши ҳам зарур. Маълумки, чет элда ихтиёрий суғуртанинг турлари ва хиллари чексиздир. Ихтиёрий суғурта ривожланиши учун муҳим шарт шароит қўйидагилар:

- иқтисодий эркинликни ривожлантириш орқали жамият аъзоларининг маъсулияти даражасини ошириш;
- ривожланган ҳуқуқий тартибга солиш тизими томонидан таъминланган маданиятнинг юқори даражада тақсимланиши;
- жамият аъзолари ўзини тутишнинг фаол социал психологик русумини яратиш.

Суғуртанинг ихтиёрий турлари ривожланишининг асосий истиқболлари, шак-шубҳасиз, унга республикамиз аҳолисининг кенг жалб этилишидадир. Бу амалга ошиши учун аҳолининг пул маблағларини ошиши, фуқароларнинг таъминланган қатламлари кўпайиши зарур. Ҳаёт ва пенсиянинг узоқ муддатли суғуртаси аҳамиятга моликдир. Суғуртанинг бу турлари фуқароларнинг келажаги учун ишончли молиявий замин яратишдаги манфаатларини ҳамда давлатнинг пул маблағларини инвестиция мақсадларида фойдаланиш учун уларнинғ узоқ муддатли асосида тўпланишидан манфаатдорлигини бирлаштиради. Суғуртанинг давлат томонидан қўллаб қувватланиши ҳал этиладиған вазифаларнинг аҳамияти ва устунлигини инобатга олган ҳолда қўйидаги йўналишларда амалга оширилмоғи лозим:

1. Миллий суғурта бозорини ҳимоя қилувчи қонун хужжатлари билан таъминлаш;
2. Суғурта фаолиятининг давлат томонидан назорат қилинишини такомиллаштириш.

Ҳозирги замон инсоният цивилизациясини суғурта тизимисиз тасаввур этиш қийин. Дарҳақиқат ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, суғурта корхона, ташкилотлар, ҳамда фуқароларни олдиндан кўриб бўлмайдиган тасодифий ҳодисалар оқибатида юзага келадиган талофатларни олдини олиб қолмасдан, балки йирик инвестиция манбаидир. Бу ҳолат суғуртани иқтисодиётни ривожланишидаги аҳамияти беқиёс эканлигини кўрсатади.

# 2-мавзу. Суғуртада менежмент тизими муаммолари ва уларнинг ечими

**Режа:**

2.1. Суғурта менежментни тушунчаси ва иқтисодий моҳияти.

2.2. Ўзбекистон суғурта компанияларида суғурта менежментни замонавий ҳолати.

2.3. Суғурта ташкилотларида суғурта менежментини ташкил этиш муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари.

**Таянч иборалар**

Суғурта менежменти, суғурта компанияси, суғурта компаниясини бошқариш, бошқариш тамойиллари, бошқариш усуллари.

## 2.1. Суғурта менежментни тушунчаси ва иқтисодий моҳияти.

Суғурта фаолияти жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг рисклар оқибатида кўриши эҳтимол бўлган зарарларини қоплашнинг зарурий воситаси сифатида пайдо бўлди ва ривожланди. Шундай англанилган зарурат - аниқ суғурта манфаатлари негизида, суғурта муносабатлари юзага келди. Таъкидлаш лозимки, суғурта муносабатлари мураккаб ва кенг қамровли молиявий-пуллик иқтисодий муносабатлардир. Бу ўринда, суғурта муносабатлари юзага келиши учун ўзаро боғлиқ шарт-шароит мажмуаси мавжудлиги ҳам муҳим эканлигини таъкидлаш лозимдир.

Суғурта муносабатлари, уларнинг ташкилий шакллари қандайлигидан қатъи назар, суғурта фондини яратиш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Суғурта фаолияти бозор муносабатларининг энг муҳим унсурига айланди. "Суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади"[11]. "Шу нарса аниқки, бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар суғурта тизимисиз самарали йшлаш, инвестиция фаолияти билан шуғулланиш, кредит олиш имкониятига эга эмас"[12].

Суғурталовчилар фаолияти мижоз (суғурталанувчи) лар базаси билан шаклланиши бўйича, суғурталанувчилар эса ишлаб-чиқариш фаолиятида ўзларини шахсий қизиқишларини қондиришлари билан характерланади. Суғурталовчилар ўзларининг суғурталанувчилари кўпайиши хамда фойда олишдан манфатдордирлар. Чунки, бошқа иқтисодий фаолият турлари каби суғурта соҳаси ҳам тижорат фаолиятига тегишли бўлиб, асосий мақсади фойда

[11] Ўзбекистон Республикаси "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонуни - "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2002 йил, 4-5-сон, 68-модда.

[12] Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш - энг муҳим вазифамиз. Президент И.Каримовнинг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.// Т: Ўзбекистон, 2000.

ва даромад олишдир. *

Ҳар қандай бозорда бўлгани каби суғурта бозорида ҳам, суғурта хизматлари сифат жиҳатидан мукаммаллигини ҳамда нарх жиҳатидан ҳаммабоп ва ҳамён кўтарадиган бўлишини таъминловчи - рақобатдир. Суғурта бозоридаги рақобат муҳити аксарият, маълум даражада суғурта компаниялар бошқаруви (менежменти) томонидан шакллантирилади. Қолаверса, суғурта менежменти суғуртафаолиятини ташкил этишда муҳим таркибий элемент ҳисобланиб, суғурта унумли фаолият кўрсатиб, ишлаб туришини таъминловчи фаолият турлари мажмуидир.

Инглиз тилидан олинган "management" тушунчаси бошқарув, ташкил этиш, бошлиқликни амалга оширмоқ мазмунини англатади. Умумилмий луғатларда ушбу тушунчага бир нечта изоҳ ва шарҳлар мавжуд:

Суғурта менежменти – бу суғурта ташкилотда ишлайдиган одамларни ўзаро мосланган ҳаракати орқали ушбу ташкилотни мақсадига эришиш.

Суғурта менежменти – бу одамий ва моддий ресурсларни ўзаро мосланган фойдаланиши орқали суғурта ташкилотни мақсадига эришиш учун режалаштириш,ташкил этиш,раҳбарлик ваназоратжараёни.

Ваҳоланки ушбу таърифлар турли бўлсада,шунга қарамасдан,уларни таркибида учта умумий белги бор:

- Бошқаришда албатта мақсад мавжудлиги кўрсатилади;
- ушбу фаолиятни ўзига хос заковатли феъли белгиланади;
- бошқариш ташкилотда амалга оширилиши маълум қилинади.

Суғурта менежменти – бу бозор муносабатларига хос бўлган алоҳида бошқариш тури. Суғурта менежменти бошқарувни иқтисодий усулларига асосланган ва суғурта фаолиятини фойда келтиришига ва даромадлилигига қаратилган.

Суғурта менежменти – бу касбий бошқарувдир. Суғурта менежменти – бу суғурта компания фаолияти бошқарувини аниқ шароитларини ҳар томонлама таҳлил қилишига, янгиликлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга, суғурта компания ривожланишини тактикава стратегиясин иишлаб чиқишга ва бошқаларга қаратилган ташкилий фаолиятни туридир.

Менежмент Америкадан келиб чиққан ва дастлабки ўзини уй хўжалиги юритиш қобилиятини ёки қанакадир ишлар бажаришни англатган. Жамият, айниқса капиталистик иқтисодиёт ривожланган сари "менежмент" тушунчаси ҳам табиийки ўзгарган.

Қачонки бир талай янги касблар ва меҳнат турлари намоён бўлганда айрим кўринишдаги фаолият турида – бошқариш фаолиятида эҳтиёж зарурат бўлди. Шу тарзда, менежмент одамий фаолиятини мустақил шаклига - ишлаб чиқаришни бошқаришига – айланади ва у мутахассисларни айрим гуруҳи – касбий менежерлар – томонидан амалга оширилади.

Замонавий босқичда менежмент ўзида бошқарувга меҳнат тури сифатида қўйиладиган талаблар хилма-хиллигини акс эттиради. Менежмент бўйича замонавий адабиётда энг кўп учрайдиган атама - "ташкилот". Кенг маънода у умумий мақсадга эга бўлган инсолар (икки ёки кўпроқ)гуруҳини англатади.

Менежмент - бу бошқаришни энг унумли ташкил этиш ва оптималлаштириш тизими тўғрисидаги фандир. Ҳозирги пайтгача суғурта менежменти тушунчасини тарифлаш бўйича ягона ёндашув йўқ. Суғурта менежменти мазмуни турлича талқин қилинади. Иқтисодчиларнинг суғурта менежментини ифодаловчи изоҳ ва талқинлари хилма-хилдир. Албатта, бу хол ажабланарли эмас. Чунки жамият ривожланиши, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида ихтисослашган меҳнат фаолияти доирасини анча кенгайтирди. Иқтисодий ўсишни тезлаштириш моделларига ўтиш шароитида янги технологиялар янги қарорларни талаб қилганидек, уларни тушунишнинг ҳам янги босқичи талаб этилади. Сўзни тормаъносида суғурта менежментни суғурта компания ишчилар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлашади; кенг маъносида - суғурта компания ва уни ишчилар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлашади. Суғурта менежментига берилган мавжуд изоҳ ва талқинларни таҳлилидан келиб чиқиб, мазкур диссертация ишига асос қилиб қуйидаги талқинни қабул қилиш мумкин: суғурта менежменти - суғурта компания ва уни ишчилар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.

Суғурта фаолиятида тезкор бошқаришни объекти – бу фаолият кўрсатаётган суғурта компанияси. Бозор иқтисодиёт шароитида ҳар бир фаолият кўрсатаётган суғуртачини иккита муаммо ҳаяжонлантиради: қандай қилиб мижозларга энг унумли хизмат кўрсатиш ва қандай қилиб бошқариш сифатини ошириш.

Суғурта компания фаолиятини бошқариш функциялари 1-расмда келтирилган

**Муаммони аниқлаш**

**Вазифаларни белгилаш**

**Иш йўналишларини аниқлаш**

**Иш дастурини ишлаб чиқиш**

**Иш дастурини амалга ошириш ва оширилишини назорат қилиш**

**1-расм. Суғурта компания бошқариш цикли**[13]

Суғурта менежменти суғуртанинг мазмун моҳияти бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам суғурта компанияларининг суғурта менежментнинг

[13] Ефимов С.Л. Организация управления страховой компанией: теория, практика, зарубежный опыт.-38с.

самаралилигини баҳолаш, даромадни кўпайтириш ва суғурта компанияни бозор боҳосини оширишда биринчи қадам бўлиб ҳисобланади.

Шуни ёдда тутиш керакки собиқ иттифоқ даврида тижорат суғуртаси мавжуд бўлмаганидек, суғурта менежментига ҳам талаб бўлмаган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда суғуртага бўлган қизиқиш ортиб бораётган бир пайитда вазият тубдан ўзгарган, суғурта муаммоларига оид бўлган мақолалар, дарсликлар, илмий ишлар хажми кўпайб бормоқда. Аммо суғурта бизнесини олиб бориш билан боғлиқ айрим масалалар ўз ечимини топганича йўқ. Бундай масалалардан бири суғурта менежменти бўлиб ҳисобланади.

Суғурта менежментини асосий вазифаси – суғурталанувчиларнинг таваккалчиликларини самарали бошқаришдан иборатдир.

Шундай қилиб, суғурта менежментнинг асосий фукциялари бу:

- таваккалчиликни баҳолаш;
- адекват суғурта тарифини белгилаш;
- суғурта шартларини белгилаш;
- даромадли суғурта портфелини шакллантиришдир;
- суғурта шартномаларини тузиш ва унинг шартларини бажариш.

Хар бир суғурта тури ўзига хос бўлган менежмент хусусиятларига эга бўлади. Суғурта таваккалчилигини ва қандай суғурта манфаати (суғурта объекти) суғуртага қабул қилинаётганлигини билмасдан, тушунмасдан, суғурта ҳодисаси юз бериши эхтимоллигини ўрганмасдан, кутилиши мумкин бўлган суғурта товони миқдорини аниқламасдан суғурта таваккалчилигини баҳолаш мумкин эмас.

Республикамиздаги юқоридагиларни амалга оширилиши ва суғурта фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 618-сонли қарори Ўзбекистонда суғурта менежменти ривожланиши учун туртки бўлди десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Чунки мазкур қарор билан “Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида” Низом тасдиқланиб, суғурта воситачилари (суғурта агенти, суғурта ҳамда қайта суғурта брокери), аджастер, актуарий, асистанс ва суғурта сюрвейери каби суғурта шартномаси тузилиши ва шартлари бажарилишини таъминлаб берувчи суғурта бозори инфратузилмаси субъектларнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни билан мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сонли қарори билан тасдиқланган “Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида”ги низом билан суғурта бозори инфратузилмаси субъектларини ташкил этувчи суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари фаолияти хусусиятлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилди.

Суғурта экспертизасини ўтказишга ваколатли мутахассисларнинг (экспертларнинг) иш тартиби суғурта сюрвейери томонидан белгиланади.

Суғурта сюрвейери ўз фаолиятини суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади. Суғурта сюрвейери ишининг натижалари бўйича ҳисобот тақдим этади, суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) бу ҳисоботдан суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси тузиш чоғида фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта менежменти вазифалари, бир шахс томонидан эмас балки суғурта агенти, суғурта брокери, суғурта сюрвейери хамда аджастер каби суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан ёки суғурта компанияларининг профессионал билим ва малакага эга бўлган ходимлари томонидан бажарилмоқда.

Қалтисликларни суғуртага қабул қилиш жараёни методик таъминланмаганлик ва суғурта бозори ривожланиб бораётган бир пайитда суғурта компанияларининг мулкий ва бошқа суғурта турлари бўйича сифатли менежмент амалга оширилишига бўлган талаблари кучайиб бормоқда.

Суғурта ривожланишининг тенденциялари,иқтисодий фаолият субъектларининг манфаатларини турли хил хавф(риск)лардан ҳимоя қилиш инструментини ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда менежмент, суғурта компаниясини оператив бошқаришнинг асосий қисми ҳисобланади, менежмент натижалари эса маълум даражада суғурта компанияси операцияларининг натижаларини белгилаб беради.

Ўзбекистон суғурта бозоридаги рақобат менеджер олдига янги поғонадаги масалаларни қўймоқда: қандай қилиб мижозларни ушлаб қолиш, қандай қилиб суғурта хизматлари сифатини ошириш ва суғурта фаолияти рентабеллигининг керакли даражасини сақлаб қолиш ва х.к.

Бунги кунда суғурта компаниялари асосан суғурталанувчиларнинг индивидуал хавфлари билан ишлашда суғурта менежментини ташкил этиш ва ушбу жараённи бошқаришни ривожлантириш муаммоларига дуч келишаётганликлари табиий.

Менежментинг мақсади суғурта компанияси томонидан қабул қилинган менежмент сиёсатида аниқлаштирилади ва унда қуйидагилар акс этиши лозим:

- суғурталовчининг мажбуриятлар бўйича тўловни амалга оширишга бўлган молиявий аҳволи (суғуртловчининг ўзида қолиши мумкин бўлган жавобгарлиги миқдори);
- суғурталовчининг бошқа сиёсатлар билан боғлиқлиги (молиявий, инвестицион, бюджет, тўловга оид, кадрларга оид ва х.к.);
- суғурта портфели рискларини бошқарувчанлиги;
- қайта суғурта сиёсатини;
- андеррайтер ваколатлари ва уларни асосларини;
- зарарлилик даражасини прогнози;
- рақобатчиларни ва уларни суғурта бозоридаги ўрни;
- йўл қўйилиши мумкин бўлган дебиторлик қарзлар;
- қонун хужжатларидаги ўзгартиришлар ва уларнинг суғурталовчининг сиёсатида оператив ҳисобга олиниши.

Андеррайтинг - бу суғурта бизнес-процессни бир қисми, потенциал қалтисликни суғурталаш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилинишини

асоси[14].

Андеррайтингни мақсади - суғурта турлари бўйича ва бутун суғурта портфели бўйича ўрнатилган зарарлик кўрсаткичларни қалтисликларни селецияси, суғурта шартларини ва суғурта қопламасини танлаш йўли билан таъминлаш. Ушбу мақсад андеррайтингни қуйидаги функциялари ҳисобига бажарилади:

таҳлилий - суғурта объектни таҳлил қилиш, суғурта ҳодисаси содир бўлишига тасир қиладиган факторларни аниқлаш, суғурта пулини аниқлаш ва х.к.;

услубий - андеррайтинг сиёсатини ишлаб чиқиш, суғурта воситачиларни (суғурта агентларни) ўқитиш, қалтисликларни услубий таъминлаш;

амалий - суғурта шартномани тузиш ёки тузмаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш, суғурта шартномани шартларини ишлаб чиқиш ва х.к.;

назорат – стандарт ва индивидуал андеррайтингни сифатини назорат қилиш, суғурта портфелни параметрларни мониторинг қилиш, тариф сиёсатини назорат қилиш.

Суғурта андеррайтинги иккита турда ўтказилиши мумкин. Биринчи турдаги андеррайтингни асосий мақсади илқ бора суғурталанадиган инновацион рискларини тўғри танлаш ва суғуртага қабул қилиш. Биринчи турдаги андеррайтинг учта босқичдан иборат (2-расм).

Иккинчи турдаги андеррайтингни асосий мақсади қата тузиладиган суғурта шартномаларни шартларини тахлил қилиб, керакли ҳолатда ўзгартиришлар киритиш.




**2-Расм. Биринчи турдаги андеррайтинг[15]**

Суғурта менежменти асосан суғурта турига қараб суғуртага қабул

[14]Merritt's Glossary of Insurance Tems. 4th edition.- Santa Monica. – California, USA -27 p.

[15] Чоп этилган маълумотлар асосида муалиф томонидан ишлаб чиқилган

қилинаётган таваккалчиликни текширишдан иборатдир.

Мисол учун транспорт воситасини ихтиёрий суғурталашда автомашинани бошқаришга йўл қўйилган шахслар миқдори, уларнинг ёши, ҳайдовчилик тажрибаси, франшизани миқдори, автомашинани олиб қочишга қарши қўйилган асбоб-ускуналар, тунги вақтда автомашинани сақлаш шароити ва бошқа шу каби шароитлар ўрганилади.

Менежментни ишининг асосий натижаси бу даромадли суғурта пртфелини шакллантиришдан иборатдир.

Суғурта менежменти даромади деганда суғурта портфели хажми ва тўланган суғурта товонлари хажми ўртасидаги фарқи тушунилади.

Суғурта шартномаси тузилганидан сўнг ишга қайта суғуртловчилар киришади. Бунда хам агар суғурта шартлари умумий шартлардан тубдан фарқ қиладиган бўлса суғурта таваккалчилигини қайта суғурта бериш масаласи оғир кечади. Бундан ташқари менеджер жуда хам кичик бўлган тариф қўллаб қўйиши хам мумкин. Бунда суғурта таваккалчилигини қайта суғуртага бериб бўлмай қолади.

Ушбу жараённнинг охирида барибир албатта суғурта портфели даромадлилиги қизиқтирадиган менеджерлар ёҳуд акционерлар бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш мухимки, суғурта менеджери шуни тушуниши керакки, унинг ишини натижаси, яъни суғурта шартлари ва суғурта тарифи белгиланиши унинг касбдошлари, қолаверса бутун суғурта компанияси ишини натижасини белгилаб беради. Бу эса жуда катта жавобгарликдир.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини суғурталашда менежмент сиёсатини яқиндан ўрганиш мухим аҳамият касб этади. Суғуртада менежмент фаолияти ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида назарий билимларини шакллантириш ва бу билим кўникмаларни иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида қуллай олиш, мулкий суғуртага доир мавжуд тажрибани умумлаштириш, таҳлил этиш ва  ўргатишдир суғурта компанянинг самарали фаолият кўрсатишига ижобий таъир қилмай қолмайди.

Суғуртаменеджербилимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган қуйидаги асосий талаблар мавжуд бўлишини келтиришимиз мумкин:

- суғурта объектини баҳолаш услублари-андеррайтингнинг таркибий қисми сифатида бўлишини;
- суғурта суммасини аниқлаш ва уни суғурта манфаати билан боғлиқлигини;
- мулк суғуртаси объекти бўйича рискларни аниқлашни билиши ва улардан фойдалана олиши лозим:
- суғурта жавобгарлиги ҳажмини аниқлаш кўникмага эга бўлиши лозим:
- суғурта турларида мулкий манфаат ва суғурта суммаси;
- суғурта шартномаси тузишда зарур бўладиган ҳужжатларни мене-джмер томонидан кўриб чиқилиши бўйича малакага эга бўлиши керак.

Мулк суғуртаси объекти бўйича рискларни аниқлаш, таҳлил этиш ва уни суғуртага қабул қилиш бўйича қарор қабул қилиш, суғурта шартномасини тузиш учун талаб этилган хужжатларни экспертиза қилиш, суғурта

жавобгарлиги ҳажмини аниқлаш, суғурталанувчини суғурта қилиш шартлари билан таништириш суғурта шартномасини тузишда менеджмернинг асосий вазифаларидир.Корхона мулкини суғурта қилиш бўйича шартномани амал қилиш муддати ва уни бекор этиш шартлари, корхона мулкини суғуртаси бўйича тариф ставкаси, суғурта мукофотини ҳисоблаш ва тўлаш жараёнини тартибга солиш, суғурта ҳодисалари содир бўлиши натижасида етказилган зарарни аниқлаш ва тартибга солишда менежментнинг вазифалари, автотранспорт воситаларини ишлатиш жараёнида юзага келадиган рисклар ва уларни классификациялаш, суғурта рискларини таҳлил этиш, баҳолаш ва танлаш – менежментнинг муҳим таркибий қисмидир.Суғурта турларига мувофиқ суғурта менежменти томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларга тўхьаладиган бўлсак, корхоналар мол- мулкини суғурталашда:

- корхоналар мол-мулкинисуғурталашнинг иқтисодий моҳияти;
- суғурта объектини баҳолаш услублари-менежмент сиёсати;
- суғурта суммасини аниқлаш ва уни суғурта манфаати билан боғлиқлиги;
- мол-мулк суғуртаси объекти бўйича рискларни аниқлаш, таҳлил этиш ва уни суғуртага қабул қилиш бўйича қарор қабул қилиш;
- суғурта шартномасини тузиш учун талаб этилган хужжатларни экспертизаси;
- суғурта жавобгарлиги ҳажмини;
- корхона мол-мулкини суғурта қилиш бўйича шартномани амал қилиш муддати ва уни бекор этиш шартлари;
- корхона мол-мулкини суғуртаси бўйича тариф ставкаси;
- суғурта мукофотини ҳисоблаш ва тўлаш жараёнини тартибга солиш;
- суғурта ҳодисалари содир бўлиши натижасида етказилган зарарни аниқлаш ва тартибга солиш каби масалаларни тўғри ва аниқ ҳал этилиши менежментнинг томонидан кўриб чиқилиши муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта менежментига берилган мавжуд изоҳ ва талқинларни таҳлилидан келиб чиқиб, мазкур диссертация ишига асос қилиб қуйидаги талқинни қабул қилиш мумкин: суғурта компания ва уни ишчилар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш. Суғурта менежментни ишининг асосий натижаси бу даромадли суғурта пртфелини шакллантиришдан иборатдир.

## 2.2. Ўзбекистон суғурта компанияларида суғурта менежментни замонавий ҳолати.

Ўзбекистон Республикасида сугурта компаниялар фаолиятини бошқариш давомида куйидаги боскичларни белгилаш мумкин (1-расм):

- суғурта маҳсулотларни сотиш;
- Маркетинг ишларини олиб бориш;
- янги суғурта маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва борини такомиллаштириш;
- Таъминлаш хизматлари амалга ошириш.

Ўзбекистон суғурта бозорида асосий салмокни агентлар орқали сотув, сўнг банклар ва бошқа каналлар ташкил қилади. Бунинг сабаби шуки, суғурта

бозори эндигина ривожланиш жараёнида потенциал суғурталанувчига суғурта каби мураккаб махсулотни таништириш, унинг афзаллик томонларини кўрсата билиш ва шу тарика истеъмолчилар эхтиёжини ривожлантириш ва доимий равишда кондириб бориш вазифасини агентлар бажаради.

Ўзбекистон Республикасида Суғурта компаниялари фаолиятининг тахлили шуни курсатмокдаки, Суғурта хизматларига булган талабнинг шаклланиши деб потенциал истеъмолчиларга мақсадли таъсир натижасида Суғурта хизматларига булган талаб даражасини муайян Суғурта компанияси амалга ошираётган таклифига якинлаштириш деб тушунилади.




**1-Расм. Суғурта компанияни бошқаруви амалга оширадиган фаолиятлар.**

Потенциал истеъмолчиларга таъсир курсатишнинг куйидаги усул ва воситалар: аниқмақсадга йуналтирилган реклама, Суғурта шартномалари тузиш сохасидаги ташкилий тадбирлар мажмуидан, нархнинг шаклланиши, Суғурта хизматлари тарифларини табакалаштиришдан ва кушимча хизмат курсатишлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Суғурта шарномасининг тузилиши муайян Суғурта компаниясининг хизматига булган талабнинг шаклланишининг якунловчи боскичидир. Бунда потенциал Суғурталанувчи хали Суғурта компаниясининг мижози булмаганлиги сабабли Суғурта хизматларига талабни жонлантиришга ахамият бериш мухимдир.

Суғурта хизмати курсатишнинг юкори даражада маданиятли булиши потенциал сугрталанувчиларда Суғурта хизматларига талабнинг шаклланиши гаровидир. Шунинг учун муайян Суғурталовчи курсатадиган сервис даражаси канча юкори булса, унинг Суғурта хизматлари талаби хам шунча юкори булади. Лекин сервис даражасини ошириш харажатларни купайтиришги олиб келади. Бу холда Суғурталовчи амалга оширадиган маркетинг хизматининг вазифаси хизмат курсатиш билан Суғурта хизматларига талабнинг иктисодий омиллари уртасидаги узаро нисбатнинг конунийлигини аниқлашдан иборат булади. Суғурталанувчиларга хизмат курсатиш сифат мезони улар томнидан эътирозларни йуклиги хисобланади.

Суғурта компанияларининг фаолияти давомида Суғурта хизматларига

талабни шаклланишида куйидаги боскичларни белгилаш мумкин:

•Суғурта бозорини урганиш ва тахлил қилиш учун керакли ахборотларни тўплаш;

•Аниқ суғурта хизмати турларига талабни урганиш ва уларнинг ракобаткодир нархларини аниқлаш;

•Суғурталовчининнг реклама фаолиятини тадкик этиш.

Суғурта бозорига чиқишда ахборотларни тўплаш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Маркетинг ахборотлари бирламчи ва иккиламчи маълумотлардан иборат булади. Бирламчи маълумотлар аниқ масалани ечиш мақсадида янгитдан тупланади. Иккиламчи маълумотлар эса мазкур муаммонинг ечимига тугридан - тугри боглик булмаган ва олдиндан тайерланган маълумотлардир. Аммо маркетинг ахборот тизимида бирор аниқ бозорга кириш муаммоси белгиланмагунча иккиламчи ахборотлар урганилмайди. Шу билан бирга иккиламчи ахборотлар тула урганилмагунча бирламчи маълумотлар тупланмайди. Ундан ташкари, бирламчи маълумотларни йигиш факат икиламчи маълумотлар етишмай колганлиги учун зарур булади. Суғурта компанияси ахборотлар тўплаш оркали бозорда:

- аниқ устуворликка эришади;
- молиявий хавфсизликни таъминлайди ва мавкеи тушиб кетишининг олдини олади;
- Суғурталанувчиларнинг муносабатини аниқлайди;
- ташки мухитни назорат килади;
- стратегияни бошкаради;
- фаолиятини бахолайди;
- рекламасига ишончни оширади;
- қарорларини асослайди;
- келажагига ишонч хосил килади;
- самарадорлигини яхшилайди.

Бозорда позициялаш – бу шубха тугдирмайдиган, бошкаларидан аниқ фарк қиладиган, бозорда энг исталган жойда булган ва истеьмолчиларнинг онгида турадиган суғурта маҳсулотини таьминлашдир. Ана шундай хулоссани хисобга олган холда суғуртачи икки йулдан бориб бозорда урнини (позициясини) танлаб олиши мумкин.

Биринчи йул-узини, мавжуд суғурталовчи ракобатчилар билан бирга бозорда ёнма-ён туриб позициялаш ва бозор улуши учун курашни бошлаш. Айнан ана шу йулни танлаш суғурталовчининг ракобатчи махсулотидан афзалрок махсулот яратишга, иккита ракобатчини етарли даражада сигдира оладиган бозорнинг катталигига, у ракобатчиникига караганда купрок ресурсларга эгалигига, танланган позицияси суғурталовчининг кучли ишчанлик томонларининг хусусиятларига туларок, жавоб беришига булган ишончи курашишга асос булади.

Иккинчи йул хали бозорда пайдо булмаган ва кондирилмаган эхтиёжини кондиришга мулжалланган суғурта махсулотини ишлаб чикиб эркин сегментчани эгаллаб олишдир. Лекин бундай қарорга келишдан олдин

суғурталовчи куйидагиларга эга эканлигига ишонч хосил қилиши керак:

1. Бундай суғурта махсулотини яратиш учун техник имкониятларга;

2. Режалаштирилаётган бахолар доирасида махсулот яратишга булган иктисодий имкониятларга;

3. Бундай суғурта махсулотини авзал кўрувчи истеьмолчиларнинг етарли даражадаги микдорига.

Агар олдинга қўйилган масалаларга бўлган жавоблар ижобий тус олса бу "бўшликни" тўлдиришнинг чоралари қўрилади. суғурталовчи ўз ўзнини топиши (позицияланиш) хақида қарорга келгандан сўнг маркетинг комплексининг қолган майда ишларини ишлаб-чиқиш билан шуғуллаииши мумкин. Лекин танланган сегментларни аниқ мулжал қилиш минимал таваккалчиликни аниқлашга каратилиши керак. Суғурталовчи бозорнинг муайян мақсадли бугини (сегменти) га кириб бориш стратегиясини танлаб стратегик режалаштириш ва маркетинг мажмуи (комплекси) ни режалаштиришга киришади.

Бозорлар харидорлардан ташкил топади, харидорлар эса уз навбатида бир-бирларидан турли мезонлар билан фарк киладилар, яьни уларнинг эхтиёжлари мулкий муносабатларига мувофик турлича булади, моддий имкониятлари олган эхтиёжлари даражасига, урф-одатлари ва киликларидаги фаркларга боглик булади. Бу позицияларнииг хар биридан бозорни сегментларга ажратиш учун фойдаланиш мумкин.

Аслида хар бир харидор бозорнинг алохида бир бугини эканлигини хисобга олиб, сотувчи хар ким учун алохида бир маркетинг дастурини ишлаб чиқиши лозим. Бирок Суғурта товарларини хар бир муайян харидорнигн эхтиёжини кондирадиган килиб мослаштириб булмаса керак. Бир-бирларидан узларининг Суғурта махсулотларига булган талаблари ва узларининг жавоб тарзидаги маркетинг реакциялари билан фарк киладиган истеьмолчиларнинг кенг тоифаларини аниқлаш мақсадга мувофикдир.

Суғурта менежментни мухим қисми - актуар ҳисоб-китобларни амалга ошириш дир.Хозирги вақтда мамлакатимиз суғурта компаниялари томонидан суғурта тарифларини ишлаб чиқиш  ва захираларини шакллантиришда актуар ҳисоб-китобларнинг замонавий услубларидан фойдаланиш коникарсиздир. Ҳали ёш тармоқ бўлганлиги сабабли, бу соҳада ишловчи замонавий билим ва етарли даражада малакали мутахассисларнинг етишмовчилиги ҳам сезилиб туради. Тажрибали мутахассисларнинг танкислиги суғурта маҳсулотини яратишдан бошлаб, уни суғурталанувчиларга етказишгача ва ундан кейинга жараёнларда яккол намоён бўлади. Бугунги кунда актуар хизматлари аксарият суғурта компанияларда ўзларининг актуар билим талабларига жавоб бермайдиган ходимлари томонидан амалга оширилаётганлиги суғурта бозорида актуарийлар етишмаслигидан далолатдир. Чунки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 6 сентябрдаги 82-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Актуарий малака сертификатинибериш тартиби тўғрисида”ги низом[16] асосида актуарий малака сертификатига эга бўлган фақат

[16] "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 41-42-сон, 423-модда.

иккитта актуарий мавжуд[17].

Суғурта шартномаси тузилгунига қадар суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш, суғурта шартномаси тузилгунига қадар барча фактларни ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш, таваккалчилик даражасини аниқлаш хамда текширилаётган суғурта объекти бўйича хулоса тузиш бўйича хизматлар суғурта менежментни ажралмас қисми дир. Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта сюрвейери вазифалари аджастерлар вазифалари бажарилиши каби суғурта компанияларининг профессионал билим ва малакага эга бўлмаган ходимлари томонидан бажарилмоқда. Республикамизда аниқ бир юридик шахс сифатида ташкил этилган суғурта сюрвейерлик ташкилоти мавжуд эмас. Албатта, бу суғурта бозори ривожланиши ва суғурта компаниялари томонидан суғурта қалтисликларни қабул қилишда салбий ҳолатлардан биридир.

Қалтисликларни суғуртага қабул қилиш жараёни услубий таъминланмаганлик ва суғурта бозори ривожланиб бораётган бир пайитда суғурта компанияларининг шахсий суғурта турлари бўйича сифатли суғурта экспертизани амалга оширилишига булган талаблари кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта менежменти вазифалари, бир шахс томонидан эмас балки суғурта агенти, суғурта брокери, суғурта сюрвейери хамда аджастер каби суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан ёки суғурта компанияларининг профессионал билим ва малакага эга бўлган ходимлари томонидан бажарилмоқда.

Суғурта ривожланишининг тенденциялари, инсон, жамият, давлат ва иқтисодий фаолият субъектларининг манфаатларини турли ҳил қалтисликлардан ҳимоя қилиш инструментини ташкил этиш билан чамбарчас боғликдир. Бунда суғурта экспертиза, суғурта компаниясини оператив бошқаришнинг асосий қисми ҳисобланади, суғурта экспертиза натижалари эса маълум даражада суғурта компанияси операцияларининг натижаларини белгилаб беради.

Ўзбекистон суғурта бозоридаги рақобат суғурта компанияни олдига янги погонадаги масалаларни қўймокда: қандай қилиб мижозларни ушлаб қолиш, қандай қилиб суғурта хизматлари сифатини ошириш ва суғурта фаолияти рентабеллигининг керакли даражасини сақлаб қолиш ва х.к.

Суғуртачиларга ўз вазифаларини адо этишда тезкор ва профессионал тарзда ёрдам берувчи ташкилотларсиз тулақонли мукаммал суғурта бозорини шакиллантириш мумкин эмас. Давлат инспекцияси ва суғуртачилар бирлашган кучларнинг вазифаси суғурта бозори инфратузилмаси негизини қуриш, мустақил суғурта брокерлари, суғуртада сюрвейерлари, ихтисослашган ҳуқуқий регресс фирмалари, рейтинг хизматлари, маслахат-тахлил марказлари, мустакиллик аудиторлик суғурта корхоналари ва хоказоларнинг юзага келишига кумак беришдир.

Хулоса килиб айтадиган булсак, Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта менежменти дастлабки босқичида турибти - суғурта сюрвейери вазифалари аджастерлар вазифалари бажарилиши каби суғурта компанияларининг

[17] Актуарий либо прав, либо может это доказать. Бизнес-вестник востока. Деловая газета. 2008 йил 4 ноябрь 88 (1093)-сон. 8-бет.

профессионал билим ва малакага эга бўлмаган ходимлари томонидан бажарилмоқда..Бу ҳолат айрим объектив сабаблар, яъни суғурта бозори инфратузилмасини ҳуқуқий асослари фақат пойдевори яратилганлиги билан, қолаверса, ушбу фаолият билан шуғулланувчи мутахасисларни билим ва тажрибалари етишмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

## 2.3. Суғурта ташкилотларида суғурта менежментини ташкил этиш муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган қатор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда иқтисодий фаолиятнинг ўзаро уйғун дастаклари мажмуи – бозор институтларини жумладан, банк ва суғурта соҳаларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга устуворлик бериш муҳим омиллардан бири хисобланади. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор фаолият кўрсатишлари кўп жихатдан суғурта тизими қай даражада тарққий қилганлигига боғлиқ.

Суғурта тизими, жумладан, суғурта бозори инфратузилмаси субъектлари давлат, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга суғурта ва суғурта билан боғлиқ хизматлар кўрсатилишини таъминлайди.

Республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши янги шароитида фаолият кўрсата оладиган суғурта тизимини щакллантирищни таказо этди. Мустақиллик йилларида олиб борилган ислоҳатлар натижасида турли мулкчиликка асосланган суғурта тизими вужудгакелди.Халқаро стандартлар талабларига кўра уларнинг бошқарув инфратузилмаси, назорат тизимини шакллантириш билан боглик муаммоларни ҳал қилишга эришилди. Бу борада кейинги йилларда суғурта бозорини ислох қилишга оид бир катор меъёрий хужжатлар қабулқилинди. Шу муносабат билан  суғуртаменежментини олиб бориш, унинг шакли усули ва услубини танлашга катта эътибор берилмокда., лекин, шугна карамай суғуртаменежментни шаклланишида узига хос муаммолар мавжуд, шу жумладан, хозирга кадар суғурта ташкилотларида суғуртаменежментни ташкил қилишнинг юридик ва услубий асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаган ва услубий таъминлаш хаддан ташкари марказлашган.

Бундай шароитда суғуртаменежментни назорат ва бошкарув воситасига айлантиришга, унинг назарий, услубий ва ташкилий асосларини халкаро стандарт талабларига мос равишда такомиллаштиришга каратилган фаолияти самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлаш имконияти булмайди. Суғурта менежменти бир томонидан молиявий оқимларни самарали бошқариш имкониятини яратса, иккинчи томондан қабулқилинган қарорларни ижро жараёнини тартибга солади. Шуни таъкидлаш лозимки, бу жихатлар, бошкарув жараёнида  кетма кетликда, бири бири билан боғлик ва узлуксиз ҳолатда амал қилади.

Суғурта менежментнинг зарурияти йирик суғурта компанияларида қамров самарадорлиги билан боғлиқ бўлган муаммоларни жумладан харажатларни қискартириш устидан назорат қилиш нуктаи назаридан хам

ахамиятга молик. Суғурта компаниясининг рахбарлари иш тартибини белгилайди ва ишлаб чикади. Лекин, ходимлар турли сабабларга кура белгиланган тартибга риоя этмайди ёки тўғри тушунмайди. Менеджерлар томонидан ушбу жараённи доимий текшириб туриш учун уларда вакт етишмайди.Шу сабабли худуддий булинмаларда йул қўйилган камчиликларни ўз вақтида аниклай олишмайди.

Суғурта менежменти айникса суғурта компаниялари худуд жихатдан кенг таркалган, кўп тармокли, мамлакатнинг барча худудларида таркибий бўлинмалари бўлган ва улар томонидан мустақил қарорлар қабулқилинадиган компанияларда мухим рол ўйнайди. Бозор иктисодиёти шароитида суғурта сохасининг мамлакат иктисодиётида тутган урни салмокли булишида суғурта менежментига зарур элементи сифатида ёндошиш мухимдир. Зеро, суғуртаменежмент суғурта компанияларининг молиявий холати ва улар томонидан курсатилаётган хизмталар сифатини бахолашга, бозор эхтиёжларини аниклаш ва шу тарика уларнинг иш самарадорлигини оширишда бозорда самарали ракобат мухитини яратишда катта ёрдам беради.

Тадбиркорлик фаолияти жараёнида даромад олиш, иктисодий субъектлар ривожланишининг оптимал траекториясига эришиш учун энг макбул воситалар зарурлиги боис, аксарият мулкдорлар суғуртаменежментининг мавжуд булишидан манфаатдордирлар.

Суғурта компанияларида суғуртаменежментини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва афзаллик жихатлари куйидагилар билан изохланади:

-конунчиликка доимий риоя қилинишининг кафолатланиши;

-менеджерларнинг компаниядаги вазиятдан иш ва бошкарув услубидан, компанияда қабулқилинган сиёсатдан хабардорлиги;

-илғор технологиялар ва иш услубини жорий этишнинг рагбатлантиришга кумак берувчи тизим эканлиги.

Амалиётдан куриш мумкинки, бугунги кунда ахборотлардан фойдаланувчилар б иктисодий қарорлар қабулқилиш учун асос буладиган, суғурта компаниялари холатини акс эттирадиган маълумот олишга кизикадилар.Шу боис бозор муносабатлари шароитида менеджерлар икки хил вазифани бажариши лозим.

- фаолият натижаларини бахолаш:

- фаолият самарадорлигини баҳолаш.

Биринчи йуналишда менеджерфаолияти хўжалик операцияларини баҳолаш усулида амалга оширилдаи. Ушбу йуналишда менеджерни вазифаси суғурта компанияисининг фаолиятини ишончлилиги ва барқарорлиги, мулкдорлар капиталининг даромадлилигини бахолаш, шунингдек суғурта таваккалчиликларини инобатга олган холда бор имкониятлардан мақсадли ва тизимли фойдаланишдан иборатдир.

Иккинчи йуналиш бу фаолият самарадорлигини бахолаш йуналиши булиб, бу ўзнавбатида куйидагиларга бўлинади:

суғурта компанияси фаолият курсатаётган иктисодий мухитни тахлил қилиш ва бахолаш. Тахлилда ривожланиш дастурларини амалиётга тадбик қилиш масалаларига алохида ахамият берилади.

Суғурта компанияларида жорий этилган менежмент тизимининг тугри ташкил этилганлиги турли таваккалчиликлардан химоя қилинганлик даражасига, унинг самарадорлигига таъсир курстади. Суғурта компаниялари суғурта менежмент тизими канчалик такомиллашган бўлса, бошкарув томонидан қабулқилинган қарорлар ижросининг самараси шунча юкори бўлади.Ушбу тизимдаги узилиш эса компаниянинг молиявий холатига тўғридан тўғри салбий таъсир қилади.

Шунинг учун суғурта менежментни суғурта такшилотида жорий қилинган назорат тизимини тўғри ташкил этилганлиги ва қўйилган мақсадларга кай даражада эришилганлигига бахо бериш лозим. Суғурта менежмент тизими фаолиятининг молиявий хисоботлар кўрсаткичларига таъсири бевосита бўлганлиги учун ушбу тизим асосий текширув объекти сифатида намоён булади.

Суғурта менежмент фаолияти ва суғурта аудит фаолияти бир бири билан боглик булсада,суғурта компаниялари томонидан аудит билан назорат уртасидаги туб тафовутларга етарлича эътибор берилмаётганлиги аудитнинг узига хос имкониятларидан амалда самарали фойдаланишга тускинлик килиб келмокда. Афсуски, кўпгина раҳбарларда аудитга нисбатан маъмурий-буйруқбозлик ва бошқарув тизимининг жазоловчи воситаларидан бири сифатида каралиши ҳолатлари ҳали ҳам сақланиб келяпти. Хозиргача суғурта менежмент хизмати суғурта ташкилотларининг назорат тизимини такомиллаштирувчи ва молиявий холатини барқарорлаштиришга кумаклашувчи тизим эканлиги амалиётда яккол намоён бўлаётгани йўк.

Бугунги кунда суғурта менедментини янада ривожлантириш зарурати мавжуд. Чунки, бусиз суғурта бозори ривожланиши самарали бўлмайди.

Суғурта бозори инфратузилмаси суғурта бозори ривожланиши даражасига мувофиқлиги жиҳатидан суғурта бозори инфратузилмаси кечикувчи (бунда инфратузилма, унинг хизматларидан фойдаланувчи фаолият талабларини қондиришга улгурмаслиги) деб қайд этилиши ўринлидир.

Суғурта бозори инфратузилмасини бирданига, тўлиқ яратиб бўлмайди. У анча вақт давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, юксак маҳоратга эга малакали кадрлар, шунингдек, суғурта муносабатларининг асосий иштирокчилари суғурта билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи мустақил хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига руҳан мослашишларини талаб этади. Суғурта бозорининг муҳим иштирокчиси суғурталовчи (ишлаб чиқарувчи) томонидан махсус, специфик хизмат – суғурта хизмати сотилади. Суғурта бозорида иккита асосий иштирокчи (сотиб олувчи-суғурталанувчи ёки суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи – сотувчи) мавжуд бўлиши муҳим. Лекин, сотиб олувчи-суғурталанувчи ёки суғурта қилдирувчи мавжуд бўлиб, суғурталовчи бўлмаса, суғурта муносабати бўлмайди.

Суғурта бозори инфратузилмаси субъектлари мустақил, қарам, яъни бошқа шахсларга боғлиқ бўлмаган холда (ташкилий жиҳатидан) фаолият юритишлари лозим. Лекин бугунги кунда мавжуд бўлган суғурта бозори инфратузилмаси Ўзбекистон суғурта бозоридаги аксарият йирик суғурта компанияларининг инфратузилмаларидан ташкил топган. Яъни Ўзбекистон

суғурта бозори инфратузилмаси субъектларини бирма-бир кўриб чиқадиган бўлсак уларнинг деярли барчаси Ўзбекистондаги йирик суғурта компаниялари томонидан ташкил этилган ва мазкур компанияларнинг суғурта хизматлари суғурталанувчиларга етказилишида ва унга хизмат кўрсатилишида хизмат қилмоқда. Мисол учун “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси томонидан айнан суғурта соҳаси фаолияти учун “Ўзбекинвест Ассистанс” сервис агентлиги суғурталанувчиларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш, сервис хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадларида 2000 йилнинг апрель ойида ташкил этилган. Мазкур агентлик “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси тизимида аджастерлик вазифаларини ҳам бажариб келмоқда. Шунингдек, “Ўзбекинвест Сармоялари” инвестиция компанияси ҳам ушбу “Ўзбекинвест” суғурта компанияси томонидан қимматбаҳо қоғозлар бозорида компания активларини самарали жойлаштиришни таъминлаш мақсадида 1997 йилда ташкил этилган.

Малакали кадрлар етишмаслиги суғурта бозори инфратузилмаси, умуман Ўзбекистон суғурта бозорига хос бўлган ҳолат. Бу масалани ҳам, яъни, кадрларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини бугунги кунда қайсидир маънода айнан суғурта компанияларини ўзлари ҳал этмоқдалар.

Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмаси мавжуд бўлсада, уларнинг барча субъектлари тўлиқ мавжуд эмаслигини, суғурта бозори инфратузилмаси энди шаклланаётганлигидан далолатдир. Бу ҳолат уларнинг ҳуқуқий асослари яратилганлигига энди бир ярим йил бўлганлиги, қолаверса уларнинг иш юритиш тартиби (фаолияти жараёнида расмийлаштириладиган хужжатлар намуналари, хужжатлар айланиши механизми ва х.к.) белгиланмаганлиги билан изоҳланади

Суғурта менежменти суғурта бозори ривожланиши даражасига мувофиқлиги жиҳатидан суғурта менежменти кечикувчи (бунда суғурта менежментнинг хизматларидан фойдаланувчи фаолият талабларини қондиришга улгурмаслиги) деб қайд этиш лозим.

Суғурта менежмент самрасини ошириш мақсадида суғурта бозори инфратузилмасига қўшимча равишда суғурта консалтинги ташкилотлари (суғурта маслаҳатчилари)ни, 24 соат ишловчи қўнғироқ марказларини, ихтисослашган юридик (адвокатлик) фирмаларни, инвестиция компанияларини ва суғурта аудиторларини киритиш мумкин.

Суғурта бозори инфратузилмаси субъекти – суғурта агентларини ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари суғурта компаниялар томонидан амалга оширилишини жаддалаштиш лозим.

Хулоса ўрнида таъкидлаш муҳимки:

- суғурта менежмент амалга оширилишдаги муносабатлар меъёрий-ҳуқуқий хужжат билан тартибга солинмаган;
- Ўзбекистонда суғурта менеджерлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган ихтисослаштирилган курслар ёки бирор ўқув маркази ташкил этилмаган;
- бугунги суғурта менеджерларга нисбатан профессионал билим ва малакага талаблари ўрнатилмаган ва суғурта менеджер хизматлари кўрсатиш

фаолитини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилмаган;

- республикамизда суғурта менеджер фаолиятини олиб боришга қодирлиги нуқтаи назаридан уларни сертификаташ ва имтихондан ўтказиш тартиби мавжуд эмас;

- суғурта менеджерларнинг профессионал жавобгарликларини суғуртаси жорий этилмаган;

- суғурта менеджерлари ўз фаолияти давомида ишлатиши мумкин бўлган хужжатлар намуна ва андозаларини тўплами нашр этилмаган.

Ички инвестиция манбаларини кўпайтириш, давлат, фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкий манфаатларини ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида республика суғурта бозорини ислоҳ қилишда энг муҳим, биринчи ўриндаги ривожланиши йўналишлари ва йўлларини аниқлаб олиш керак[18].

Унингсиз суғурта муносабати амалга ошмайдиган суғурта бозорининг асосий иштирокчиси - суғурталовчининг ташқи алоқалари жуда хилма-ҳилдир. Бу алоқаларнинг асосий мақсади:

- ўз суғурта махсулотлари ва суғуртани потенциал истеъмолчиларга таништириш;

- суғурталовчининг суғурта бозоридаги илдам харакатланиши;

- жамият онгида суғурталовчи имиджини яхшилаш[19].

Ташқи алоқанинг энг муҳим вазифаси – суғурта махсулотлари сотуви хажмини орттиришдир.Суғурта бозори ўзи билан иқтисодий муҳитни намоён этади. Унда суғурта хизматларига бўлган талабни яратувчи суғурталанувчилар, албатта, мазкур талабни қониқтирувчи суғурта компаниялари (суғурталовчилар), суғурта воситачилари ва суғурта бозори инфратузилмаси субъектлари намоён бўлади.

Фақат тўғридан-тўри алоқа қилиш орқали суғурталовчи мижозни ўз компаниясининг суғуртавий ҳимосига эга бўлишига ишонтира олади. Бу ишни асоий бажарувчиси суғурта воситачилари ҳисобланади.

Суғурта бозори ҳолати ва суғурта ҳизматларига бўлган талаб иқтисо-диётнинг аҳволини акс эттиради.Суғурта менежменти ривожланган хорижий давлатларда асрлар давомида ривожланиб, такомиллашиб келган ва шу сабабда Ўзбекистонда суғурта тизимини ривожлантириш ва суғурта менежментни такомиллаштириш учун ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, суғурта менежменти кенг қамровли тушунча бўлиб, у ўз ичига суғурта шартномасининг тузилишидан, унинг тугашигача бўлган муддатни қамраб олади. Юқорида таъкидланганидек, диссертация иши суғурта муносабатларининг айнан суғурта менежментибилан боглиқ соҳасини урганишга ва уни такомиллаштиришга бағишланган. Ўзбекистонда суғурта менежменти муносабатларини ривожлантиришни қуйидаги йирик

---

[18]Мирсодиқов М.А. Развитие страхового рынка Узбекистана. Финансовый рынок. 2006 йил феврал. 2-сон. 32бет.

[19]Зубец А.Н. Страховой маркетинг.-М.: Издательский дом “АНКИЛ”, 1998г. 169-172 стр.

йуналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- Ўзбекистон суғурталовчилари томонидан амалга оширилаётган суғурта менежментини такомиллаштириш учун ҳуқуқий асос ва шарт-шароитлар яратиш;
- суғурталовчилар томонидан ахолини кенгроқ қамраб олиниши таъминлаш мақсадида, суғурта хизматларини сотиш йуналишларини такомиллаштириш;
- суғурта ташкилотларида суғурта менежментини окилона ва тўлиқ шакллантирилишини таъминлаш;
- суғурта менежментидаги муносабатларини ривожлантириш ва уларнинг куламини кенгайтириш учун зарур шароитларни яратиш.

Суғурталовчилар томонидан суғурта фаолиятида амалга оширилаётган суғурта менежментининг тўғри йўлга қўйилиши, улар томонидан суғурталаш жараёнини сифатли ва барқарор бўлишини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Самарали суғурта менежментининг асосини ташкил этувчи таркибий кием бу суғурталовчи томонидан ишлаб чикиладиган услубий тизими хисобланади. Услубий тизимини шакллантиришда суғурталовчи энг аввало, амалга оширадиган суғурта турларини ҳисобга олиши зарур. Ваҳоланки, услубий тизими ҳар бир суғурта маҳсулоти буйича қалтислик омиллари ва суғурталанаётган объектларнинг гуруҳлари тўғрисида маълумотлар ва уларга мувофиқ келувчи суғурта шартларини ифодалайди. Услубий тизимини шакллантиришда қалтисликларни гуруҳлашнинг энг оптимал ҳолатини аниқлаш унинг самарадорлигини белгилаб берувчи омил ҳисобланади. Чунки, қалтисликларни хаддан зиёд кўп гуруҳларга ажратиш ортикча харажат ва вақтнинг сарфланишига олиб келса, етарли даражада гуруҳланмаган қалтисликлар, қалтисликлар анитиселекцияси ва туловга ноқобилликни келтириб чиқариши мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб, суғурталовчилар томонидан услубий тизимини шакллантиришда қалтислик омиллари ва қалтисликларнинг антиселекциясига йул қўймасликка эътибор бериш максадга мувофиқ ҳисобланади.

Миллий суғурта компаниялари чет эл тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, суғурта менджментини услубий тизимини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш керак. Ўзбекистон шароитида суғурта менджментнинг хорижий суғурталовчиларни тажрибасини амалиётга жорий этиш юзасидан тегишли тавсиялар Ўзбекистон суғурта бозори профессионал катнашчилари уюшмаси томонидан ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Уни амалиётга тадбиқ этилиши суғурта менджменти самарадорлигини оширишга бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Суғурта компанияларида чет эл тажрибалари асосида суғурта менджментини автоматлаштириш ва компютер дастурларини жорий этиш лозим. Бу қуйидаги самарани бериши мумкин:

а) бўлимлардан ахборотларни йиғиш, таҳлил этиш, бўлимлар билан ахборот алмашишни тезлаштиради ва молиявий харажатларни камайтиради;

б) заҳираларни ҳисоблаш, шартномалар тузиш, тариф ставкаларини белгилаш, қопламаларни ўз вақтида тўланиш имкониятини беради;

в) Компания обрўсини ошишига, жаҳон стандартлари даражасида суғурта

хизматларини кўрсатишга ўтишига замин тайёрлайди.

Бугунги кунда суғурта менеджерлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилган бўлсада, уларга профессионал билим ва малакага талаблари ўрнатилмаган ва халигача суғурта менеджер хизматлари кўрсатиш фаолитини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилмаган.

Чет эл тажрибаси (Россия, Украина) шуни кўрсатмоқдаки, суғурта менеджер профессионал билим ва малакага эга бўлишлари лозимлиги жиҳатидан, шу фаолиятни олиб боришга қодирлиги нуқтаи назаридан улар албатта сертификатланиши лозим. Республикамизда суғурта менеджерларни сертификатлаш борасида меъёрий-ҳуқуқий хужжат мавжуд эмас ва уни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш лозим. Бу борада чет эл тажрибасидан келиб чиқиб, уларни сертификатлаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий хужжат ишлаб чиқилишида сертификат суғурта бозорининг ўз-ўзини бошқарувчи органи яъни, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмаси томонидан берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари суғурта менеджерлар профессионалликлари жиҳа-тидан ўз фаолиятлари учун шахсан жавобгар эканликлари нуқтаи назари-дан уларнинг касбий жавобгарликларини суғуртасини жорий этиш муҳим. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 919-моддаси талабларига мувофиқ айнан “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Миллий суғурта компаниялари ходимлари суғурта менежменти бўйича малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган ихтисослаштирилган курсларни ва Ўзбекистон суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмаси қошида алоҳида ўқув марказини ташкил этиш.

Суғурта бозори менежментини ривожлантириш истиқболлари, бугунги кунда суғурта компанияларининг инфратузилмалари яратилиши, ташкил этилиши билан бевосита боғлиқдир. Шундай экан, бугунги кунда суғурта компаниялари томонидан ўз инфратузилмаларини яратиш йўлидаги харакатларида Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмаси ривожланишига бевосита таъсири катта бўлганлиги жиҳатидан келиб чиқиб, бундай харакатларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва бунга маълум даражада стимул (солиқ имтиёзлари ва х.к.) бериш лозим.

Ўзбекистонда суғурта менежментни янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги таклифлар тавсия қилинади:

1. Миллий суғурта компаниялари чет эл тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, суғурта менджментини услубий тизимини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш керак.

2.Ўзбекистон шароитида суғурта менджментнинг хорижий суғурталовчиларни тажрибасини амалиётга жорий этиш юзасидан тегишли тавсиялар Ўзбекистон суғурта бозори профессионал катнашчилари уюшмаси томонидан ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Уни амалиётга тадбиқ этилиши суғурта менджменти самарадорлигини оширишга бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

3. Суғурта компанияларида чет эл тажрибалари асосида суғурта

менджментини автоматлаштириш ва компютер дастурларини жорий этиш лозим. Бу қуйидаги самарани бериши мумкин:

а) бўлимлардан ахборотларни йиғиш, таҳлил этиш, бўлимлар билан ахборот алмашишни тезлаштиради ва молиявий харажатларни камайтиради;

б) заҳираларни ҳисоблаш, шартномалар тузиш, тариф ставкаларини белгилаш, қопламаларни ўз вақтида тўланиш имкониятини беради;

в) Компания обрўсини ошишига, жаҳон стандартлари даражасида суғурта хизматларини кўрсатишга ўтишига замин тайёрлайди.

4. Суғурта сюрвейерлари ва аджастерларга профессионал билим ва малакага стандарт талабларини ўрнатиш ҳамда аджастер ва сюрвейер хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш лозим.

5. Миллий суғурта компаниялари ходимлари суғурта менежменти бўйича малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган ихтисослаштирилган курсларни ва Ўзбекистон суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмаси қошида алоҳида ўқув марказини ташкил этиш.

6. Суғурта компанияларида суғурта менежментини такомиллаштириш мақсадида куйидаги йуналишлар буйича иш олиб борилиши мақсадга мувофик хисобланади:

-Суғурта компания менеджерлари малакасини халкаро стандартлар талабларидан келиб чиккан холда мунтазам ошириб бориш;

-Суғурта компания менеджерлари узлари бошқарадиган булинма-ларга нисбатан мустакиллик макомини саклашлари, Суғурта компанияси таркибий булинмалари рахбарларининг олиб борадиган фаолияти мазмуни ва хажмига таъсир курсатишларидан узларини холи қилиш;

-ўз фаолиятини олиб боришда бошка фанлардан олинган услубий коидалардан фойдаланиш масалаларига хам алохида эътибор каратиш;

-Суғурта компания менеджерлари бошқарув жараёнини амалга оширишида объективликни таъминлаш.

# 3-мавзу. Ҳаётни суғурта қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари

**Режа:**

3.1. Ҳаёт суғуртасининг моҳияти ва суғурта тизимида тутган ўрни.

3.2. Ҳаёт суғуртасининг турлари ва уларнинг тавсифи.

3.3 Ўзбекистон республикасида ҳаёт суғуртасини амалга ошириш бўйича мавжуд муаммолар.

**Таянч иборалар**

Ҳаёт суғуртаси, ҳаёт суғуртаси турлари, ҳаётни суғурта қилиш бозори, ҳаётни суғурта қилиш компаниялари.

## 3.1. Ҳаёт суғуртасининг моҳияти ва суғурта тизимида тутган ўрни.

Суғурта хизматлари бозори бозор муносабатларига асосланган ҳар қандай мамлакат иқтисодий тизимининг асосий таркибий қисмларидан ҳисобланади. Бозор муносабатлари тамойилларига амал қиладиган ривожланган мамлакатларда суғурта капитали молиявий ресурсларнинг жуда ҳам салмоқли қисмини ўзида мужассамлаштирган ҳолда иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этади, бунда ҳаёт суғуртаси институтларининг ўрни каттадир. Ҳаёт суғуртасининг ижтимоий жиҳати инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлар ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳаёт суғуртасига қуйидагича таъриф берилган: ҳаётни суғурта қилиш (жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва пул таъминоти билан боғлиқ манфаатларини суғурта қилиш, бунда шартнома бўйича суғуртанинг энг кам муддати бир йилни ташкил этади ҳамда суғурта пулларининг суғурта шартномасида кўрсатиб ўтилган оширилган фоизни ўз ичига олувчи бир марталик ёки даврий тўловларини (аннуитетларни) қамраб олади)[20]. Бундан кўриниб турибдики ҳаёт суғуртаси инсонийлик, ижтимоийлик тушунчалари билан биргадир. Шунингдек тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ҳаёт суғуртаси мулк суғуртасидан анча олдин, бундан икки минг йил илгари пайдо бўла бошлаган.

Ҳаёт суғуртасининг илк кўринишлари қадимги Ҳиндистонда муҳтожларга ёрдам бериш мақсадида пул фондлари ташкил этилишида акс этган. Шу каби фондлар қадимги Римда ҳам ташкил этилган. Қадимги Римда маълум бир касб фаолияти билан шуғулланувчилар бирлашиб, жамоа фондлари ташкил этишган. Ушбу фондаларда йиғилган пул маблағларидан, жамоанинг бирор бир аъзоси меҳнатга лаёқатини йўқотганда ёки вафот этганда, ушбу шахснинг оила аъзоларини моддий қўллаб-қувватлашда фойдаланилган.

Рим империясида ҳаёт суғуртасидан фойдаланувчи асосий гуруҳларни ҳарбий жамоалар ташкил қилган. Ҳарбий суғурта жамоасига кириш учун аъзолик бадали 750 динорни ташкил қилган. Аъзолик бадали юқори миқдорда бўлганлиги сабабли бир йўла тўланмаган, балки маълум бир давр мобайнида бўлак-бўлак қилиб, ҳар ойда тўлаб борилган. Тўланган бадал учун жамоа қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олган, биринчидан, жамоа аъзоларидан бири хизмат қилаётган легионнинг ўзида қолган ҳолда лавозими оширилганда 500 динор миқдорида тўлов, иккинчидан, хизмат қилаётган легиондан бошқа легионга ўтказилганда 500 динор тўланган, агар бошқа легионга денгиз орқали юбориладиган бўлса 200 динор қўшимча тўлов тўланган, учинчидан, хизмат муддатини тугатганда 500 динор, агар тартибсизлик сабабли хизматдан бўшатилган бўлса 250 динор миқдорида тўлов тўланган. Жамоа аъзоларидан бири вафот этганда эса уни кўмишни зиммасига олган ворисига 500 динор миқдорида тўлов тўланган.

---

[20] Ўзбекистон Республикаси 358-II-сонли “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 2002 йил 5 апрель 4-модда.

Юқорида келтирилганлардан маълум бўлмоқдаки ҳаёт суғуртасига бўлган эҳтиёж қадимдан шаклланиб келган ва ўша даврларда ҳам ўзининг дастлабки шакллари билан, яъни маълум бир меҳнат фаолиятини амалга оширувчилар жамоа бўлиб, бир-бирини ҳимоя қилиш жамиятларини ташкил этишган. Бу эса ўз навбатида ўзаро суғурта жамиятларининг дастлабки кўринишлари ҳисобланади.

Ўрта асрларга келиб ўзаро ёрдам кўрсатиш жамоалари ташкил топа бошлади. Бундай жамоалар ҳунармандларнинг ўзи ишлаётган цехларида бирлашиш орқали ташкил этилган ва ушбу жамоадаги аъзолардан бири бахтсиз ходиса натижасида касалликка чалинганда ёки вафот этганда уларнинг ўзига ёки оила аъзоларига етказилган зарар тўловини жамоа аъзоларидан йиғиш орқали моддий ёрдам кўрсатилган. Чунки ўша пайтларда ўзаро ёрдам кўрсатиш жамоалари орасида олдиндан суғурта фондлари ташкил этилмас эди. Шундан сўнг йирик савдогарлар бирлашиб савдо бирлашмаларини ташкил эта бошладилар. Ушбу савдо бирлашмалари вафот этган бирлашма аъзосининг оиласига ўзаро ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи ҳунармандларнинг ўзаро ёрдам кўрсатиш жамоалари негизида оддий шаклдаги ўзаро ҳаёт суғуртаси жамоларини шакллантирдилар. Дастлабки ҳунармандларнинг ўзаро суғурта жамоалари X-асрда Англияда, XI-асрда Германияда, XII-асрда Данияда ташкил топди. Ташкил этилган ўзаро суғурта жамоалари мақсадли жамғармалар туздилар. Жамғармаларда йиғилган маблағлардан вафот этган жамоа аъзосининг оилаларига кўмиш харажатларини, оғир касалланган ва ногиронликка чалинган жамоа аъзосига ижтимоий тўловлар тўлашда фойдаланилар эди. Шуни ҳам маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, бу вақтда Италияда моддий ночор оилаларнинг қизларини турмушга бериш имкониятини яратувчи ташкилотлар ҳам ташкил этилган. Бу эса никоҳ учун ҳаёт суғуртаси кўринишларидан эди.

Ҳаёт суғуртаси тадбиркорликнинг ўзига хос тури сифатида XVII-XVIII-асрларда Европада денгиз суғуртасига қўшимча суғурта тури қилиб белгиланди. Яъни, кемалар ва юкларни суғурталаш билан бирга кема капитанларининг ҳаёти ҳам суғурталана бошланди. Лондонда ЛЛойдс компаниясининг ташкил этилиши билан бир вақтда кема капитанларининг ҳаётини суғурталаш билан шуғулланувчи Флит-стрит клуби ташкил этилди. Ушбу клуб аъзоси бўлишни ҳохлаган, лекин, клубга қабул қилинмаган инглиз тадбиркори Джеймс Додсон 1663 йилда илмий статистик базага асосланган ҳаёт суғуртаси жамиятини ташкил этишга қарор қилди. Джеймс Додсон Лондондаги ҳар хил қабристонлардан маълумотлар йиғиб, бир йилда вафот этганларнинг сони ва ўртача умр кўриш ёши статистикасини тайёрлади ва ушбу тайёрланган статистик маълумотлардан суғурта мукофотларини ҳисоблашда фойдаланган.

Шунинг учун ҳам ҳаёт суғуртасининг ватани Англия ҳисобланади. Ҳаёт суғуртасининг ривожланишида Англия суғурта жамиятларининг роли жуда каттадир. Биринчи суғурта жамияти 1698 йил Лондонда ташкил этилган. Биринчи ҳаёт суғуртаси жамияти ҳам 1706 йилда “Эмикебл” (“дўстона”) номи билан Англияда ташкил этилган. Лекин, шахсий суғурта бўйича ҳисоб-

китоблар ривожланмаган эди. Тариф ставкалар тизими оддий бўлиб, ёш бўйича фарқланмаган эди. Орадан бир қанча вақт ўтиб, “Рефьюдж искендж” ва “Лондон иншуренс корпорейшн” каби жамиятлар ташкил этилган.

Инглизлар ҳаёт суғуртасининг асосчилари ҳисобланадилар, улар ушбу суғурта турининг ҳозирги даврда ҳам фойдаланилаётган асосий элементлари ва ҳисоблаш методларини яратганлар. Англияда 1830 йилдаёқ 35 та йирик ва ўнлаб кичик ҳаёт суғуртаси жамиятлари фаолият кўрсатарди. 1762 йилда Англияда биринчи тижорат суғурта ташкилоти ташкил этилди. Ушбу ташкилот биринчилардан бўлиб актуар хисоб-китоблардан фойдаланди. Бу эса ўз навбатида ҳаёт суғуртаси янада ривожланишига сабаб бўлди. 1765 йилга келиб “Эквитебл” жамияти ташкил этилди. Бу жамият аъзолари эса машхур олим Р.Прайс томонидан жамланган ва қайта ишланган аҳолининг вафот этиш ўртача ёши кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда тариф ставкаларини ишлаб чиқдилар. Уни натижасида янги ҳаёт суғуртаси жамиятлари шакллана бошлади.

Кўп вақт ўтмасдан ҳаёт суғуртаси жамиятлари бошқа давлатларда ҳам ташкил топа бошлади. 1829 йилда Францияда, 1827 йилда Германияда, 1830 йилда АҚШда, 1835 йилда Россияда ҳаёт суғуртаси жамиятлари ташкил топди. Европада ҳаёт суғуртасининг акциядорлик шаклидаги жамияти биринчи бўлиб Францияда 1787 йилда Compagnie Royal d’ Assurances номи билан ташкил топди. Акциядорлик шаклидаги ҳаёт суғуртаси жамиятлари кейинчалик Италияда, Германияда шаклланиб борди. XIX аср охирига келиб эса бундай жамиятлар бутун Европа давлатларини қамраб олди.

Аслини олганда ҳаёт суғуртаси денгиз суғуртаси, олов суғуртасидан чамаси 100 йиллар кейин шаклланган. Бунга сабаб ҳаёт суғуртаси денгиз ва олов суғуртасидан кўра анча жиддий тарзда илмий асосланган бўлиши лозим эди. Чунки ҳаёт суғуртасида тарифларни ишлаб чиқиш эҳтимоллар назарияси ва статистика асосидаги актуар ҳисоб-китоблар юритиш орқали амалга оширилади. XVII-XVIII асрларда статистика, эҳтимоллар назарияси фанларининг ривожланиши ҳаёт суғуртасининг тараққий этишига сабаб бўлди.

Инлиз олими Эдмунд Галлей актуар ҳисоб-китоблар назарияси билан шуғулланиш мобайнида Бреславл шаҳрида 1687-1691 йиллар оралиғида вафот этганларнинг рўйхатини тузиб, вафот этиш жадвалини яратди. У вафот этиш жадвалини асосий функцияларига таъриф берди, яшаш ва вафот этиш эҳтимоллик даражасини ҳисоблади, ўртача умр кўриш ёшини ҳисоблади, вафот этиш жадваллари асосида суғурта бадаллари миқдорини аниқлаш мумкинлигини кўрсатиб берди. Галлей тузган жадвалдан ҳозирги даврда ҳам фойдаланилмоқда. Кейинроқ, инглиз математиги А.Муавр Э.Галлей тузган вафот этиш жадвалини ўрганиб, актуар ҳисоб-китобларни соддалаштиришга эришди. У Голландия, Франция мамлакатлари ва Лондон шаҳридаги суғурталанганлардан вафот этганларининг маълумотлари асосида учта алоҳида жадваллар тузди. Шундай қилиб, XVII-XVIII асрларда эҳтимоллар назарияси ривожланди, аҳолининг вафот этиш ёши тўғрисидаги статистик маълумотлар йиғилиб борди. Буни натижасида эса ҳаёт суғуртаси илмий асосланган ҳолда шаклланиб борди. Бу эса ўз навбатида ҳаёт суғуртасини кенг миқёсда

ривожланиб дунёнинг барча минтақаларида амалиётга тадбиқ этилишида намоён бўлди.

Собиқ совет давлатларида ҳам ҳаёт суғуртаси шаклланa борди. 1960-1980-йилларга келиб собиқ совет таркибига кирувчи давлатлари орасида ҳаёт суғуртасининг янги турлари кенг тарқала бошлади. 1990 йил охирларида 85 млн. дона ҳаёт суғуртаси шартномаси имзоланганлиги ҳаёт суғуртасининг шу даврда етарлича машҳур бўлганлигидан далолат беради.

Ҳаёт суғуртасида инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлар суғурталанади. Бунда инсон ҳаётига зарар етганда, меҳнатга лаёқатини йўқотганда, ногиронликка чалинганда белгиланган суғурта таъминотлари (суғурта пули) тўлаш орқали уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади. Шундай экан ҳаёт суғуртаси инсонийлик, ижтимоийлик принцпларини ўзида акс эттирувчи, аҳолини молиявий барқарорлигини таъминловчи дастак бўлиб хизмат қилади десак муболаға бўлмайди. Кўплаб хорижий давлатларни оладиган бўлсак йиғилган суғурта мукофотларининг асосий қисмини ҳаёт суғуртаси тармоғидаги суғурта турларидан тушган суғурта мукофотлари ташкил қилади. Чунки ҳаёт суғуртаси орқали давлатнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ўз ечимини топади. Бу муаммоларга узоқ муддатли инвестиция маблағлари етишмаслиги, фуқароларнинг ҳаётига кутилмаган бахтсиз ходисалардан етказилган молиявий зарарларни қоплашга маблағларнинг етишмаслиги, уларнинг нафақага чиққанларида етарли даражада яхши ҳаёт кечиришлари учун маблағларнинг камлиги ва бошқа шу каби муаммолар айнан ҳаёт суғуртасини кенг миқёсли амалга оширилиши натижасида бартараф этилади.

Ҳаёт суғуртаси ўзида жисмоний шаҳсларни ҳимоялаш воситаси сифатида қалтислилик, инвестицион ва жамғариш функцияларини намоён этади. Унга мувофиқ суғурталовчиларни инвестиция жараёнларидаги фаолиятини кучайтиради, суғурта қилдирувчилар (суғурталанган шахслар)ни маблағлари жамғаришлари орқали молиявий барқарорлигини таъминлайди.

Ҳаёт суғуртаси бошқа суғурта турларидан тубдан фарқ қилади. Чунки инсон ҳаёти ҳеч қачон баҳоланмайди, у инсон учун берилган бебаҳо неъматдир. У йўқотилганда дунёда ҳеч қандай нарса ёки ҳеч қандай пул миқдорини тўлаш орқали қайта тикланмайди. Шунинг учун ҳам ҳаёт суғуртасида бошқа суғурта турларидан фарқли ўлароқ суғурта пули суғурта қилдирувчи (суғурталанган шахс)нинг ҳохишига биноан суғурталовчи билан келишилган ҳолда белгиланади.

Ҳаёт суғуртасида суғурта субъектлари бўлиб суғурталовчи, суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ва наф олувчилар ҳисобланади. Ҳаёт суғуртаси шартномаси фақат суғурта қилдирувчи (суғурталанган шахс)нинг фойдасига тузилади ёки унинг ёзма розилиги билан наф олувчи фойдасига ҳам тузилиши мумкин. Ҳаёт суғуртаси шахсий суғурта турларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида шахсий суғурта шартномасига қуйидагича таъриф берилган:

Шахсий суғурта шартномаси бўйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ

(суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади.

Шахсий суғурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс суғурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар шартномада наф олувчи сифатида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса, шахсий суғурта шартномаси суғурталанган шахс фойдасига тузилган ҳисобланади. Бошқа наф олувчи кўрсатилмаган шартнома бўйича суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, суғурталанган шахснинг меросхўрлари наф олувчилар деб тан олинади.

Суғурталанган деб ҳисобланмайдиган шахс фойдасига, шу жумладан суғурталанган шахс ҳисобланмайдиган суғурта қилдирувчи фойдасига шахсий суғурта шартномаси фақат суғурталанган шахснинг ёзма розилиги билангина тузилиши мумкин. Бундай розилик бўлмаган тақдирда, шартнома суғурталанган шахснинг даъвоси бўйича, бу шахс вафот этган тақдирда эса, унинг меросхўрлари даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.[21]

Шахсий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

- суғурталанган шахс тўғрисида;
- суғурталанган шахс ҳаётида юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;
- суғурта пули миқдори тўғрисида;
- суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;
- шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Тарафларнинг келишувига биноан шартномага бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Агар суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи ҳисобланган фуқаронинг аҳволини қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларни ўз ичига олса, шартноманинг ана шу шартлари ўрнига қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари қўлланилади.[22]

Ҳаёт суғуртаси шартномаси амал қилиш даври мобайнида суғурта шартномаси суғурталанган шахс вафоти туфайли суғурта пули тўланганда тугатилади, суғурта қилдирувчининг ёки суғурталовчининг ташаббуси билан муддатидан олдин тугатилиши ҳам мумкин. Шартнома муддатидан олдин тугатилганда суғурта қилдирувчи (суғурталанган шахс)га қайтариладиган пул тўлаб берилади.

Ҳаёт суғуртасининг яна бир ўзига хос хусусияти ҳаёт суғуртаси шартномасининг амал қилиши мобайнида суғурта қилдирувчи (суғурталанган шахс) ўз молиявий аҳволидан келиб чиққан ҳолда иккинчи, учинчи ҳаёт

[21] Ўзбекситон Республикаси Фуқаролик Кодекси, иккинчи қисм, 52-боб, 921-модда. 1996 йил.
[22] Ўзбекситон Республикаси Фуқаролик Кодекси, иккинчи қисм, 52-боб, 929-модда. 1996 йил.

суғуртаси шартномасини битта суғурталовчида ёки ҳар хил суғурталовчиларда тузиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталовчи ҳар бир тузилган суғурта шартномалари бўйича мажбуриятларни шартномаларда белгиланган тартибда тўлалигича бажаради. Бу ҳам ҳаёт суғуртасининг ўзига хос бошқа суғурта турларидан фарқ қиладиган жиҳатларидан ҳисобланади. Умуман олганда ҳаёт суғуртасининг ижтимоийлиги, инвестиция жараёнларига таъсир этиши суғурта тизимида муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради.

## 3.2. Ҳаёт суғуртасининг турлари ва уларнинг тавсифи.

Ҳаёт суғуртасининг хусусияти инсонларни яшаш даражаси ва яшаш сифатига таъсир этувчи турли хил кўнгилсиз ёки ёқимли ходисалар рўй берганда уларни мақбул даромадлар билан таъминлаш орқали уларнинг яшаш сифатини сақлаб қолиш ёки оширишдан иборатдир. Шундай экан ҳаёт суғуртаси шахсий ҳимоя тизимини ва оилаларнинг фаровон турмуш кечиришларини таъминловчи суғурта тури ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи (суғурталанган шахс)нинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари тушунчаси суғурта муносабатларининг асоси бўлиб, ҳаёт суғуртасида суғурта объекти ҳисобланади.

Ҳаёт суғуртаси аҳоли фаровонлигини ва уларнинг молиявий барқарорлигини таъминловчи муҳим молиявий механизмдир. Унинг моҳиятини тушунишда биз авваламбор ундаги суғурта қалтисликларини ва суғурта объектини ўрганишимиз лозим. Шунинг учун ҳам биз юқоридагиларга қўшимча равишда ҳаёт суғуртаси мақсадини ҳам ўрганишимиз лозим.

Ҳаёт суғуртасининг мақсади инсонларнинг суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи сифатида ҳаётлари давомида дуч келадиган ижтимоий ва молиявий масалаларни кафолатланган суғурта пулларини олиш орқали ҳал этишлари ва шу орқали давлатнинг ижтимоийлик функциясини бажаришда суғурта компаниялари ўрни тушунилади.

Суғурта қилдирувчиларнинг ижтимоий ва молиявий масалаларини ҳал этилишини қуйидагиларда кўришимиз мумкин.

*Ижтимоий характерига кўра:*

1) боқувчисини йўқотган оилаларни суғурта пули тўлови орқали химоялаш;

2) қариганда қўшимча пенсия билан таъминланиши;

3) вақтинчалик ёки умрбод меҳнатга лаёқатини йўқотганда (ногиронликка чалинганда) суғурта таъминоти тўлаш орқали унинг олдинги даромадини сақлаб қолиш;

4) маблағларни жамғариш орқали болаларни балоғатга етганда моддий қўллаб-кувватлаш, масалан, уларни таълим олишига ёки никоҳ тузишига кетадиган харажатларни тўлаш.

*Молиявий хусусиятига кўра:*

1) жамғариш хусусияти сармоя жойлаштириш ва шу орқали нивестицион даромад олиш;

2) берилган солиқ имтиёзларига асосан фуқароларнинг шахсий даромадларининг ортиши;

3) суғурта пули мерос учун тўланадиган солиқдан озодлиги сабабли суғурта пули тўлалигича тўланиши.

Шундай экан суғурта қилдирувчилар ҳаёт суғуртаси шартномасини бевақт вафот этиш натижасида ўз оиласининг фаровон ҳаёт тарзини сақлаб қолиш мақсадида ёки келажакдаги молиявий эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида тузадилар. Ҳаёт суғуртасини амалга оширувчи суғурталовчилар эса суғурта бизнесида узоқ муддат давомида молиявий барқарорлигини, суғурта портфелини баланслилигини, инвестицион портфелини кенгайтиришни ва бунинг натижасида даромадларини ошириш, давлатнинг ижтимоий ҳимоя тизимига кўмаклашиш мақсадида фаолият кўрсатади. Шунинг учун ҳам ҳаёт суғуртаси бутун дунё мамлакатларида қўллаб-кувватланади.

Ҳаёт суғуртасининг назарияси ва амалиёти унинг давлат молия бозорига ўз таъсирини кўрсатувчи хар хил турларининг мавжудлигини кўрсатди. Бироқ, ҳаёт суғуртасининг ривожланиш тарихидан, унинг барча турлари муайян, бир-бирига ўхшаш хусусиятга эга эканлигини маълум. Ҳаёт суғуртаси қуйидаги хусуиятларга кўра турларга ажратилади.

*а) Суғурта предмети бўйича:*

- вафот этишдан суғурта қилиш;
- белгиланган муддатгача ҳаёт бўлиши;
- аралаш ҳаёт суғуртаси (вафот этишдан ва ҳаёт бўлиш).

*b) Суғурта мукофотини тўлаш тартибига мувофиқ:*

- суғурта мукофотини бир йўла (бир марта) тўланиши орқали тузиладиган ҳаёт суғуртаси шартномаси турлари;
- суғурта мукофотини маълум муддат давомида бўлиб-бўлиб тўланиши орқали тузиладиган ҳаёт суғуртаси шартномаси турлари.

*с) Суғурта жавобгарлигини амал қилиш муддатига мувофиқ:*

- умрбод суғурта (суғурталанган шахснинг бутун умри давомида);
- белгиланган муддатда амал қиладиган суғурта шартномаси турлари.

*d) Суғурта жавобгарлиги турига мувофиқ:*

- аниқ белгиланган суғурта пули бўйича;
- суғурта пули камайиб борадиган ҳаёт суғуртаси шартномалари тури;
- суғурта пули ўсиб борадиган ҳаёт суғуртаси шартномалари тури;
- суғурталовчининг даромадлари эвазига суғурта пулини оширилиши (бонуслар);
- махсус инвестиция фондларига суғурта мукофотларини тўғридан-тўғри инвестиция қилиш натижасида суғурта пулларини белгиланиши.

*е) Суғурта тўловларини тўлаш турига мувофиқ:*

- суғурта пулини бир йўла тўланиши билан белгиланадиган ҳаёт суғуртаси шартномалари турлари;
- рента (аннуитет) тўловлари тўланиши билан белгиланган ҳаёт суғуртаси шартномалари турлари;

- пенсия тўловлари тўланиши билан белгиланган суғурта турларидир.

*f) Суғурта шартномаси тузиш услубига кўра:*

- индивидуал суғурта шартномалари;
- жамоавий суғурта шартномалари. (1-расм).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики ҳаёт суғуртасининг барча турлари касаллик, ногиронлик ва меҳнатга лаёқатлилик, қарилик ҳамда фавқулодда ҳолатлар натижасида юзага келадиган ижтимоий харажатларни таъминлашга хизмат қилади.

Мулкий суғуртадан фарқли равишда ҳаёт суғуртасида суғурта объекти баҳоланмайди. Бу ҳаёт суғуртаси турларининг махсус белгиларидан бири ҳисобланади. Ҳаёт суғуртасининг асосий хусусиятларидан яна бири суғурта ходисасиси юз берганда мулкий суғуртадаги каби моддий шаклдаги қоплама тўланмайди, аксинча ҳаёт суғуртаси шартномасида белгиланган суғурта пули (пул кўринишида) суғурталанган шахсга ёки наф олувчига тўлаб берилади. Булардан ташқари ҳаёт суғуртаси нафақат таваккалчилик, балки жамғариш функциясини ҳам ўзида мужассам этади. Ҳаёт суғуртасининг жамғариш хусусияти суғурта қилдирувчи (суғурталанган шахс)ларга маълум муддатга ёки маълум тадбирларни молиялаштиришга пул маблағларини йиғиш имкониятини беради.

Ҳаёт суғуртаси қуйидаги турларни ўзида акс эттиради. Улар бутун умрга ҳаётни суғурта қилиш тури, вафот этишдан ҳаётни суғурта қилиш тури, шартнома муддати якунида ҳаёт бўлиш, ҳаётни аралаш суғуртаси, меҳнат қобилиятини йўқотишдан суғурта қилишдир. (1-жадвал). Айрим давлатларда бахтсиз ходисадан суғурта қилиш ҳам ҳаёт суғуртаси турларидан ҳисобланади, лекин бизнинг мамлакатда ушбу тур умумий суғурта тармоғига тааллуқлидир.




**1-расм. Ҳаёт суғуртасининг хусусиятларига кўра турлари.**

**1-жадвал**

**Ҳаёт суғуртасининг элементар турлари**

| Тур номи | Турнинг инглиз тилидаги номи | Қопланувчи қалтисликлар | Суғурта муддати | Бадал тўлаш тартиблари |
|---|---|---|---|---|
| Бутун умрга суғурта | Whole life | Вафот этиш | Муддатсиз | Бир йўла ёки бўлиб-бўлиб |
| Вафот этишдан суғурта | Term insurance | Вафот этиш | Шартномада белгиланган муддатда | Бир йўла ёки бўлиб-бўлиб |
| Ҳаёт бўлиши | Pure Endowments | Ҳаёт бўлиш | Шартномада белгиланган муддатда | Бир йўла ёки бўлиб-бўлиб |
| Аралаш ҳаёт суғуртаси | Endowments | Вафот этиш, ҳаёт бўлиш | Шартномада белгиланган муддатда | Бир йўла ёки бўлиб-бўлиб |
| Меҳнат қобилиятини йўқотишдан суғурта | Disability Insurance | Ногиронлик, меҳнат қобилиятини йўқотиши | 1 йил | Бир йўла |

Ҳаёт суғуртасида айниқса шартнома муддати якунида ҳаёт бўлишдан суғурта қилиш ва жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасини имкониятлари ҳамда қулайликлари мавжуддир. Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси – бунда суғурталовчи суғурта қилдирувчи (суғурталанган шахс) томонидан тўланадиган суғурта мукофоти эвазига суғурта муддати якунида ёки суғурталанган шахс шартномада белгиланган ёшга тўлганда суғурта пулини бир йўла ёки рента кўринишида бўлиб-бўлиб тўлаш мажбуриятини олади. Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасида суғурталанган шахснинг ёшидан ва бошқа факторлар таъсиридан қатъий назар суғурта ходисаси юз берганда суғурта пули тўлаб берилади. Шунинг учун ҳам жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасида суғуртанинг таваккалчилик ва жамғарма функциялари ҳамохангдир десак муболаға бўлмайди. Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси шартномасида ҳаёт суғуртасининг бир қанча оддий турлари бирлашиб кетади. Жаҳон тажрибасини оладиган бўлсак ушбу суғурта тури шартнома  муддати якунида ҳаёт бўлиш учун ҳаёт суғуртаси тури билан вафот этишдан ҳаётни суғурта қилиш уйғунлашиб кетганлигини кўрамиз.

Ҳаёт суғуртасининг базавий турлари. Ҳаёт суғуртасини муҳим хусусиятларини тавсифловчи ҳар хил турлари мавжудлиги ҳақида тўхталиб ўтдик. Лекин, суғурта бозорида комплекс тизимини ўзида мужассамлаштирувчи ҳаёт суғуртасининг хар хил турлари ҳам мавжуд. Ҳаёт суғуртаси амалиёти ва назариясида ҳаёт суғуртаси юқоридаги турлардан тубдан фарқ қилувчи учта асосий (базавий) турларга ажратилган. Улар:

1) муддатли (срочное) ҳаёт суғуртаси – вафот этишдан ҳаёт суғуртаси шартномаси, бунда шартнома маълум бир аниқ муддатга тузилади;

2) бутун умрга суғурта – суғурталанган шахснинг ҳаёти бутун умрга вафот этиш ходисасидан суғурталанади;

3) аралаш ҳаёт суғуртаси – бунда ҳам вафот этишдан, ҳам шартномада белгиланган муддатда ҳаёт бўлиши суғурталанади. Аралаш ҳаёт суғуртасининг анча кенг турлари ҳам мавжуд. Уларга вафот этишдан ҳаётни суғуртаси ва шартномада белгиланган муддатда ҳаёт бўлишидан суғурталаш билан бирга бахтсиз ходисадан суғурталаш, тиббий суғурта, ҳатто жавобгарлик суғуртаси билан ҳам бирга қўшиб амалга оширилиши мумкин. Лекин, бизнинг мамлакатда ҳаёт суғуртасининг бундай аралаш турлари амалиётга тадбиқ этилмаган.

Ҳаёт суғуртасининг асосий (базавий) турларини бошқача талқиндаги классификацияси ҳам мавжуд. Масалан, амалда алоҳида ишлатса ҳам, аралаш ҳолда ишлатса ҳам бўладиган уч гуруҳга (классга) ажратилган: муддатли ҳаёт суғуртаси; белгиланган ёшга етгунча суғурта; бутун умрга суғурта қилиш. Лекин, ҳаёт суғуртасининг асосий (базавий) турлари муҳим саналади. Шунинг учун ҳам у ўз ичига пенсия суғуртаси, аннуитет ёки рента суғуртасини олади.

Ҳаёт суғуртасининг асосий (базавий) турларининг муҳим хусусиятлари қуйидаги 2-жадвалда кўрсатилган.

**2-жадвал**

**Ҳаёт суғуртасининг асосий (базавий) турлари**

| **Суғурта турлари** | **Суғурта тўловлари** | **Суғурта Мукофот** | **Инвестиция элемент-ларининг мавжуд-лиги** | **Суғурта турларининг тавсифи** |
|---|---|---|---|---|
| Муддатли | Суғурталанган шахс шартномада белгиланган муддатдан олдин вафот этса суғурта пули ворисга тўланади | Маълум муддат давомида тўланади | Йўқ | Вафот этиш ходисасида суғурта пули тўлашни назарда тутувчи анча арзон ва кафолатланган суғурта |
| Бутун умрга | Суғурталанган шахснинг муддатидан қатъий назар вафот этиши натижасида суғурта пули ворисга тўланади | Маълум муддат давомида ёки бир йўла тўланади | Бор | Меросхўрларга чегараланмаган муддатлар да мураккаб фоизли суғурта пули билан таъминланиши |
| Аралаш | Суғурталанган шахснинг суғурта шартномаси мобайнида вафот этиши ёки шартнома якунида ҳаёт бўлиши ҳолатида суғурта пули тўловини назарда тутади | Маълум муддат давомида ёки бир йўла тўланади | Бор | Жамғариш ва инвестиция даромадини олишдаги самарали шартнома ҳисобланади, лекин вафот этиш ҳодисасида инвестиция даромадлари бўлмайди |

Ҳаёт суғуртасининг асосий (базавий) турларининг ўзига хос хусусиятлари.

*Муддатли ҳаёт суғуртаси.* Муддатли ҳаёт суғуртаси етарли даражада мураккаб классификацияга эга бўлиб, унинг таркибига қуйидагилар киради:
a) муттасил суғурта мукофоти тўланадиган муддатли ҳаёт суғуртаси;
b) шартлари ўзгарувчи (конверсияланадиган) муддатли ҳаёт суғуртаси;
c) суғурта суммаси камайиб борувчи муддатли ҳаёт суғуртаси;
d) суғурта суммаси ўсиб борувчи муддатли ҳаёт суғуртаси.

Муддатли ҳаёт суғуртасининг энг оддий ва оммавий шакли бу – муттасил суғурта мукофоти тўланадиган суғурта ҳисобланади. Суғурта шартномаси амал қилишининг бутун даври мобайнида вақти-вақти билан, доимий ва энг кам даражадаги суғурта мукофоти тўлаб борилади, компания эса кафолатланган суғурта пулини суғурталанган шахс вафот этгандагина тўлаш мажбуриятини олади.

Муддатли ҳаёт суғуртасининг мураккаброғи эса шартлари ўзгарувчи (конверсияланадиган) суғурта ҳисобланади. Бунда суғурта шартномаси амал қилиши даврида унинг шартлари ҳар қандай вақтда ҳам ўзгартирилиши мумкин.

Суғурта суммаси камайиб борувчи муддатли ҳаёт суғуртасида суғурта пули суғурта шартномаси амал қилиш муддати якунига қадар ҳар йили белгиланган миқдорларгача камайиб боради. Одатда бундай шартномалар қарз мажбуриятларини кафолатлаш мақсадида ишлатилади. Бу асосан яшаш жойлари сотиб олиш учун, таъмирлаш учун кредит олувчилар ҳаётини суғурталашни назарда тутади. Кредит қарзи тўланиши билан суғурта пули шунга мутаносиб равишда камайиб боради. Бунда наф олувчи бўлиб кредит берувчи ташкилот ҳисобланади. Ҳаёт суғуртасининг бу тури ипотека кредити тизимини ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Иқтисодиёт инфляция билан боғлиқ шароитда суғурта суммаси ўсиб борувчи муддатли ҳаёт суғуртаси аҳамиятга моликдир. У инфляция жараёнига қарши кафолатларни тақдим этади. Бундай шартномаларга кўра суғурта пулининг ошиши қимматли қоғозлар индексини ошиши билан мутаносиб равишда амалга ошади.

*Бутун умрга суғурта қилиш.* Бутун умрга суғурта қилиш классификацияси қуйидагилардан таркиб топган: a) суғурта пули қатъий белгиланган суғурта; b) суғурталовчининг даромадида иштирок этиувчи суғурта; c) икки томонлама суғурта пули мавжуд бўлган суғурта; d) инвестициявий бутун умрга ҳаёт суғуртаси.

Суғурта пули қатъий белгиланган бутун умрга суғурта қилиш тарихан биринчи ва оддийси ҳисобланади. Бунда суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси тузилган вақтдан бошлаб бутун умри мобайнида белгиланган суғурта мукофотини тўлаб боради, ўлим ходисаси юз берганда эса шартномада белгиланган суғурта пули тўланади. Бундай шартномалар бўйича суғурта мукофоти нафақат бутун умр давомида тўланиши мумкин, балки, шартнома тузилган вақтда бир марта тўланиши ёки шартномада кўрсатилган муддатларда нафақага чиққунча, маълум бир ёшга етгунча ҳам тўланиши мумкин. Шундай

қилиб бутун умрга суғурта фақатгина таваккалчилик учун бўлиб қолмай, ўзида узоқ муддатлилик, жамғариш механизмларини мужассамлаштиргандир.

Суғурталовчининг даромадида иштирок этувчи суғурта мижозларни кўпроқ ўзига жалб қилади. Бунда суғурта қилдирувчилар ҳам суғурта ҳимоясига, ҳам инвестицион даромадга эга бўладилар. Суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси бутун даври учун бир марталик ёки вақти-вақти билан тўланувчи суғурта мукофотини тўлайди. Суғурта ходисаси юз берганда эса суғурталовчи суғурта пули билан бирга қўшимча бонус тўловини амалга оширади.

Икки томонлама суғурта пули мавжуд бўлган суғурта. Унга кўра суғурта шартномасида вафот этиш ходисасидан кафолатланган суғурта пули ҳамда бир қадар кам даражадаги ҳар йили бонуслар ҳисобига ошиб борувчи базавий суғурта пули белгиланган бўлади. Суғурта ходисаси юз берганда юқорида таъкидланган суғурта пулларидан қай бири юқорироқ бўлса шуниси тўланади. (2-расм).

Инвестициявий бутун умрга ҳаёт суғуртаси. Бу бутун умрга суғуртанинг энг янги, қизиқарли ва мураккаб тури ҳисобланади. Бунда суғурта компанияси суғурта қилдирувчилар тўлаган суғурта мукофотларини махсус инвестиция фондларига жойлаштириш мажбуриятларини оладилар. Ҳозирги вақтда кўплаб Европа давлатлари “Unit-linked” деб аталувчи ҳаёт суғуртасининг жамғарма туридан фойдалана бошладилар. Бу турдаги инвестиция суғуртасининг пешқадами Буюк Британия ҳисобланади.




**2-расм. Икки томонлама суғурта пули мавжуд бўлган бутун умрга суғуртада суғурта тўловининг ўзгариши.**

$S$ – суғурта пули; $T$ – шартнома амал қилиш муддати; $S_б$ – базавий суғурта пули; $\Delta S_б$ – бонуслар ҳисобланиши орқали йиллик суғурта пулини ўсиб бориши; $S_r$ – вафот этиш ходисасида суғурта пулининг кафолатланган тўлов даражаси.

*Аралаш ҳаёт суғуртаси.* Аралаш ҳаёт суғуртаси ҳаёт суғуртасининг энг мураккаб турларидан бўлиб, қуйидаги шакллардан таркиб топган:

a) суғурталовчининг даромадида иштирок этмайдиган аралаш ҳаёт суғуртаси;

b) суғурталовчининг даромадида иштирок этувчи аралаш ҳаёт суғуртаси;

c) икки томонлама суғурта пули мавжуд бўлган аралаш ҳаёт суғуртаси;

d) редукциялашган полисли аралаш ҳаёт суғуртаси.

Суғурталовчининг даромадида иштирок этмайдиган аралаш ҳаёт суғуртасида суғурта мукофотига мутаносиб равишда белгиланган кафолатланган суғурта пули ўлим ходисаси юз берганда ва шартнома муддати якунида тўланади. Суғурта пули иккала ҳолат учун бир хил бўлиши ҳам мумкин, ҳар хил бўлиши ҳам мумкин. Унга кўра вафот этганда тўланадиган сғурта пули шартнома муддати тугаганда тўланадиган суғурта пулидан юқорироқ бўлиши кўзда тутилган. Суғурталовчининг даромадида иштирок этувчи аралаш ҳаёт суғуртаси ҳаёт суғуртасининг жамғарма турлари орасида энг кенг тарқалгани ҳисобланади. Унга кўра иккала суғурта ҳодисасида ҳам суғурта пули билан бирга шартнома амал қилиш муддатига мутаносиб равишда бонус тўланади. Икки томонлама суғурта пули мавжуд бўлган аралаш ҳаёт суғуртасида эса ўлим ходисаси юз берганда суғурталовчи ўлим ходисаси учун кафолатланган суғурта пулини ёки базавий суғурта пулини, қай бири юқорироқ бўлса шунисини тўлайди. Суғурта шартномаси амал қилиш муддати тугаганда эса базовий суғурта пули бонуси билан тўланиши назарда тутилган. Редукциялашган полисли аралаш ҳаёт суғуртасида суғурта пули суғурта мукофотига мутаносиб равишда камаяди. Лекин, суғурта пулининг камайган қисмига ҳам бонус ҳисобланади. Аралаш ҳаёт суғуртасининг бу тури суғурта қилдирувчиларга камроқ даражадаги суғурта пулига бўлсада суғурта ҳимоясини сақлаб қолиш имконини беради.

*Аннуитет ҳаёт суғуртаси.* Муддатли, бутун умрга ва аралаш ҳаёт суғуртасининг ривожланиши билан рента ёки аннуитет ҳаёт суғуртаси шаклланиб борди. Аннуитет ёки рента суғуртасида бир марталик тўланадиган суғурта мукофоти эвазига тузиладиган шартномага мувофиқ аннуитетга йиллик рента кўринишидаги суғурта пули суғурталанган шахснинг маълум ҳаёти мобайнида бўлиб-бўлиб тўлаб борилади. Анъанавий ҳаёт суғуртасида суғурталанган шахс вафот этганда суғурта пули бир йўла тўлаб бериладиган бўлса, аннуитет суғуртасида аксинча, суғурталанган шахс ҳаёти давомида рента кўринишида тўлаб борилади. Тажрибадан маълумки йиллик рента ҳар чоракда, ҳар ойда тўланиши мумкин, лекин, жами бир йилда тўланган рента тўловлари белгиланган йиллик рента тўловидан ошиб кетмаслиги лозим. Аннуитет суғуртасини қуйидаги турлари мавжуд:

*1) Оддий аннуитет.* Бунда бир марталик тўланган суғурта мукофоти эвазига суғурталанган шахсга бутун умр йиллик рента тўланади;

*2) Кечиктирилган аннуитет.* Шартнома тузилишида рента тўлови тўланишининг бошланғич муддати тўғрисида келишилади. Бу кечиктирилган муддат келганда суғурталанган шахсга рента тўлови тўланиши бошланади;

3) *Муддатли аннуитет.* Рента тўловлари фақатгина шартномада қатъий белгиланган муддатгача ёки суғурталанган шахснинг вафотигача (қайси муддат камроқ бўлса) тўлаб борилади;

4) *Кафолатланган аннуитет.* Бундай шартномаларга кўра рента тўлови суғурталанган шахснинг вафотидан қатъий назар маълум кафолатланган муддат мобайнида тўланади. Агар суғурталанган шахс вафот этадиган бўлса рента тўлови бутун белгиланган муддат мобайнида унинг ворисларига тўланади. Жами рента пули ворисларга бир йўла тўлаб берилиши ҳам мумкин.

5) *Капитал ҳимоясига эга аннуитет.* Унга кўра суғурталанган шахс ёки унинг ворислари тўланган суғурта мукофотига тенг қийматда суғурта пулини ҳар қандай ҳолатда ҳам олишлари мумкин. Суғурталанган шахсга бутун умрлик даромад тўлови кафолатланади. Агар суғурталанган шахс вафот этган вақтда жами тўланган рента суммаси суғурта мукофоти тенг миқдорда бўлса, қолган қисми, яъни унинг даромад қисми вафот этганнинг ворисларига тўлаб берилади.

Ҳаёт суғуртасининг бу турлари ривожланган давлатларда катта машхурликка эришган. Суғуртанинг бу тури нафақадагиларни таъминлашга ишончни юқорилиги билан, хаммабоплиги билан оммани ўзига жалб қилади. Унда тўланадиган бонуслар ҳам асосан солиққа тортилмайди, даромадлилик даражаси эса бошқа капитал қўйилмаларига нисбатан тахминан 2% юқорироқдир. Масалан Германия аҳолисининг 80% аннуитет ҳаёт суғуртасини нафақага чиққандаги хавфсиз таъминловчи усуллардан деб ҳисоблашади.[23]

## 3.3. Ўзбекистон республикасида ҳаёт суғуртасини амалга ошириш бўйича мавжуд муаммолар.

Республика суғурта бозорини янада ривожлантириш давлатни, фуқароларни ва хўжалик юритувчи субъектларни мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш учун, ички инвестиция манбаларини кўпайтириш учун йўналтирилган бўлиб, соҳани ривожлантиришдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини белгилаш, улар бўйича муҳим таклифлар бериш заруриятини келтириб чиқаради.

Юртимизда ҳаёт суғуртаси бўйича орттирилган тажрибадан кўриниб турибдики, Ўзбекистон шароитида бу тармоқ тез суръатларда ривожланувчи ва келажакда юқори самара берувчи суғурта тармоғи ҳисобланади. Бунда биринчидан, ҳаёт суғуртаси бозорининг улкан салоҳиятлилиги, яъни аҳолининг кам даражада қамраб олинганлиги сабабли етарли даражада салоҳиятли мижозларни ҳаёт суғуртасига жалб қилиш имкониятининг мавжудлиги, иккиндан мамлакатда ижобий демографик муҳитнинг мавжудлиги соҳани ривожига кенг имконият яратади.

Ўзбекистон ҳаёт суғуртаси бозорини салоҳиятини ўрганиш жараёнида қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим:

[23] McKinsey Quarterly, 1997, № 3, Б.116-117

- мамлакатнинг умумиқтисодий ривожланиши ва аҳоли барқарорлигининг ортиши. Умумиқтисодий ривожланиш, аҳоли барқарорлигинг ортиши ҳаёт суғуртаси тармоғининг янада ривожланиши мустаҳкамловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилиши муқаррардир;

- Қонун хужжатларининг қулайлиги. Ҳозирда амалга оширилаётган давлат сиёсати юқорида таъкидлаганимиздек, ҳаёт суғуртаси тармоғи фаолиятини кенгайтиришга қаратилган бўлиб, соҳада хизмат кўрсатувчиларга ва хизмат истъемолчиларига қулай шароитлар яратишга йўналтирилгандир;

- Ҳаёт суғуртаси хизматлари бўйича аҳолининг жуда кам қисми қамраб олинганлиги. Бу муаммони бартараф этиш йўлида ҳаёт суғуртасини кенг тарғиб қилиш лозимдир.

- Суғурта қилдирувчиларда ҳаёт суғуртасига бўлган қизиқишнинг мавжудлиги ва ушбу қизиқишнинг ортиб бораётганлиги. Бугунги кунда ҳаёт суғуртасига бўлган қизиқишнинг ва талабнинг вужудга келишида объектив шарт-шароитлар мавжудлигини ишонч билан айта оламиз. Ҳаёт суғуртасига бўлган талабнинг вужудга келишига асосан инсонларнинг ўз фарзандларни юртимиз ва чет эл олий ўқув юртларида мухтожлик кўрмасдан таълим олишлари учун керак бўладиган қўшимча харажатларни вужудга келиши, яъни фарзандларини таълими учун контракт тўловларини амалга ошириш билан бўлган харажатларини бартараф этиш кабилар таъсир кўрсатмоқда десак муболаға бўлмайди. Ҳаёт суғуртасига бўлган талабнинг вужудга келиши ва унинг ортиб бориши мамлакат иқтисодиётини юқори суръатларда ривожланишига ва қўшимча ижтимоий кафолатларнинг шаклланишига туртки бермоқда.

- Ўзбекистон ҳаёт суғурта бозори салоҳиятининг катталиги мамлакатнинг маданий-демографик тузилиши хусусиятлари билан белгиланиши. Ўзбек халқи ўзининг миллий ва маданий анъаналарига содиқ халқлардан ҳисобланади. Ҳар бир ўзбек оиласи иккита, учта ва ундан кўп сонли фарзандларга эга бўлиб, оила жамиятнинг ажралмас бўлаги сифатида давлатимиз ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланиб келмоқда. Бу ҳам ўз навбатида юртимизда ҳаёт суғуртасини ривожланишига муҳим омил бўлиб ҳисобланади, дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида ҳозирда туғилишнинг камайиши ҳисобига аҳолининг қариб бораётгани кузатилмоқда, яъни нафақа ёшидаги фуқароларнинг сони меҳнатга лаёқатли фуқароларга қараганда анча кўп қисмни ташкил қилмоқда. Ўзбекистонда эса аксинча аҳоли сони маълум бир меъёрда ортиб бормоқда.

Лекин, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва демографик муҳитнинг ижобийлигига, мамлакатда ҳаёт суғуртаси бозорини ривожланишига таъсир кўрсатувчи имтиёзларнинг мавжудлигига қарамасдан, Ўзбекистон ҳаёт суғуртаси бозорида бир қанча камчилик ва муаммолар мавжуддир. Республикада ҳаёт суғуртасини юқори суръатларда ривожланишини таъминлашда қуйидаги муаммоларни бартараф этиш лозим.

*Соҳада етарли даражадаги малакали мутахассис кадрларнинг камлиги муаммоси.* Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг янги тизимлари яратилган бўлиб, юксак малакали кадрлар тайёрлашда дунёнинг ривожланган

мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Суғурта бозорини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқадиган янги кадрлар тизимини яратиш режали ва сермашаққат иш бўлиб, узоқ даврлар мобайнида амалга ошириладиган жараёндир. Шуни ҳам инобатга олишимиз лозимки, Республикада ҳаёт суғуртаси 2003 йилдан бери шаклланиб келмоқда ва суғуртанинг бошқа турларига нисбатан анча ёш бўлиб, соҳани ривож топишига хисса қўшувчи кадрлар камлиги сезилмоқда.

*Ҳаёт суғуртаси бўйича фаолият юритувчи суғурта компанияларнинг камлиги муаммоси.* Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳаёт суғуртаси бўйича жами 2та компания фаолият кўрсатмоқда. Табиийки, иккита компания мамлакатда ҳаёт суғуртаси тармоғи кўламининг кенгайишини ва етарли даражада ривожланиши таъминлай олмайди. Ўзбекистон суғурта бозорида ҳаётни суғурталовчи компанияларнинг камлигига асосий сабаблардан бўлиб тўлов қобилиятига қўйилган талабларнинг юқорилиги, яъни устав капиталининг юқорилигидир. Яна шуни ҳам инобатга олиш керакки, ҳаёт суғуртаси фаолияти бошланғич даврларда етарли даражада даромад келтирмайди, балки бир қанча муддатлардан кейин юқори кўрсаткичларга эришишни ва даромад келтиришни бошлайди. Чунки ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи компанияларнинг асосий даромади инвестициядан бўлади. Шунинг учун ҳам ҳаётни суғурталовчи компанияларни ташкил этишда таъсисчиларда иккиланишлар мавжуд.

*Ҳаёт суғуртаси бўйича аҳолининг қамраб олинмаганлиги муаммоси.* Ҳаёт суғуртаси турлари бўйича аҳолининг жуда кам қисми суғурталанган бўлиб, аҳолининг жуда кам қисми суғуртага ишонади. Бизга маълумки ҳаёт суғуртаси қамраб олиш хусусиятига кўра икки хил бўлади. Биринчиси жамоавий ҳаёт суғуртаси, яъни ташкилот ўз маблағлари ҳисобидан ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ҳаёт суғуртаси шартномаси тузади, иккинчиси индивидуал тарзда фуқаролар ўз маблағлари ҳисобидан ҳаёт суғуртаси шартномалари тузадилар. Ҳозирда юртимиздаги ҳаётни суғурталовчи суғурта компаниялари томнидан тузилган шартномаларнинг асосий қисмини юридик шахслар билан тузилган шартномалар ташкил қилади. Жисмоний шахслар ўртасида тузилган ҳаёт суғуртаси шартномалари сони камлиги фуқаролар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини оширилиши кераклигини кўрсатмоқда.

*Ҳаёт суғуртасини амалга оширишда малакали суғурта агентларининг етарли эмаслиги муаммоси.* Барчамизга маълумки мижозларни суғуртага жалб қилишда суғурта агентларининг аҳамияти жуда муҳимдир. Ҳозирда Республикамизда ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта тушумлари тушишида суғурта агентларининг хизматлари камлигича қолмоқда. Ривожланган чет мамлакатларида ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта мукофотлари тушумининг аксарият қисми суғурта агентлари хиссасига тўғри келади.

Ҳаёт суғуртаси ривожланишини секинлаштиришга таъсир этаётган омиллардан яна бири суғурта бозори инфратузилмасининг (суғурта брокери, суғурта сюрвейери, аджастер каби суғурта бозори иштирокчилари) етарли даражада шаклланмаганлигидир. Ривожланган мамлакатлар суғурта бозорида улар айнан мижозлар билан ишловчи мутахассислар ҳисобланадилар. Уларнинг

фаолиятини ривожлантириш ҳаёт суғуртаси шаклланишини жадаллаштириши муқаррардир.

Юқоридаги келтирилган ҳаёт суғуртасини амалга оширишдаги муаммоларни бартараф этиш ҳаёт суғуртасини жадаллик билан ривожланишига, шу билан суғурта бизнесини кенгайишига ва юртимиз суғурта бозорини аста-секин барқарор ўсишига таъсир кўрсатади.

## 3.4. Ўзбекистонда ҳаёт суғуртасини ривожлантириш асосий йўналишлари.

Ўтиш даврида бозор муносабатларига мос ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантириш давлатнинг ўзига хос сиёсати бўлиб, мамлакат иқтисодиётини ривож топишида амалий аҳамият касб этади.

Ҳаёт суғуртаси узоқ муддатли фондларни ташкил этиб, мамлакат инвестиция жараёнларида фаол иштирок этиш орқали иқтисодиёт ривожига таъсир кўрсатувчи молия институтларидан ҳисобланади. Шу билан бирга мамлакат аҳолисини ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам ҳаёт суғуртаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим омили бўлиб, мамлакат ички инвестиция салоҳиятининг кенгайишига ва аҳолини қўшимча ижтимоий ҳимоя тизими билан таъминлашга хизмат қилади. Шундай экан ҳаёт суғуртасининг учта асосий функцияси мавжуд:

- қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш (суғурта ҳимояси);
- жамғариш;
- инвестиция.

Республикада узоқ муддатли ҳаёт суғуртасининг ривожланиши натижасида давлат узоқ муддатли инвестиция манбаларига эга бўлади. Бундан ташқари давлат бюджетининг ижтимоий ҳимояга харажатлари белгиланган меъёрларда самарали ишлатилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳаёт суғуртасини ривожлантириш, ушбу суғурта тури бўйича муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар бериш долзарб масалалардан бўлиб, ушбу суғурта турини ривожланишига таъсир этувчи омилларни аниқлашимиз зарур. Мамлакат иқтисодиёти ва суғурта тизимининг ўзаро боғлиқлигини инобатга олган ҳолда ҳаёт суғуртасининг ривожланишидан манфаатдор томонларни белгилаб олишимиз лозим. Мамлакатда ҳаёт суғуртасининг ривожланиши қуйидагиларга таъсир кўрсатади:

- Суғурта қилдирувчиларга (аҳолига);
- Суғурталовчиларга;
- Давлатга.

Шундай экан ҳаёт суғуртаси бўйича мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича самарали таклифлар бериш зарур.

Республикада ҳаёт суғуртаси бозорини таҳлил қилиб, тармоқни ривожлантириш ва мукаммаллаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Бу йўлда биринчи навбатда аҳолининг суғурта маданиятини ошириш ва ҳаёт суғуртасига бўлган, умуман суғуртага бўлган ишончсизликни бартараф

этиш, ҳаёт суғуртаси ижтимоий ҳимояни кўзда тутиши ва фуқароларни мулкий манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилганлигини асослаш лозим.

Ҳаёт суғуртаси бўйича таклиф қилинаётган суғурта маҳсулотларини аҳоли талабини инобатга олган ҳолда шакллантириш ва суғурта маҳсулотлари турларини кенгайтириш, ҳаёт суғуртаси тармоғида фаолият юритувчи суғурта компанияларини кўпайтириш мамлакатда ҳаётни суғурталовчи компанияларнинг банклар ва бошқа молия ташкилотлари рақобатлашишига имкон беради. Шу билан бирга ҳаёт суғуртаси пул маблағларини жамғаришнинг ўзига хос шакли сифатида салоҳиятли суғурта қилдирувчиларни ўзига жалб қилиши муқаррар.

Ҳаёт суғуртаси ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг асосийси бўлиб, суғурта муносабатлари субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилувчи қонунчиликни мустахкамланиши ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни бажармасдан туриб ҳаёт суғуртасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мумкин эмас.

Ҳаёт суғуртасининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири сотиш хусусиятидир. Ҳаёт суғуртаси полислари “сотиб олинмайди” (масалан, оммавий талабдаги товарлар каби), балки “сотилади”. Бошқача қилиб айтганда уни амалга ошириш учун етарли даражада жиддийлик ва маҳорат билан ёндашув лозим. Бунда агентлар, молия маслахатчиси каби мижозларга мавжуд суғурта маҳсулотлари ҳақида имкон қадар етарли маълумот бера оладиган ва уларга мос суғурта маҳсулотларини танлашга ёрдам бера оладиган мутахассислар тармоғини шакллантириш муҳимдир.

Ушбу вазифаларни бажариш биринчи навбатда суғурталовчиларнинг ўзларига боғлиқдир. Улар ҳаёт суғуртаси ривожланиши йўлида, аҳоли талабига мос суғурта хизматлари кўрсатиш усулларини шакллантириш, ўзларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва суғурта захираларини фойдали тармоқларга инвестиция қилиш каби муҳим вазифаларни ҳам амалга оширишлари керак.

Ўзбекистонда ҳаёт суғуртасини янада ривожланишида қуйидагиларни амлага ошириш мақсадга мувофиқдир.

- мамлакатда ҳаёт суғуртасини мукаммаллаштириш чора-тадбирлари мажмуини аниқлаш;
- мамлакатда ҳаёт суғуртасини амалга ошириш бўйича суғуртанинг замонавий технологияларидан фойдаланишга шароитлар яратиш, ҳаёт суғуртаси хизматларини ривожлантириш мезонларини белгилаш, суғурта бозори қатнашчиларининг қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш.

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун қуйидаги муҳим тадбирларни амалга ошириш лозим ва у мамлакатда ҳаёт суғуртасини келгуси истиқболларини белгилаб беради:

- Мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш. Ҳозирда бу йўлда Республикамизда самарали ишлар олиб борилмоқда. Ўрта ва Олий таълим муассасаларида суғурта иши йўналишлари очилган, ҳаттоки Тошкент Молия Институтида “Суғурта иши” факультети ҳам ташкил этилган бўлиб,

суғурта бўйича етук мутахассис кадрлар етишиб чиқмоқда. Лекин, суғуртани кенг қамровли фанлигини инобатга олган ҳолда, актуар ҳисоблар, статистика каби фанларини ҳам қамраб олади. Бизга маълумки актуар ҳисоблар ва статистика фанларини билмай туриб ҳаёт суғуртасини ривожлантириб бўлмайди. Шуни нуқтаи назардан ўқув муассасаларида махсус актуар хисоблар фанини ҳам дарс жараёнларига киритиш муҳим аҳамият касб этади.

- Ҳаёт суғуртаси фаолияти билан шуғулланувчи мутахассисларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларни малакасини мунтазам ошириб бориш, ўқув марказларида, ўқув амалий конференцияларда ҳаёт суғуртаси бўйича курслар ташкил этиш каби вазифаларни бажариш керак. Ушбу вазифаларни бажаришда Суғурта бозори профессионал иштирокчилари Ассоциацияси қошида махсус ўқув марказларини ташкил этиш ва ушбу марказларда Республика ва хориж суғурта компанияларининг юксак малакага ва улкан тажрибага эга бўлган мутахассисларини ўқув машғулотларини ўтишга жалб қилиш ва шу орқали хориж тажрибасини ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

- Ҳаётни суғурталовчи суғурта компаниялари суғурта бозори прфессионал иштирокчилари ассоциацияси билан биргаликда аҳолига ҳаёт суғуртасини ўзига хос хусусиятлари ва фойдали жиҳатлари ҳақида, ҳаёт суғуртаси маҳсулотлари ҳақида ва суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари қонуний ҳимоя қилиниши тўғрисида тўлиқ ва объектив маълумотлар бериш, тарғибот-ташвиқот ишларини доимий равишда олиб боришлари лозим.

- Ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта қонунчилигини янада мукаммаллаштириш, хориж тажрибасини ўрганган ҳолда Ўзбекистон шароитига мос янги суғурта маҳсулотлари яратилишини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий тизимини шакллантириш ҳаёт суғуртасини ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

- Ҳаёт суғуртасини кенг кўламли ривожлантириш мақсадида Республикамиз ҳукумати томонидан солиқ имтиёзи берилган бўлиб, бу фуқароларни моддий барқарорлигини таъминлашга йўналтирилгандир. Ушбу солиқ имтиёзи ҳақида юртимиз аҳолисига кенг қамровли тушунчалар бериш ва бу ҳақда аҳолини хабардар этиш лозим. Бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Ҳаёт суғуртаси ҳақида, унга берилгани имтиёз ҳақида тўлиқ ёритилган реклама роликларини тайёрлаш ва уларни оммага тақдим этиш соҳа ривожланишида улкан самара бериши муқаррардир.

- Ҳаёт суғуртаси фаолияти билан шуғулланувчи компаниялар узоқ муддатли инвестиция жараёнларида самарали иштирок этишларига имкониятлар яратиш лозим. Суғурта компаниялар томонидан муносиб инвестицион сиёсат юритилиши бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва инвестиция жараёнларида фаол иштирок этишлари керак. Чунки ҳаётни суғурталовчи компанияларнинг асосий даромадлари инвестицион фаолиятдан олинади. Ҳозирда мамлакат фонд бозорида узоқ муддатли инвестициялар бўйича ишончли фонд бозори инструментларини танлаш имконияти камлигича қолмоқда. Кафолатланган даромад ва ликвидлиликни фақатгина давлат қарз мажбуриятлари, давлат қимматли қоғозлари ва давлат иштирокидаги молия институтлари акцияларигина таъминламоқда.

- Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Республикамизнинг барча ҳудудларида самарали агентлик тармоқларини ташкил этиш ва янада кенгайтириш керак. Суғурта агентларини махсус ўқув курсларида ўқитиб, уларни ҳаёт суғуртасининг хусусиятлари, ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта полисларини сотиш технологияларини ўргатиш лозим. Чунки суғурта агентлари аҳоли билан ишловчи ва суғуртани кенг оммага тарғиб қилувчи мутахассислар саналадилар. Ривожланган давлатларда суғурта тушумларининг асосий қисми суғурта агентлари хиссасига тўғри келади.

- Ҳаёт суғуртаси тармоғида фаолият юритувчи рақобатбардош суғурта компанияларини ташкил этиш керак. Ҳозирда юртимизда иккитагина ҳаётни суғурталовчи компания фаолият кўрсатмоқда. 2012 йил маълумотларига кўра умумий суғурта тармоғида 32 та суғурта компания фаолият юритмоқда. Бундан кўриниб турибдики, умумий суғурта ва ҳаёт суғуртаси бўйича фаолият юритаётган суғурта компаниялари сони жиҳатдан номутаносибдир. Ҳаёт суғуртаси ривожланиши учун эса тармоқда фаолият юритувчи суғурта компаниялари ташкил этилиб, рақобат муҳити янада шаклланиши лозим.

- Халқаро тажрибадан фойдалиб, халқимиз шарт-шароитларни инобатга олган пенсия суғуртаси, рента суғуртаси каби ҳаёт суғуртасининг янги маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ этишимиз керак.

- Ҳаётни суғурталовчиларнинг кафолат фондини ташкил этиш лозим. Фонднинг даромадларини эса Республикада мутахассислар тайёрлаш, ўқув-семинарларни ташкил этиш, мутахассисларни хорижда ўқитиш, агентлик тармоқларини кенгайтириш, компаниялар моддий-техника базасини янада такомиллаштириш, актуарийлар тайёрлаш ва актуар ҳисобларни шакллантириш каби ҳаёт суғуртасини ривожлантиришга йўналтирилган харажатларга сарфлаш мумкин. Германия тажрибасини оладиган бўлсак, бундай фонд 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, барча ҳаётни суғурталовчи компаниялар аъзо ҳисобланади ва фондга мажбурий тўловлар тўлаб боришади. Фондни вазифаси суғурта қилдирувчиларни, суғурталанган шахсларни ва наф олувчиларни манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлиб, суғурталовчи тўловни амалга ошира олмаганда фонд маблағлари ҳисобидан суғурта тўловлари амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш ҳаёт суғурта тармоғини янада шаклланишига, барқарор, узоқ вақт давомида ривожланишига ва мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайишига, шу билан бирга капитал бозорида узоқ муддатли инвестиция ресурслари яратилишига таъсир кўрсатиши муқаррардир.

Республикада ҳаёт суғуртасини юқори суръатларда ривожланишини таъминлашда қуйидаги муаммоларни бартараф этиш лозим.

*Соҳада етарли даражадаги малакали мутахассис кадрларнинг камлиги муаммоси.* Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг янги тизимлари яратилган бўлиб, юксак малакали кадрлар тайёрлашда дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Суғурта бозорини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқадиган янги кадрлар тизимини яратиш

режали ва сермашаққат иш бўлиб, узоқ даврлар мобайнида амалга ошириладиган жараёндир. Шуни ҳам инобатга олишимиз лозимки, Республикада ҳаёт суғуртаси 2003 йилдан бери шаклланиб келмоқда ва суғуртанинг бошқа турларига нисбатан анча ёш бўлиб, соҳани ривож топишига хисса қўшувчи кадрлар камлиги сезилмоқда.

*Ҳаёт суғуртаси бўйича фаолият юритувчи суғурта компанияларнинг камлиги муаммоси.* Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳаёт суғуртаси бўйича жами 3 та компания фаолият кўрсатмоқда. Табиийки, иккита компания мамлакатда ҳаёт суғуртаси тармоғи кўламининг кенгайишини ва етарли даражада ривожланиши таъминлай олмайди. Ўзбекистон суғурта бозорида ҳаётни суғурталовчи компанияларнинг камлигига асосий сабаблардан бўлиб тўлов қобилиятига қўйилган талабларнинг юқорилиги, яъни устав капиталининг юқорилигидир. Яна шуни ҳам инобатга олиш керакки, ҳаёт суғуртаси фаолияти бошланғич даврларда етарли даражада даромад келтирмайди, балки бир қанча муддатлардан кейин юқори кўрсаткичларга эришишни ва даромад келтиришни бошлайди. Чунки ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи компанияларнинг асосий даромади инвестициядан бўлади. Шунинг учун ҳам ҳаётни суғурталовчи компанияларни ташкил этишда таъсисчиларда иккиланишлар мавжуд.

*Ҳаёт суғуртаси бўйича аҳолининг қамраб олинмаганлиги муаммоси.* Ҳаёт суғуртаси турлари бўйича аҳолининг жуда кам қисми суғурталанган бўлиб, аҳолининг жуда кам қисми суғуртага ишонади. Бизга маълумки ҳаёт суғуртаси қамраб олиш хусусиятига кўра икки хил бўлади. Биринчиси жамоавий ҳаёт суғуртаси, яъни ташкилот ўз маблағлари ҳисобидан ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ҳаёт суғуртаси шартномаси тузади, иккинчиси индивидуал тарзда фуқаролар ўз маблағлари ҳисобидан ҳаёт суғуртаси шартномалари тузадилар. Ҳозирда юртимиздаги ҳаётни суғурталовчи суғурта компаниялари томнидан тузилган шартномаларнинг асосий қисмини юридик шахслар билан тузилган шартномалар ташкил қилади. Жисмоний шахслар ўртасида тузилган ҳаёт суғуртаси шартномалари сони камлиги фуқаролар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини оширилиши кераклигини кўрсатмоқда.

*Ҳаёт суғуртасини амалга оширишда малакали суғурта агентларининг етарли эмаслиги муаммоси.* Барчамизга маълумки мижозларни суғуртага жалб қилишда суғурта агентларининг аҳамияти жуда муҳимдир. Ҳозирда Республикамизда ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта тушумлари тушишида суғурта агентларининг хизматлари камлигича қолмоқда. Ривожланган чет мамлакатларида ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта мукофотлари тушумининг аксарият қисми суғурта агентлари хиссасига тўғри келади.

Ҳаёт суғуртаси ривожланишини секинлаштиришга таъсир этаётган омиллардан яна бири суғурта бозори инфратузилмасининг (суғурта брокери, суғурта сюрвейери, аджастер каби суғурта бозори иштирокчилари) етарли даражада шаклланмаганлигидир. Ривожланган мамлакатлар суғурта бозорида улар айнан мижозлар билан ишловчи мутахассислар ҳисобланадилар. Уларнинг фаолиятини ривожлантириш ҳаёт суғуртаси шаклланишини жадаллаштириши муқаррардир.

Юқоридаги келтирилган ҳаёт суғуртасини амалга оширишдаги муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги таклифлар берилди ва у мамлакатда ҳаёт суғуртасини келгуси истиқболларини белгилаб беради:

- Мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш. Ҳозирда бу йўлда Республикамизда самарали ишлар олиб борилмоқда. Ўрта ва Олий таълим муассасаларида суғурта иши йўналишлари очилган, ҳаттоки Тошкент Молия Институтида “Суғурта иши” факультети ҳам ташкил этилган бўлиб, суғурта бўйича етук мутахассис кадрлар етишиб чиқмоқда. Лекин, суғуртани кенг қамровли фанлигини инобатга олган ҳолда, актуар ҳисоблар, статистика каби фанларини ҳам қамраб олади. Бизга маълумки актуар ҳисоблар ва статистика фанларини билмай туриб ҳаёт суғуртасини ривожлантириб бўлмайди. Шуни нуқтаи назардан ўқув муассасаларида махсус актуар хисоблар фанини ҳам дарс жараёнларига киритиш муҳим аҳамият касб этади.

- Ҳаёт суғуртаси фаолияти билан шуғулланувчи мутахассисларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларни малакасини мунтазам ошириб бориш, ўқув марказларида, ўқув амалий конференцияларда ҳаёт суғуртаси бўйича курслар ташкил этиш каби вазифаларни бажариш керак. Ушбу вазифаларни бажаришда Суғурта бозори профессионал иштирокчилари Ассоциацияси қошида махсус ўқув марказларини ташкил этиш ва ушбу марказларда Республика ва хориж суғурта компанияларининг юксак малакага ва улкан тажрибага эга бўлган мутахассисларини ўқув машғулотларини ўтишга жалб қилиш ва шу орқали хориж тажрибасини ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

- Ҳаётни суғурталовчи суғурта компаниялари суғурта бозори прфессионал иштирокчилари ассоциацияси билан биргаликда аҳолига ҳаёт суғуртасини ўзига хос хусусиятлари ва фойдали жиҳатлари ҳақида, ҳаёт суғуртаси маҳсулотлари ҳақида ва суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари қонуний ҳимоя қилиниши тўғрисида тўлиқ ва объектив маълумотлар бериш, тарғибот-ташвиқот ишларини доимий равишда олиб боришлари лозим.

- Ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта қонунчилигини янада мукаммаллаштириш, хориж тажрибасини ўрганган ҳолда Ўзбекистон шароитига мос янги суғурта маҳсулотлари яратилишини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий тизимини шакллантириш ҳаёт суғуртасини ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

- Ҳаёт суғуртасини кенг кўламли ривожлантириш мақсадида Республикамиз ҳукумати томонидан солиқ имтиёзи берилган бўлиб, бу фуқароларни моддий барқарорлигини таъминлашга йўналтирилгандир. Ушбу солиқ имтиёзи ҳақида юртимиз аҳолисига кенг қамровли тушунчалар бериш ва бу ҳақда аҳолини хабардар этиш лозим. Бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Ҳаёт суғуртаси ҳақида, унга берилгани имтиёз ҳақида тўлиқ ёритилган реклама роликларини тайёрлаш ва уларни оммага тақдим этиш соҳа ривожланишида улкан самара бериши муқаррардир.

- Ҳаёт суғуртаси фаолияти билан шуғулланувчи компаниялар узоқ муддатли инвестиция жараёнларида самарали иштирок этишларига имкониятлар яратиш лозим. Суғурта компаниялар томонидан муносиб инвестицион сиёсат юритилиши бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва

инвестиция жараёнларида фаол иштирок этишлари керак. Чунки ҳаётни суғурталовчи компанияларнинг асосий даромадлари инвестицион фаолиятдан олинади. Ҳозирда мамлакат фонд бозорида узоқ муддатли инвестициялар бўйича ишончли фонд бозори инструментларини танлаш имконияти камлигича қолмоқда. Кафолатланган даромад ва ликвидлиликни фақатгина давлат қарз мажбуриятлари, давлат қимматли қоғозлари ва давлат иштирокидаги молия институтлари акцияларигина таъминламоқда.

- Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Республикамизнинг барча ҳудудларида самарали агентлик тармоқларини ташкил этиш ва янада кенгайтириш керак. Суғурта агентларини махсус ўқув курсларида ўқитиб, уларни ҳаёт суғуртасининг хусусиятлари, ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта полисларини сотиш технологияларини ўргатиш лозим. Чунки суғурта агентлари аҳоли билан ишловчи ва суғуртани кенг оммага тарғиб қилувчи мутахассислар саналадилар. Ривожланган давлатларда суғурта тушумларининг асосий қисми суғурта агентлари хиссасига тўғри келади.

- Ҳаёт суғуртаси тармоғида фаолият юритувчи рақобатбардош суғурта компанияларини ташкил этиш керак. Ҳозирда юртимизда 3 та ҳаётни суғурталовчи компания фаолият кўрсатмоқда. 2012 йил маълумотларига кўра умумий суғурта тармоғида 31 та суғурта компания фаолият юритмоқда. Бундан кўриниб турибдики, умумий суғурта ва ҳаёт суғуртаси бўйича фаолият юритаётган суғурта компаниялари сони жиҳатдан номутаносибдир. Ҳаёт суғуртаси ривожланиши учун эса тармоқда фаолият юритувчи суғурта компаниялари ташкил этилиб, рақобат муҳити янада шаклланиши лозим.

- Халқаро тажрибадан фойдалиб, халқимиз шарт-шароитларни инобатга олган пенсия суғуртаси, рента суғуртаси каби ҳаёт суғуртасининг янги маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ этишимиз керак.

- Ҳаётни суғурталовчиларнинг кафолат фондини ташкил этиш лозим. Фонднинг даромадларини эса Республикада мутахассислар тайёрлаш, ўқув-семинарларни ташкил этиш, мутахассисларни хорижда ўқитиш, агентлик тармоқларини кенгайтириш, компаниялар моддий-техника базасини янада такомиллаштириш, актуарийлар тайёрлаш ва актуар ҳисобларни шакллантириш каби ҳаёт суғуртасини ривожлантиришга йўналтирилган харажатларга сарфлаш мумкин. Германия тажрибасини оладиган бўлсак, бундай фонд 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, барча ҳаётни суғурталовчи компаниялар аъзо ҳисобланади ва фондга мажбурий тўловлар тўлаб боришади. Фондни вазифаси суғурта қилдирувчиларни, суғурталанган шахсларни ва наф олувчиларни манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлиб, суғурталовчи тўловни амалга ошира олмаганда фонд маблағлари ҳисобидан суғурта тўловлари амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш ҳаёт суғурта тармоғини янада шаклланишига, барқарор, узоқ вақт давомида ривожланишига ва мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайишига, шу билан бирга капитал бозорида узоқ муддатли инвестиция ресурслари яратилишига таъсир кўрсатиши муқаррардир.

# IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

## 1-мавзу. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожлантириш муаммолари

### СЕМИНАР-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИ УЧУН РЕЖА-ТОПШИРИҚ

**Режа:**

1.1. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини бошқаришнинг замонавий ҳолати.

1.2. Суғурта фаолиятини бошқаришни асосий тамойиллари.

1.3. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини бошқаришни ривожланишининг асосий йўналишлари.

## 2-мавзу. Суғуртада менежмент тизими муаммолари ва уларнинг ечими

### СЕМИНАР-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИ УЧУН РЕЖА-ТОПШИРИҚ

**Режа:**

2.1. Суғурта менежментни тушунчаси ва иқтисодий моҳияти.

2.2. Ўзбекистон суғурта компанияларида суғурта менежментни замонавий ҳолати.

2.3. Суғурта ташкилотларида суғурта менежментини ташкил этиш муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари.

## 3-мавзу. Ҳаётни суғурта қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари

### СЕМИНАР-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИ УЧУН РЕЖА-ТОПШИРИҚ

**Режа:**

3.1. Ҳаёт суғуртасининг моҳияти ва суғурта тизимида тутган ўрни.

3.2. Ҳаёт суғуртасининг турлари ва уларнинг тавсифи.

3.3 Ўзбекистон республикасида ҳаёт суғуртасини амалга ошириш бўйича мавжуд муаммолар.

# МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

Модул бўйича тингловчиларнинг мустақил таълими шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, услубий ва ахборот ресурслари билан тўла таъминланган. Тингловчилар аудитория машғулотларида профессор-ўқитувчиларнинг маърузасини тинглайдилар, амалий мисоллар ечадилар. Аудиториядан ташқарида тингловчилар дарсларга тайёрланади, адабиётларни конспект қилади, вазифа сифатида берилган топшириқларни бажаради. Бундан ташқари айрим мавзуларни кенгроқ ўрганиш мақсадида қўшимча адабиётларни ўқиб реферат (тақдимот)лар тайёрлайди ҳамда мавзу бўйича тестлар ечади. Мавзуга доир масалалар, кейс-стади ва ўқув лойиҳаларини Ахборот ресурс маркази манбалари ҳамда изланиш объекти бўлмиш корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларини тўплаган ҳолда бажаради. Мустақил таълим натижалари рейтинг тизими асосида баҳоланади.

"Суғуртанинг долзарб масалалари" фанидан мустақил иш мажмуаси фаннинг барча мавзуларини қамраб олган ва қуйидаги мавзу кўринишида шакллантирилган.

## V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини хуқуқий асослари.
2. Суғурта фаолиятини самарали ташкил этилишни асослари.
3. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишидаги муаммолари ва уларни ечимлари.
4. Суғуртага қўйиладиган асосий талаблар.
5. Ривожланган давлатларда суғурта фаолиятини ташкил этилиши.
6. Суғурта фаолиятини амалга ошириш кўринишларни таҳлили.
7. Ўзбекистонда суғурта фаолиятиини ривожланиш истиқболлари.
8. Суғурта менежментига тегишли асосий тушунчалар ва атамаларни мазмуни.
9. Суғурта бозорида суғурта менежментни ахамияти ва ўрни.
10. Ривожланган давлатларда суғурта менежментни ахамияти ва ўрни.
11. Суғурта менежментни шакилланишини асосий шартлари
12. Ўзбекистонда ва ривожланган давлатларда суғурта менежментига тегишли қонунчилик тизимини нисбий таҳлили.
13. Суғурта менежментни давлат томонидан тартибга солиш асослари.
14. Суғурта менежментига тегишли асосий қонунчилик ҳужжатларни таҳлили.
15. Суғурта маркетингига тегишли асосий тушунчалар ва атамаларни мазмуни.
16. Суғурта бозорида суғурта маркетингни ахамияти ва ўрни.
17. Ривожланган давлатларда суғурта маркетингни ахамияти ва ўрни.
18. Суғурта маркетингни шакилланишини асосий шартлари
19. Ўзбекистонда ва ривожланган давлатларда суғурта маркетингига тегишли қонунчилик тизимини нисбий таҳлили.
20. Суғурта маркетингни давлат томонидан тартибга солиш асослари.
21. Суғурта маркетингига тегишли асосий қонунчилик ҳужжатларни таҳлили.
22. Ҳаёт суғуртасининг моҳияти ва давлатнинг ижтимоий сиёсатидаги ўрни.
23. Ҳаётни суғурта қилишнинг асосий турларининг таснифи.
24. Хорижий мамлакатларда ҳаётни суғурта қилиш бозорининг ривожланиш ҳолати.
25. Ҳаётни суғурта қилиш турларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари.

# VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

### *1-масала*

Суғурта ташкилоти 2019 йилда 125 млн сўм суғурта мукофоти йиғди. Унинг 25 фоизи суғурта қопламаси сифатида суғурталанувчиларга қайтариб берилди. Қолган қисми бўйича суғурта даромадлари бўйича инвестиция фаолиятидан олинган даромад йилига 30 фоиз омонатдан 2 йил даромад қилинган. Суғурта ташкилотининг фойда солиғини ҳисобланг.

### *2-масала*

А суғурта компанияси йилига 20 фоиз тушган суғурта мукофотидан даромад кўради. Агар у 5 йил давомида жами йиққан суғурта мукофоти 500 млн сўм бўлса, тўлаган солиғи 20 фоизни ташкил еца фойда нечага тенг?

### *3-масала*

2019 йилда суғурта ташкилоти РНП захираси жами суғурта мукофотларининг 60 фоизини ташкил етади.

Жами суғурта мукофоти – 5000 минг доллар.

РЗУ захираси – 30 фоиз

Олинган даромад – 40000 доллар

Қайта суғуртага ажратилган сумма РНП захирасининг 10 фоизини ташил етади.

Фойда солиғини ҳисобланг.

### *4-масала*

В суғурта компанияси устав капитали 750 минг еврога тенг. Олган жавобгарлиги 1000 минг еврога тенг.

Йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми ва инвестиция даромади 2/3 нисбатда бўлса, ҳамда суғурта мукофоти ва суғурта жавобгарлиги нисбати тариф ставкаси 0,5 фоиз бўлса, суғурта мукофоти ҳажми ва инвестиция суммаси нимага тенг.

### *5- масала*

“АЛСКОМ” суғурта компанияси ўз агентларига қуйидагича шартнома асосида ҳақ тўлайди:

| Агентлар тартиби | Оладиган улуши фоизда | Топган суғурта мукофотлари, сўмда | Оладиган ҳақлари, сўмда | Тўлайдиган солиқлари ҳақига нисбатан 10 фоиз |
|---|---|---|---|---|
| 1-агент | 23% | 200 минг | | |
| 2-агент | 24% | 300 минг | | |
| 3-агент | 20% | 400 минг | | |
| 4-агент | 21% | 250 минг | | |
| 5-агент | 18% | 300 минг | | |

### *6-масала*

“Капитал суғурта” суғурта компанияси ходимлари иш ҳақи қуйидагича ҳисобланган:

Раҳбар – 500 минг сўм;

Бош менежер – 400 минг сўм;

Катта андеррайтер – 350 минг сўм;

Менежер – 300 минг сўм;

Андеррайтер – 200 минг сўм; Пенсияга - 25 фоиз, бандлик фондига - 2 фоиз, касаба уюшмасига – 3 фоиз.

Юқорида берилган иш ҳақи миқдорларини жадвал асосида даромад солиғини ҳисобланг.

| № | Лавозим лар | Ҳисоблан-ган сумма | Даромад солиғи | 1 фоиз ИНПС | 2,5 фоиз суғурта | Касаба уюшмасига 1 фоиз | Жами ушлан-ма | Жами берилди |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Раҳбар | | | | | | | |
| 2 | Бош менежер | | | | | | | |
| 3 | Катта андеррайт ер | | | | | | | |
| 4 | Менежер | | | | | | | |
| 5 | Андеррай тер | | | | | | | |
| 6 | Курер | | | | | | | |

### *7-масала*

“Ўзагросуғурта” ДАСК бир йил давомида ўртача 200 млн сўм суғурта мукофоти тўплайди. У бўйича умумий суғурта жавобгарлиги 300 млрд сўмни ташкил етади. Шартномалар сони 3000 та. Ўртача ҳар бир шартнома бўйича суғурта тариф ставкаси қанча бўлади?

### *8-масала*

Мамлакат миқёсида жами суғурта мукофоти 49,7 млрд сўм. Жами суғурта қопламаси 6,9 млрд сўм.

| № | Суғурта шакллари | Суғурта мукофоти (% ) | Суғурта қопламаси (%) | Суғурта жавобгарлиги (%) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Ихтиёрий суғурта | 94,4 | 86,3 | 93,8 |
| 1.1 | Шахсий суғурта | 7,5 | 11,8 | 55,2 |
| 1.2 | Мулкий суғурта | 73,9 | 73,1 | 38 |
| 1.3 | Жавобгарлик суғуртаси | 13 | 1,4 | 0,6 |
| 2 | Мажбурий суғурта | 5,6 | 13,7 | 6,2 |
| | Жами | 100 | 100 | 100 |

Жадвал маълумотларида кўрсатилган фоиз кўрсаткичларини сумма ҳисобида акс етттиринг.

### *9-масала*

Мамлакат миқёсида жами суғурта мукофоти 49,7 млрд сўм. Жами суғурта қопламаси 6,9 млрд сўм.

| | Суғурта компаниялари номи | Суғурта мукофоти (% ) | Суғурта қопламаси (%) |
|---|---|---|---|

| | | | |
|---|---|---|---|
| | “Ўзбекинвест” ЕИМСК | 23,5 | 37,5 |
| | “Ўзагросуғурта” ДАСК | 19,5 | 33,3 |
| | “Кафолат” ДАСК | 6,8 | 3,3 |
| | “УВТ Инсурансе” СК | 14,9 | 9,8 |
| | “Стандарт Инсурансе” СК | 16,5 | 0,1 |

Жадвал маълумотларида кўрсатилган фоиз кўрсаткичларини сумма ҳисобида акс етттиринг.

## 10-масала

Суғурта ташкилотининг активи 1 млн евро еквивалент суммадаги маблағни ташкил етади. Суғурта ташкилоти қуйидаги инвестиция объектларига ўз маблағини йўналтирди:

| | Инвестиция объектлари | Активига нисбатан % да | Йиллик даромади %да | Тўлайдиган солиғи |
|---|---|---|---|---|
| | Давлат қимматли қоғозларига | 20 | 20 | |
| | Қимматли қоғозлар(акциялар)га | 30 | 15 | |
| | Устав капиталдаги улуши | 10 | 50 | |
| | Банк депозитларига | 40 | 40 | |

Қимматли қоғозлардан тушган даромаддан солиқ 10 %;

Банк депозитларидан тушган даромаддан 10%;

Устав капиталга қатнашиш солиқ йўқ

Давлатга йўқ

Суғурта компанияси инвестиция фаолиятидан қанча солиқ тўлайди?

## 11-масала

Хўжалик субъекти ўз мол-мулкини бузиб кириб ўғирлик қилишдан 600 млн.сўмга бир йилга суғурта қилди. Суғурта тариф ставкаси суғурта суммасидан 0,3%. Суғурта шарномаси бўйича 1% миқдорида шартли франшиза белгиланган, франшиза белгиланганлиги сабабли 2% миқдорида тарифга чегирма қўлланилган. Суғурталовчининг зарари 3 млн.сўмга тенг.

**Суғурта мукофоти суммаси ва суғурта қопламаси суммасини топинг.**

## 12-масала

Хўжалик субъекти ўз мол-мулкини бузиб кириб ўғирлик қилишдан 800 млн.сўмга бир йилга суғурта қилди. Суғурта тариф ставкаси суғурта суммасидан 0,3%. Суғурта шарномаси бўйича 1% миқдорида шартли франшиза белгиланган, франшиза белгиланганлиги сабабли 2% миқдорида тарифга чегирма қўлланилган. Суғурталовчининг зарари 12,5 млн.сўмга тенг.

**Суғурта мукофоти суммаси ва суғурта қопламаси суммасини топин**

## 13-масала

Объект 18 000 сўмга баҳоланган, унинг 80% суғурталанган, зарар миқдори 6 200 сўм.

**Нисбий жавобгарлик тизими асосида суғурта қопламасини хисобланг.**

## 14-масала

Автомобил биринчи таваккалчилик тизими асосида 75 000 сўмга суғурталанган, унинг ҳақиқий баҳоси 89 000 сўм, суғурталанувчи 32 000 сўм миқдорида зарар кўрган.

**Биринчи ва иккинчи таваккал миқдорини белгиланг.**

## 15-масала

Суғурталанган объектнинг қиймати 8,400 сум, суғурта суммаси 3,360 сўм, шикастланиш натижасида кўрилган зарар 4,840 сўм.

**Суғурта таъминлаш тизимининг нисбий жавобгарлги қоидаларига асосан суғурта қопламасини ҳисобланг.**

## 16-масала

Уй жихозлари 90 000 сўм миқдорида суғурталанган. Ёнғин натижасида уй анжомларига 120 000 сўм миқдорида зарар етган.

**Биринчи ва иккинчи таваккал таъминоти қандай миқдорларда ҳисобланади.**

## 17-масала

Объектнинг баҳоси 30 000 сўм, суғурта суммаси 12 000 сўм. Объект 100% зараланган.

**Суғурта қопламасининг биринчи ва иккинчи таваккал ҳамда нисбий миқдорини аниқланг.**

## 18-масала

3 йиллик ўртача ҳосил ернинг ҳар гектаридан 32 сентнер, табиий офат натижасида бу йилги ҳақиқий ҳосил гектаридан 27 сентнер. Бир гектар ердан терилган пахтанинг сотиш баҳоси 50 000 сўм, умумий екин майдони 300 га. Суғурта қопламаси умумий зарарнинг 70% миқдорини ташкил қилади.

**Чегараланган жавобгарлик тизими асосида етказилган зарар миқдорини аниқланг**.

# VII. ГЛОССАРИЙ

| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
|---|---|---|
| **Абандон** | тўлиқ миқдордаги суғурта суммасини олиш учун суғурталанувчининг суғурталанган мол–мулкдан суғурталовчининг фойдасига воз кечиши (суғурталанган кема нобуд бўлганда, у хабарсиз йўқолганда, кема ёки юк қароқчилар томонидан босиб олинганда). Абандон тўғрисидаги ариза воқеа–ходиса рўй бергандан кейин олти ой мобайнида берилиши керак. Айрим чет мамлакатлар қонунчилигида абандон суғурталанувчининг бир томонлама акти ҳисобланади. Фақат, Англия қонунчилигида абандон учун суғурталовчининг розилиги талаб этилади. | Property insurance policies can include what is known as an abandonment clause, which allows the policyholder to abandon the damaged property and still receive their claim settlement. Once abandoned, the damaged property is owned by the insurance company. Abandonment clauses are more common in marine property insurance policies. Homeowners policies typically prohibit policyholders from abandoning property under any condition. |
| **Авария комиссари** | суғурта компаниясининг ваколатига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс. Суғурталанган кема ёки юк бўйича кўрилган зарарнинг характери ва миқдорини аниқлайди, ҳодиса рўй берганлик сабабларини ўрганади. Суғурта компанияси авария комиссарининг чет элда ҳам, мамлакат ичкарисида ҳам тайинлаши мумкин. Авария комиссарининг юридик манзили, телефон ва телекс рақамлари суғурта компанияси томонидан бериладиган суғурта полисида кўрсатилади. Суғурталанувчи суғурта ходисаси рўй бериши заҳоти | Policies providing coverage, singly or in combination, for death, dismemberment, disability, or hospital and medical care caused by or necessitated as a result of accident or specified kinds of accidents. Types of coverage include student accident, sports accident, travel accident, blanket accident, specific accident or accidental death and dismemberment. Coverage for the insured in the event that the insured's negligent acts and/or omissions result in losses in connection with the use, ownership, or |

| | | |
|---|---|---|
| | авария комиссарига мурожаат қилиши зарур. Авария комиссари мол–мулкнинг зарарланганлик даражасини аниқлайди ва суғурта компаниясининг топшириғига асосан, кўрилган зарарни қисман қоплаши мумкин. Авария комиссари бажарилган ишлар тўғрисида суғурта компанияси учун авария сертификати тузади ёки унга ёзма ахборот тайёрлайди. | maintenance of aircraft. |
| **Авария сертификати** | мол–мулк суғурта ходисаси туфайли зарарланганда, кўрилган зарарнинг миқдори ва характерини тасдиқловчи ҳужжат. Авария сертификати авария комиссари (аджастер) томонидан тузилади ва тегишли комиссия хақи ҳисобига суғурталанувчига тақдим этилади. Авария сертификати суғурталанувчининг суғурта қопламасини олиш тўғрисидаги аризасига илова этилади ва қопламани тўлашда суғурта компаниясига асос бўлиб хизмат қилади. | Property insurance event due to a document certifying the nature of the damage and the amount of damage. Emergency certificate emergency commissioner (adjaster) and the related report of the commission created by the Insured. Emergency certificate shall be attached to the application for insurance compensation insurer and the cover will serve as the insurance to pay company. |
| **Аддендум** | илгари тузилган суғурта ва кайта суғурталаш шартномасига томонларнинг ўзаро келишуви билан қўшимчалар киритиш. | With the mutual agreement of the parties before the insurance and re - insurance contract amendments. |
| **Аджастер** | суғурта ходисаси рўй бериши муносабати билан суғурталанувчи томонидан билдирилган эътирозни тартибга солишда суғурта компаниясининг манфаатларини ҳимоя этувчи жисмоний ёки хуқуқий шахс. У суғурталанувчи билан унга тўланадиган суғурта | A person who investigates claims and recommends settlement options based on estimates of damage and insurance policies held.<br>A representative of the insurer who seeks to determine the extent of the insurer's liability for loss when a claim is submitted. |

| | | |
|---|---|---|
| | қопламаси миқдорини келишишга ҳаракат қилади. Аджастер суғурта ходисасини рўй бериш сабабларини ўрганади ва таҳлил этади. Ушбу таҳлил натижалари бўйича суғурта компаниясига эксперт хулосасини тузади ҳамда авария комиссари функциясини бажаради. Аджастер вазифасини суғурта компаниясининг таркибий бўлими ёки ихтиссослашган ташкилот амалга ошириши мумкин. | An individual employed by an insurer to evaluate losses and settle policyholder claims. Also see "public insurance adjuster." |
| **Актуарий** | лотин тилидан таржима қилганда ҳисобчи деган маънони билдиради. Актуар ҳисоб–китоблар назариясини ўзлаштириб олган суғурта математикаси соҳасидаги мутахассис. У суғурта тарифларини ҳисоблаш ва методологиясини ишлаб чиқиш, узоқ муддатли суғурта турлари бўйича суғурта заҳираларини шакллантириш билан боғлиқ ҳисоб–китобларни амалга ошириш билан шуғулланади. Ҳозирги пайтда Англияда актуарийлар институти фаолият кўрсатмоқда.<br>Актуарийларнинг халқаро уюшмаси мавжуд. | Business professional who analyzes probabilities of risk and risk management including calculation of premiums, dividends and other applicable insurance industry standards. A specialist in the mathematics of insurance who calculates rates, reserves, dividends and other statistics. (Americanism: In most other countries, the individual is known as "mathematician.")<br>An insurance professional skilled in the analysis, evaluation and management of statistical information. Evaluates insurance firms' reserves, determines rates and rating methods, and determines other business and financial risks. A person professionally trained in calculating the risks and costs of insurance. |
| **Актуар ҳисоб–китоблар** | суғурта тарифи ставкаларини ҳисоблашнинг иқтисодий–математик усуллари йиғиндиси. Ушбу ҳисоб– | The sum of the insurance rate of economic - mathematical calculation methods. These calculations are based on the |

| | | |
|---|---|---|
| | китоблар катта сонлар қонунига асосланади. Актуар ҳисоб–китобларнинг методологияси, эҳтимоллар назарияси, демография қонуниятларига асосланади, тариф ставкасини миқдори суғурта ҳодисалари рўй беришининг эҳтимолийлигига боғлиқ. Демография маълумотларидан фуқароларнинг ҳаётини суғурталашда суғурталанувчиларнинг ёшига мос равишда суғурта тарифи ставкасини табақалаштиришда фойдаланилади. Узоқ муддатли ҳаётни суғуртаси бўйича суғурта суммалари суғурталанган шахс вафот этганда ёки у маълум бир ёшга етганда тўланади. Етарли миқдордаги суғурта фондини шакллантириш учун, суғурталовчи шартнома амалда бўлган даврда қанча шахс вафот этиши ёки маълум бир ёшга етиши эҳтимолийлигини билиши зарур. Аҳоли ўлими даражаси хақидаги статистик маълумот асосида турли ёшга етиши эҳтимоллигини ҳисоблаш ҳамда фуқароларнинг ўлими тўғрисидаги жадвални тузиш мумкин. | law of large numbers. The methodology of actuarial calculations, probability theory, based on the laws of demography, the rate depends on the amount of insurance Accidents happen Demographic data of citizens in accordance with the age of the life insurance differentiated rate.<br>The long - term life insurance, the amount of insurance the insured person dies, or he is paid a certain age. Sufficient for the formation of the insurance fund, the insurance period of the contract or the death of a person at a certain age you need to know ehtimoliyligini. On the basis of statistical data about the population mortality rate to calculate the probability of different ages as well as a schedule of the death of the citizens . |
| **Андеррайтер** | турли рискларни суғурталаш ваколатига эга, суғурта компанияси томонидан тайинланадиган шахс. Суғурта компаниясининг суғурта портфелини шаклланиши учун жавоб беради. У суғурта шартномаларини тузиш, рискларни баҳолаш ва суғурта | Person who identifies, examines and classifies the degree of risk represented by a proposed insured in order to determine whether or not coverage should be provided and, if so, at what rate. The individual trained in evaluating risks and |

| | | |
|---|---|---|
| | тарифи ставкасини белгилаш юзасидан тегишли малакага эга бўлиши зарур; 2) Ллойд суғурта полисларини берадиган Ллойд суғурта корпорациясини аъзоси; 3) потенциал мижозларга суғурта полисини сотиш билан шуғулланадиган ёки манфаатдор томонларга суғурта соҳаси бўйича юқори даражада маслаҳат хизматларни кўрсатадиган жисмоний ёки юридик шахс. | determining rates and coverages for them. Also, an insurer.<br>The person who reviews an application for insurance and decides if the applicant is acceptable and at what premium rate. |
| **Андерайтинг** | 1) суғурталаш мақсадида рискни баҳолаш;<br>2) суғурта шартномаларини тузиш ва унинг шартларини бажариш; 3) суғурта. | The process by which an insurance company examines risk and determines whether the insurer will accept the risk or not, classifies those accepted and determines the appropriate rate for coverage provided.<br>1) insurance risk assessment;<br>2) the terms of the insurance contracts and its performance;<br>3) insurance. |
| **Андеррайтер сиёсати** | суғурталаш билан боғлиқ янги таклифларни кўриб чиқиш ва мазкур таклифни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида хулосалар чиқаришга қаратилган сиёсат. | to insurance and consider new proposals that can accept or reject the conclusions of the policy. |
| **Аннуитет** | рента ва нафақаларни суғурталашнинг ҳамма турларини умумлаштирувчи тушунча. Бунда суғурталанувчи суғурта компаниясига бир вақтнинг ўзида ёки бир неча йиллар давомида тегишли суғурта мукофотларини тўлайди. Кейин суғурталанувчи бутун ҳаёти давомида суғурта компаниясидан даромад олади. | a contract providing income for a specified period of time, or duration of life for a person or persons.<br>An agreement by an insurer to make periodic payments that continue during the survival of the annuitant(s) or for a specified period. A contract in which the buyer deposits money with a life insurance company for |

| | | |
|---|---|---|
| | Аннуитетнинг бир тури ҳисобланадиган фуқароларнинг йиллик даромадини суғуртаси бугунги кунда Буюк британияда, Францияда ва АҚШда кенг ривожланган. | investment. The contract provides for specific payments to be made at regular intervals for a fixed period or for life. |
| **Аудит** | суғурта компаниясининг молиявий ҳисоботи тўғрилигини ёзма равишда тасдиқлаш ва текшириш. Аудит ишини махсус малакага эга бўлган аудиторлар амалга оширади. Аудиторлик фирмаси билан суғурта компанияси ўртасида шартнома тузилади. Ўзбекистон Республикасида аудит ишини Молия вазирлигининг лицензиясига эга бўлган шахслар амалга ошириши мумкин. | The insurance company to confirm in writing the accuracy of financial reporting and auditing. Audit work specially qualified auditors. Auditing firm concluded a contract between the insurance company. Persons licensed by the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan in the work of the audit can be carried out. |
| **Бонус** | суғурта компанияси ўзи учун қулай шартларда суғурта шартномасини тузганлиги учун суғурталанувчига, у тўлайдиган суғурта мукофоти миқдоридан чегирмалар белгилайди. | The insurance company for the terms of the insurance contract concluded for the discounts that the amount of insurance premiums paid by Insured. |
| **Брутто–мукофот** | суғурта шартномаларини тузиш, иш юритиш харажатларини ҳисобга олган холдаги суғурта мукофотлари суммаси | the net premium for insurance plus commissions, operating and miscellaneous commissions. For life insurance, this is the premium including dividends |
| **Бош полис** | суғурта компанияси ва суғурталанувчи ўртасидаги ёзма битим. Бу битимга мувофиқ, тегишли давр мобайнида суғурталанувчи барча объектларни суғурта компаниясига суғурталаш учун беради. Чет эл тажрибасида бу битим «очиқ полис» ёки «полис–абонамент» дейилади. Мазкур бош полис асосида | an agreement in writing between the insurance company and the insured. In accordance with this agreement, the relevant period for the insurer to insure all areas of the insurance company. Foreign practice this agreement 'public policy' or 'policy abonament'. This insurance |

| | | |
|---|---|---|
| | суғурталаш ташқи савдо юклари суғуртасида кенг тарқалган. Суғурталанувчи суғурта компаниясига ҳар бир жўнатилган юк ҳақидаги маълумотлар (юкнинг вазни, суғурта суммаси, юкни жунатиш ва қабул қилиб олиш пунктлари) баён этилган аризани тақдим этса етарли, юк автоматик равишда суғурталанган ҳисобланади. | policy on the basis of common foreign trade cargo insurance. Each insurance company sent information about the cargo (cargo weight, the sum insured, receive and dispatch cargo units) enough to submitting the application, are automatically insured. |
| **Биргаликда суғурта қилиш** | битта суғурта шартномаси доирасида рискни икки ёки ундан ортиқ суғурта компаниялари ўртасида тақсимланиши. Ушбу шартномада ҳар бир суғурталовчининг хуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилади. Биргаликда суғурта қилишда суғурталанувчига қўшма полис ёки ҳар бир суғурта компанияси ўз зиммасига олган риск ҳиссасига мувофиқ алоҳида полис берилади. | The percentage of each health care bill a person must pay out of their own pocket. Non-covered charges and deductibles are in addition to this amount. An arrangement in a health or dental insurance plan where you and the insurance company share the cost of the items covered. You usually pay a set percentage (e.g., 20% paid by you and 80% paid by the plan). |
| **Брутто – ставка** | суғурта қопламасини (суғурта суммасини) тўлашга мўлжалланган нетто–ставка ва иш юритиш харажатларини қоплашга мўлжалланган нетто–ставкага юклама суммаларини ўз ичига олган суғурта мукофотларининг тариф ставкасини билдиради. Кўпгина адабиётларда ушбу ибора суғурта тарифи маъносида ҳам ишлатилади. | insurance coverage ( insurance amount ) to pay the net is intended to cover the costs of work - rate and net insurance premiums , including the sums of the load rate of the rate . Most of the literature , this technique is also used in the sense of insurance rate. |
| **Денонсация** | шартномадан воз кечиш. Агар суғурта муносабатларида томонлардан бири ёзма равишда шартномадан воз кечиши тўғрисида иккинчи томонга маълум қилмаса, шартнома унда кўрсатилган | refusal of agreement . If the insurance relations are one of the parties in writing not to reject the agreement on the second side, the deadlines specified in the contract which will be strong. |

| | | |
|---|---|---|
| | муддатгача кучда бўлади. | |
| **Депозит** | суғурта компаниясининг банк муассасасида сақланадиган пул маблағи ёки қимматли қоғозлари. Банк, одатда, суғурта компаниясига ўз пулини банкда сақлагани учун фоиз тўлайди; 2) айрим мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ, чет мамлакат суғурта компанияси, агар, бирор бошқа мамлакатда суғурта фаолиятини амалга оширмокчи бўлса, дастлаб у ўша мамлакат банк муассасасига тегишли пул маблағини депозитга қўяди. Мазкур депозит, чет давлат суғурта компаниясининг бошқа мамлакат худудида суғурта фаолиятини амалга ошириши учун асос бўлиб хизмат қилади. | the insurance company kept the banking institution in cash or securities . The bank, as a rule, the insurance company money pays interest to the banks; 2) in accordance with the laws of some countries, a foreign insurance company in the country, if there is any other insurance activity in the country, the first banking institution in the country depositing money. This deposit, foreign insurance company to carry out insurance activities in the territory of the other country to serve as a basis for it. |
| **Диверсификация** | йирик суғурта компанияларининг асосий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият билан ҳам шуғулланиши. Масалан, суғурта воситачилиги, қимматли қоғозларнинг олди–сотдиси, кўчмас мулк билан шуғулланиш ва ҳакозо. | The largest insurance companies, is engaged in other activities in addition to the primary activity. For example, the insurance agent, the sale of securities, real estate activities and so on. |
| **Депозитларни суғурта қилиш** | банклар банкрот деб эълон қилинганда ёки тўлов қобилияти йўқолганда, омонатчиларнинг банкдаги пул маблағларини уларга қайтарилишини суғурталаш. Бунда банклар суғурталанувчилар ҳисобланади. Суғуртани махсус суғурта ташкилотлари амалга оширади. Депозитларни суғурталаш чет мамлакатларда кенг тарқалган. | The solvency of the banks declared bankrupt or return money to depositors lost their insurance. At the same time, banks have insurance. Insurance and private insurance organizations. Widespread insurance of deposits in foreign countries. For example, the US federal insurance of deposits in the deposit insurance corporation. US towards each |

| | | |
|---|---|---|
| | Масалан, АҚШда депозит суғуртасини депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси амалга оширади. АҚШда ҳар бир омонатчига тўғри келадиган 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги депозитни банклар мажбурий суғурталайди. | depositor banks in the amount of $ 100 thousand deposit insurance. |
| **Диспашер** | денгиз транспортида умумий авария содир бўлганда кўрилган зарарни кема, юк ва фрахт ўртасида тақсимлаш бўйича ҳисоб–китобларни тузадиган мутахассис. Ривожланган мамлакатларда диспашер функциясини махсус компаниялар бажаради. Зарарларни тақсимлаш бўйича ҳисоб–китоблар диспаша дейилади ва диспашани тузганлик учун хақни манфаатдор томонлар (кема эгаси, юк эгаси, юкни сотиб олувчи шахс) тўлайди. | Sea transport accident caused damage to the ship, cargo and chartered distribution of settlements between the expert concluded. Performs the function of dispasher private companies in developing countries. Losses distribution of settlements and called dispasha dispashani creation for stakeholders delusion ( the ship owner , the owner of the cargo, the cargo recipient entity ) pays. |
| **Европолис** | европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатларида суғурта шартномаси тузганлик фактини тасдиқловчи суғурта полиси | European Economic Community countries, confirming the fact of the creation of the contract of insurance the insurance policy. |
| **Заҳира фонди** | жорий йилда келиб тушган суғурта мукофотлари ҳисобидан суғурта қопламасини тўлаш имконияти бўлмаганда, ушбу суғурта қопламасини тўлаш учун фойдаланиладиган пул маблағлари фонди. Маълумки, суғурта ходисалари туфайли кўрилган йўқотишлар ва зарарлар миқдори ҳар йили ҳар–хил бўлади. Айрим йиллари суғурта ходисалари кам, бошқа йили эса кўпроқ | This year at the expense of insurance premiums received by the absence of the possibility of payment of insurance compensation fund of funds used to pay for this insurance. It is known that the amount of insurance losses and damages caused by the incident are the same every year. Some of the events of the years of insurance less can be more. If you have insurance for |

| | | |
|---|---|---|
| | бўлиши мумкин. Агар суғурта ходисалари сони кўп бўлиб, кўрилган зарар миқдори жорий йилда келиб тушган суғурта мукофотларидан бир неча марта кўп бўлса, уларнинг фарқи заҳира фонди ҳисобидан қопланади. | damage caused by a large number of cases received in the current year in the amount of insurance premiums for more than a few times, the difference will be covered by the reserve fund. |
| **Карго** | транспорт воситасида ташиладиган ва суғурталаниши мумкин бўлган юкнинг номланиши. | Name of the load which can be carried by the means of transport and insurance. |
| **Каско** | транспорт воситасининг борти. Каско суғуртаси транспорт воситасини нобуд бўлиши ёки шикастланиши ўз ичига олади. | Board the transport. Kaska insurance covers loss or damage to the transport |
| **Каф** | ташқи савдо шартномаси бўйича юкларни белгиланган портгача (жойгача) етказиб бериш шарти. Бунда ташилаётган товарнинг қийматига денгиз транспортида ташиш билан боғлиқ харажатлар киритилади. Ушбу шарт бўйича товарларни суғурта қилиш товар етказиб берувчининг (сотувчи) мажбуриятига кирмайди. | Foreign specified in the contract of sale of goods (marker) delivery. At the same time, the value of the goods transported on the sea transport costs. This insurance product supplier (seller) is not covered by the obligation. |
| **Касбий жавобгарлик** | чет эл тажрибасида врачларнинг, адвокатларнинг, аудиторларнинг, нотариусларнинг, бухгалтер, архитектор ва бошқа касб эгаларининг учинчи шахсга зарар келтириш касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномасини тасдиқлайдиган суғурта полисининг аталиши. Ушбу касб эгалари хусусий амалиёт билан шуғулланганларида, уларда суғурта полисининг бўлиши мажбурийдир | Coverage available to pay for liability arising out of the performance of professional or business related duties, with coverage being tailored to the needs of the specific profession. Examples include abstracters, accountants, insurance adjusters, architects, engineers, insurance agents and brokers, lawyers, real estate agents, stockbrokers. |

| | | |
|---|---|---|
| **Квота** | 1) бир неча суғурта компанияси томонидан биргаликда тегишли объект суғурталанаётганда, битта суғурта компаниясига тўғри келадиган ҳисса. Бундай холатда ҳар бир суғурта компаниясига тегишли квота ягона суғурта полисида ўз аксини топади; 2) қайта суғурталаш компаниясини қайта суғурталашда қатнашиш ҳиссаси. | 1) shared by more than one insurance company to contribute towards the object an insurance company. In this case, the quota of each insurance company only reflected in the insurance policy; 2) reinsurance companies to participate in the reinsurance contributions. |
| **Квотали қайта суғурталаш** | суғурта компанияси қайта суғурталовчи компания билан келишган ҳолда унга рискларни бир қисмини беради. Бу операция квота шартномаси орқали расмийлаштирилади. Қайта суғурталовчи компанияга суғурта мукофотини тегишли қисми берилади ва қайта суғурталовчи компания пропорционал равишда кўрилган зарарни қоплашда иштирок этади. | Insurance company reinsurance agreement with the company a portion of the risk. This is not a quota agreement was drawn up. Reinsurance company in proportion to the portion of the insurance premium and the insurance company will participate in the review of the compensation. |
| **Ковернота** | суғурта воситачиси томонидан суғурталанувчига бериладиган ва суғурталанувчининг суғурта шартномаси тузишини тасдиқловчи хужжат. Ушбу хужжатда кўрсатилган муддат мобайнида суғурта брокери суғурталанувчига суғурта полисини бериши шарт. Чунки, ковернота суғурта компанияси учун юридик кучга эга бўлган хужжат ҳисобланмайди. | Insured by the insurance intermediary and the insurer's insurance contract issued document. During the period specified in this document are required to provide insurance broker insurance policy Insured. Because the insurance company kovernota be considered legally valid document. |
| **Комбинацияли суғурта** | бир неча суғурта турлари бўйича суғурта қопламаси шарти | provided insurance coverage of a few types of insurance |
| **Комиссия ҳақи** | мижозларни суғуртага тортганлиги учун суғурта | Fee paid to an agent or insurance salesperson as a |

| | | |
|---|---|---|
| | компанияси томонидан воситачиларга (суғурта брокери, агент) тўланадиган ҳақ. Комиссия ҳақининг миқдори суғуртанинг турига ва келиб тушган бадалнинг хажмига боғлиқ ҳолда суғурта бадалига нисбатан фоизларда тўланади. | percentage of the policy premium. The percentage varies widely depending on coverage, the insurer and the marketing methods. |
| **Коносамент** | денгиз транспортида юкларни ташиш шартларини ифодаловчи хужжат. Коносамент шартнома мавжудлиги фактини ва юк ташувчини юкни қабул қилиб олганлигини тасдиқловчи хўжжат. Коносаментга имзо чекиши билан юкни сақлаш, уни тегишли манзилга етказиш масъулияти тўлалигига юк ташувчи кема зиммасига ўтади. Имзоланган коносаментнинг асл нусхаси сотиб олувчига юборилади ва ушбу хўжжат унга тегиши билан сотиб олувчи юкнинг ҳуқуқий эгаси ҳисобланади. | Document expressing the terms of maritime freight transport. Konosament the fact of the existence of the agreement and the acceptance confirming the receipt of the carrier. Sign cargo, it has successfully assumed responsibility to pay the freight ship. K Konosament's signed original copy is sent to the buyer and buy touch him the legal owner of the cargo . |
| **Кумуляция** | бир қанча йирик суғурта суммали объектларнинг битта суғурта ҳодисаси туфайли зарар кўриши эхтимоллигини назарда тутувчи суғурта рискларини йиғиндиси | a large amount of the insurance objects of the alleged damage because of an insurance event to which the sum of the insurance risk. |
| **Кэптив суғурта компанияси** | таъсисчиларнинг манфаатларини суғурта ҳимоясига оладиган ёки йирик концерн, корпорациялар, йирик саноат–молия гуруҳлари таркибига кирувчи суғурта компанияси. Рақобатдаги бошқа суғурта компанияларини кэптив суғурта компанияси мавжуд бўлган тармоққа кириши мураккаброқ ҳисобланади. | To protect the interests of the founders of the insurance or major corporations, corporations, insurance company, part of the largest financial and industrial groups. Competition from other insurance companies, captive insurance company is more complex network. Captive insurance companies in Uzbekistan - the |

| | | |
|---|---|---|
| | Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кэптив суғурта компанияларига – «АЛСКОМ», «Универсал суғурта» суғурта компанияларини мисол келтириш мумкин. | ALSKOM, Universal insurance that insurance companies might be. |
| **Ллойд** | Англиядаги халқаро суғурта бозори; Англиядаги суғурталовчиларнинг корпорацияси, тахминан 1734 йилда ташкил этилган. Ҳозирги пайтда Ллойдга 22000 дан ортиқ аъзо бор. Унинг фаолияти Англия парламенти қабул қилган махсус қонун билан тартибга солинади. Ллойд суғуртани барча турларини амалга оширади. Ллойд аъзолари 279 синдикатга бирлашган бўлиб, синдикат фаолияти учун андеррайтерлар жавоб беради. Андеррайтерлар билан сугурталанувчиларни сугурта воситачилари бирлаштиради. Сугурта воситачилари Ллойд бозорида рискларни жойлаштиради. Андеррайтерлар сугурта шартномаси буйича жавоб бериш учун йирик миқдордаги пул маблағларини корпорацияга депозит сифатида қўяди. | In England, the international insurance market; UK insurers Corporation, founded in about 1734. Lloyds currently has more than 22,000 members. Its activity is regulated by a special law passed by the Parliament of England. Lloyd carries out all types of insurance. Lloyd sindikatga 279 members of the union, sindikat underwriter. Underwriter combines sugurtalanuvchilarni insurance brokers. Insurance brokers Lloyd market risks. Underwriter to respond to the insurance contract on the large amount of funds to the Corporation as a deposit. |
| **Тиббий суғурта** | аҳоли соғлиғини ҳимоя қилиш воситаларидан бири. Суғурта ҳодисаси рўй бериши муносабати билан, суғурта полиси орқали бепул тиббий хизмат кўрсатилиши. Тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни суғурта компанияси тўлайди. Тиббий суғурта мажбурий ёки | Covers medical expenses for accidents or sickness, on a first-party basis, and regardless of fault. A policy that will pay specifies sums for medical expenses or treatments. Health policies can offer many options and vary in their approaches to coverage. |

| | | |
|---|---|---|
| | ихтиёрий бўлади. | |
| **Мулкий суғурта** | турли кўринишдаги мол–мулкларни сақлаш билан боғлиқ манфаатлар суғурта муносабатларининг объекти ҳисобланган, суғуртанинг мустақил тармоғи. Суғурталанувчининг шахсий мулки, унинг қарамоғида жойлашган мол–мулклар суғурталаниши мумкин. Суғурталанувчи сифатида, нафақат мол–мулкнинг соҳиблари, балки мол–мулкнинг сақланиши учун масъулиятли бўлган жисмоний ва юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин. | Insurance that covers direct damage to the nonprofit’s property and equipment including consequential losses (business income, loss of rents, extra expense) caused by an insured peril. |
| **Нетто–ставка** | брутто–ставканинг асосий таркибий қисми. Нетто–ставка суғурта қопламасини тўлашга мўлжалланган пул маблағлари ресурслари бўлиб, у брутто–ставканинг 90 фоизигача миқдорини ташкил этади. | Gross - rate component. Netto - rate sources of funds intended for the payment of insurance compensation, which amount to 90 % of the gross rate. |
| **Облигаторли қайта суғурталаш** | 1) қайта суғурталашнинг мажбурий шакли. Айрим мамлакатлар қонунчилигига кўра, ушбу мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча суғурта компаниялари қабул қилган рискларини бир қисмини мажбурий равишда қайта суғурталаш компаниясига беради. Бу чора қайта суғурталаш орқали чет элга валютани чиқиб кетишини олдини олади; 2) суғурта компанияси (цедент) маълум бир суғурта тури бўйича рискни қайта суғурталовчига беришини ва ўз навбатида, қайта суғурталовчи, рискни қабул қилишни назарда тутувчи | 1) form of compulsory insurance. According to the laws of some countries accept all insurance companies operating in the territory of that country risk is a part of the compulsory reinsurance company. These measures through reinsurance to prevent the flow of currency out of the country; 2) insurance company (tsedent) is a type of insurance risk insurer, and in turn, providing for the insurer to accept the risk reinsurance contracts. |

| | | |
|---|---|---|
| | қайта суғурталаш шартномаси. | |
| **Мажбурий суғурта** | суғурта муносабатлариннинг қонун кучига эга бўлган шакли. Мажбурий суғурта қонунчилик хужжатлари асосида амалга оширилади. Ушбу хужжатда суғуртага тортиладиган объектлар сони, суғурта жавобгарлигининг ҳажми, суғурта муносабатларида қатнашадиган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа реквизитлар кўрсатилади. Амалдаги қонунчиликка асосан, Ўзбекистонда мажбурий суғуртани тегишли лицензияга эга бўлган ҳар қандай суғурта компанияси ўтказиши мумкин. | Insurance relationships form which has the force of law. Compulsory insurance on the basis of legislative acts. This document insurance taxable items, the volume of insurance liability, the rights and obligations of the parties involved in the relationship between insurance and other details. |
| **Оферта** | асосий шартлар кўрсатилган ҳолда суғурта шартномасини тузиш таклифи. Суғурта компанияси офертани конкрет юридик ёки жисмоний шахсга йўллаши мумкин. | The main recommendation of the conditions specified in the insurance contract . Insurance companies offer a specific natural or legal person may send. |
| **Оффшор суғурта компанияси** | махсус мақомга эга бўлган суғурта компанияси. Оффшор суғурта компаниялари солиқ тўлаш ставкалари энг кам булган оффшор зоналарда (Бермуд ороли, Гернси, Мэн ва Кэйманов ороллари) ташкил этилади. Оффшор зоналарда амалга ошириладиган суғурта операциялари суғурта компаниясини ташкил этишда қатнашган таъсисчилар жойлашган давлати органлари томонидан назорат этилмайди. | A special status with the insurance company. Offshore insurance companies of low tax rates in offshore zones (the island of Bermuda, Guernsey and Keymanov Islands). Offshore zones participated in the organization of the implementation of the insurance operations of insurance company shareholders are not controlled by the state bodies. |
| **Пролонгация** | ўзаро келишган ҳолда суғурта шартномасини амал қилиш муддатини узайтириш. Пролонгация ёзма кўринишда | Mutual agreement to extend the term of the insurance contract. Credit can be confirmed in written form |

| | | |
|---|---|---|
| | тасдиқланиши мумкин | |
| **Пропорционал қайта суғурталаш** | қайта суғурталаш шартномасини тузиш шакли. Бу ерда қайта суғурталаш компанияси суғурта мукофотларини умумий тушумидаги ва суғурта копламаларини тўлашда ўз улушига эга. Пропорционал қайта суғурталаш шартномалари квотали, экцедентли ва квота–экцедентли шартномаларини ўз ичига олади. | portion of the losses and premium reinsurer shares with the ceding entity. |
| **Рискларни жойлаштириш** | 1) суғурта манфаати туфайли юзага келадиган суғуртавий ҳуқуқий муносабатларнинг бошланиш жараёни. Рискларни бирламчи, иккиламчи ва учламчи жойлаштириш, тенг равишда суғурталаш, қайта суғурталаш ва ретроцессияга тўғри келади. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда рискларни жойлаштириш суғурта воситачилари орқали суғурта бозорида амалга оширилади; 2) суғурта брокери ёрдамида бир вақтнинг ўзида йирик ва хавфли рискларни қисмларга бўлиб, бир нечта суғурта компаниясида суғурталаш услуби. Бир қанча суғурта компаниялари таркибидан биттаси етакчи сифатида ажралиб чиқади ва у суғурта шартномасидаги шартларни маъқуллаб, рискнинг тегишли қисмини ўз жавобгарлигига олади. | 1) due to the benefit of the insurance or other legal process. The risk of primary, secondary, tertiary, insurance, reinsurance and to retrotion. Market-based economy, the risk in the insurance market through insurance intermediaries; 2) using an insurance broker at the same time the largest and most dangerous part of the risk method to insure more than one insurance company. A number of members were released as one of the leading insurance companies and approved the terms of the contract of insurance risk part of their responsibility. |
| **Рақобат** | суғурта компанияларининг суғурта бозоридаги ўз улушини эгаллаши учун ўзаро иқтисодий мусобақаси. | Insurance companies take their share of the market for economic competition. The competition will assist in the |

| | | |
|---|---|---|
| | Рақобат суғурталанувчи учун суғурта компанияларини танлаб олишларида кўмак беради. Рақобат суғурта хизматини кенгайишида ва уларнинг сифатини ошишида муҳим аҳамиятга эга. Бир суғурта хизматини кўрсатаётган бир неча суғурта компаниялари рақобат шароитида мижозларни жалб этиш учун уларга суғурта шартномаларини тузишда, суғурта мукофотларини тўлашда ва суғурта қопламаларини қисқа муддатларда тўлашда имконият яратади. | selection of the insurer for the insurance companies. Competition is increasing the quality of insurance services and the expansion of their importance. The conditions of competition in insurance services in a number of insurance companies to attract customers to their insurance contracts, payment of insurance premiums and the payment of insurance covering short term opportunities. |
| **Ретроцедент** | қабул қилиб олинган қайта суғурталаш рискини ретроцессияга (иккинчи қайта суғурталаш) берувчи суғурта ёки қайта суғурталовчи компания | received from reinsurance Risk ( reinsurance ) , insurance or reinsurance company |
| **Ретроцессионарий** | ретроцедентдан рискни қабул қилиб олувчи қайта суғурталовчи компания. | from retrotsedent risk receiving reinsurance company. |
| **Ретроцессия** | 1) қайта суғурталашга илгари қабул қилиб олинган рискларни яна қайта суғурталашга бериш; 2) рискларни учламчи жойлаштириш | had received more risks for reinsurance; 2) the risk of tertiary |
| **Риск** | 1) битта кутилаётган ҳодиса бўйича хавфнинг юзага келиши. Риск тушунчаси кўринишларининг хилма–хиллиги, уни содир бўлиши натижасида юзага келган оқибатларнинг оғирлиги, рискни рўй бериши сабабли пайдо бўлган зарарларни мутлоқ тугатишни имконияти бўлмаганлиги суғурта ишини | The likelihood that an insured event will happen while the policy is in place. For example, in life and health insurance, risk is typically the likelihood that the person insured will die, be injured or get sick. A measure of the possibility that the future may be surprisingly different from what we expect. Downside |

| | | |
|---|---|---|
| | ташкил этиш учун асос яратади. Шундай қилиб, риск суғуртавий ҳуқуқий муносабатларни шакллантириш учун шарт–шароит яратади. Риск–рискли ҳолатларнинг ягоналик ва ўзаро алоқадорлик йиғиндисидир. Суғурта фанида риск тушунчасига турлича тарифлар берилган. Жумладан, риск–бу конкрет ҳодиса ёки ҳодисалар йиғиндиси бўлиб, улар содир бўлган тақдирда суғурта компанияси қопламалар тўлайди. Риск суғурта объекти билан тўғридан тўғри боғланган. Объектга риск салбий таъсир кўрсатиб, уни шикастлаши ёхуд нобуд қилиши мумкин. Шу туфайли риск – бу ягона тасодифий ҳодиса бўлиб, унинг рўй бериши инсон онгига ёки иродасига боғлиқ эмас. Суғурта рискларининг рўйхати суғурталовчининг суғурта жавобгарлиги ҳажмини ташкил этади. Риск баҳосининг пулдаги ифодаси суғурта тариф ставкасини ташкил этади; 2) суғурта объекти: 3) суғурта жавобгарлигининг тури. | risk of loss and upside risk of gain. |
| **Риск менежменти** | рискни камайтириш ёки чегаралаш бўйича суғурта компаниясининг мақсадли йўналтирилган ҳаракати. Риск менежментининг таркибий элементига қуйидагилар киради: рискни аниқлаш, рискни баҳолаш, рискни назорат қилиш ва рискни молиялаштириш | A discipline for dealing with the possibility that the future may be surprisingly different from what we expect (see Strategic risk management). Management of the pure risks to which a company might be subject. It involves analyzing all exposures to the possibility of loss and |

| | | |
|---|---|---|
| | | determining how to handle these exposures through practices such as avoiding the risk, retaining the risk, reducing the risk, or transferring the risk, usually by insurance |
| **Рискли ҳолатлар** | риск даражасига таъсир қилувчи омиллар. Суғурталанувчига маълум бўлган барча рискли ҳолатлар суғурта компаниясига хабар қилинади. Бу рискни баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Рискли ҳолатларни таҳлил этиш сюрвейер ёки аджастернинг функциясига киради. Бу суғурта компаниясини суғурта шартномасини тузиш ёки тузмаслик масаласи бўйича қарор қабул қилишида ҳамда суғурта қопламалари ва суммаларини тўлашда муҳим ўрин тутади. Рискли ҳолатлар: шахсий ва ашёвий; тўғри ва эгри; тасдиқланадиган ва инкор қилинадиган: объектив ва субъектив турларга бўлинади. | A thorough examination of the exposures of the nonprofit, both insurable and uninsurable |
| **Рискларни танлаш** | суғурта шартномасини тузиш бўйича мижозлардан келиб тушган таклифларни таҳлил этишга қаратилган суғурта компаниясининг фаолияти. Суғурта компаниясининг мувозанатлашган суғурта портфелини шаклланишида рискларни танлаш иборасини амалий жиҳатдан ишлатиш муҳимдир. Суғурта амалиётида рискларни танлаш ишини сюрвейерлар амалга оширади. Рискларни танлаш – бу риск менежмент соҳасида | Analysis of proposals received from customers on the conclusion of the contract of insurance activities of the insurance company. The risk of the formation of a balanced insurance portfolio of the insurance company is important to practical use of the phrase. Insurance risk selection syurveyerlar work in practice. Risk selection is conducted in the field of risk management measures is a part of. |

| | | |
|---|---|---|
| | олиб бориладиган чора – тадбирларнинг бир қисмидир. | |
| **Рискни баҳолаш** | риск параметрларини характерловчи барча рискли ҳолатларни натура ва қиймат кўринишида таҳлил этиш. Энг аҳамиятли белгисига қараб тегишли рисклар гуруҳи ажратилган ҳамда у рискни баҳолаш мезони ҳисобланади. Масалан, шахсий суғурта шартномасини тузишда инсоннинг ёшига эътибор берилади. Суғурта шартномаси тузилган моментдан, суғурталанувчининг ўлимига ёки ногирон бўлиб қолишига олиб келувчи хавфли касалликларни аниқлаш мақсадида мижоз қўшимча равишда дастлабки тиббий текширувдан ўтказилиши мумкин. | A thorough examination of the exposures of the nonprofit, both insurable and uninsurable |
| **Суғурта мукофотлари заҳираси** | ҳаётни ва нафақани узоқ муддатли суғурталаш бўйича тўловларни олдиндан тўлаш учун суғурта компаниясида ташкил этиладиган фонд. Бу фонд суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлашда ҳамда суғурталовчи зиммасидаги мажбуриятларни бажаришда муҳим ўрин тутади. Ҳаёт суғуртаси шартномалари, одатда, бир неча йилга тузилади. Суғурта мукофтларини келиб тушиш ва суғурта суммасини тўлаш вақтлари ўзаро тўғри келмаганлиги учун, суғурта компаниясига келиб тушган суғурта мукофоти маълум вақт мобайнида унинг ихтиёрида бўш холда бўлади. Келиб | Amount of insurance purchased vs. the actual replacement cost of the insured property expressed as a ratio. |

| | | |
|---|---|---|
| | тушган суғурта мукофотларининг бир қисми жорий тўловлар учун сарфланади, қолган қисми эса заҳира фондини шакллантириш учун йуналтирилади. Узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича заҳира фондининг маблағлари кредит ресурси сифатида фойдаланилиши мумкин. | |
| **Суғурта заҳиралари** | суғурта суммаларини тўлашни кафолатлаш мақсадида суғурта компаниялари ташкил этган фондлар. Агар, маълум бир вақтда суғурта қопламаларини тўлаш учун жорий суғурта мукофотлари етмаса, суғурта компанияси заҳира фондларидан фойдаланиши мумкин. Суғурта заҳираларига қуйидагилар киради: ҳаётни суғуртаси бўйича заҳира фондлари, рўй берган, аммо арз қилмаган зарарларни қоплаш заҳиралари ва бошқалар. Ушбу заҳира фондларининг маблағлари вақтинча бўш бўлгани учун инвестиция мақсадларида фойдаланилиши мумкин. Бунинг натижасида суғурта компанияси қўшимча даромад олади. | In order to guarantee the payment of the sum insured of insurance companies assets. If, at a certain time does not pay insurance premiums for insurance coverage, the insurance company may use the reserve fund. Insurance reserves include the following: life insurance reserve funds to cover losses occurred but did not complain reserves and others. The reserve fund may be used for investment purposes. As a result, the additional income from the insurance company. |
| **Суғурта полиси** | суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқловчи хужжат. Суғурта полисида қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт: суғурта компаниясининг юридик манзили, суғурталанувчининг номи, суғурта объекти, суғурта мукофотининг миқдори, шартноманинг амал қилиш | The document confirming the fact of the insurance contract is designed. The insurance policy must have the following requisites: the insurance company's legal address, the name of the insurer, the insurance objects, the amount of insurance premiums, the contract is valid. The payment of |

| | | |
|---|---|---|
| | муддати. Суғурта қопламасини тўлашда суғурталанувчи суғурта полисини суғурта компаниясига тақдим этиши зарур. | insurance compensation insurance policy , the insurance company is required to provide |
| **Суғуртада тариф сиёсати** | суғурта операцияларини зарарсиз ўтказилишини ва суғурталанувчиларнинг манфаати йўлида суғурта тарифларини белгилаш, аниқлаш, тартибга солиш ва табақалаштириш бўйича суғурта компаниясининг мақсадли йўналтирилган фаолияти. Суғуртада тариф сиёсати қуйидаги асосий принципларга асосланади:<br>1. Нетто–мукофотлар ва суғурта қопламаси ўртасидаги эквивалентлик. Ҳар бир суғурта тури бўйича нетто–ставка зарарларнинг эҳтимол тутилган миқдорига максимал даражада тўғри келиши зарур.<br>2. Суғурталанувчиларнинг асосий қисми учун суғурта тарифи миқдорининг қулайлиги. Тариф ставкаларини юқори даражада белгиланиши суғурта ишини ривожланиши учун тўсиқ бўлади.<br>3.Суғурта тарифи ставкаларининг барқарорлиги. Агар узоқ йиллар мобайнида тариф ставкалари ўзгармаса, бу ҳолат суғурталовчининг нуфузини оширади. Суғурта суммаларининг зарарлилик кўрсаткичи камайса, суғурталанувчиларнинг манфаати учун суғурта тарифи ставкасини ўзгартирмасдан жавобгарлик хажмини кўпайтириш мақсадга | conduct safe operations of insurance and reinsurance of determining the tariff for the benefit of insurance regulation and diversification of the insurance company's target - oriented activities . Tariff policy of insurance with the following basic principles:<br>1. Netto equivalence between premiums and insurance coverage. Each type of insurance at the rate of net - maximum possible amount of damages.<br>2. The amount of the insurance tariff for the main part of the insurance benefit. Establish a high level of tariff rates will be an obstacle for the development of the insurance business.<br>3. The stability of the insurance tariff rates. If the tariff rates change over the years, the reputation of the insurer in this case. The loss of the sum insured for the benefit of declining insurance is desirable to increase the amount of liability insurance tariff rate unchanged.<br>4. To ensure the profitability of insurance operations. |

| | | |
|---|---|---|
| | мувофиқдир.<br>4. Суғурта операцияларининг рентабеллигини таъминлаш. | |
| **Сиёсий риск** | давлат органларининг ҳатти–харакати ёхуд уюшган шахслар гуруҳининг сиёсий талаб бўйича чиқиши натижасида вужудга келадиган хавф. Сиёсий рискга уруш харакатлари, сиёсий ҳокимиятнинг ёки тузумнинг ўзгариши, қонун хужжатларидаги ўзгаришлар, фуқароларнинг оммавий чиқишлари ва иш ташлашлари, миллийлаштириш, конфискация киради. Сиёсий риск рўй берган вақтда суғурта компанияси жавобгарликдан озод бўлади. Чунки сиёсий рисклар, фақат, давлатга қарашли махсус суғурта компаниялари томонидан суғурталаниши мумкин. | State authorities regarding the movement of persons or organized group of political risks arising as a result of the demand. The political risk of war, acts of political authority or regime change, changes in legislation, as well as media outlets and strikes, nationalization, confiscated . Time of political risk insurance company from liability. Because of the political risk, the only state - owned insurance companies can be insured. |
| **Суғурта портфели** | суғурта компаниясига келиб тушган суғурта мукофотларининг йиғиндиси. Суғурталанган объектлар сони, суғурта шартномаларининг миқдори ҳам суғурта портфели тушунчасини англатади. Чет мамлакатлар суғурта амалиётида ушбу ибора ишлаб топилган суғурта мукофотининг ҳажми тушунчасига тўғри келади. | the sum of the premiums received by the insurance company . The number of insured objects, the concept of the amount of the insurance portfolio of the insurance contract. Foreign insurance practice this technique corresponds to the concept of earned insurance premiums. |
| **Суғурта далолатномаси** | суғурта ходисаси рўй берганда суғурта компанияси томонидан тузиладиган хужжат. Далолатномада мол–мулкнинг зарарланиш ёхуд нобуд бўлиш сабаблари, кўрилган зарар миқдори ва бошқа кўрсаткичлар бўлади. Далолатномага, зарур ҳолларда | the document concluded by the insured event occurs the insurance company. The act of property damage or loss, which is why the amount of losses and other indicators. Act, if necessary, confirming the accident and property damage insurance |

| | | |
|---|---|---|
| | суғурта ҳодисаси ва мол–мулкнинг зарарланганлигини тасдиқловчи тегишли ташкилотларнинг (ёнғинга қарши кураш, давлат автомобиль назорати, қишлоқ хўжалиги, ветеринария хизмати ва бошқалар) ёзма ҳулосаси илова этилади. Халқаро суғурта муносабатларида суғурта далолатномасини аджастер тузади ва моҳиятан авария сертификатига яқинлашади | organizations (fire, police, agriculture, veterinary services, etc.) will be attached to the written report. International insurance relations form the Insurance Act adjaster and in fact closer to the certificate of accident |
| **Суғурта мукофот** | суғурта мукофотининг микдори суғурта суммасига нисбатан фоизларда аниқланади. Суғурта мукофотининг миқдори аниқ суммаларда ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, автомобиль эгаларининг учинчи шахсга зарар келтириш фуқаролик жавобгарлигини суғуртасида суғурта мукофоти аниқ пул бирлигида кўрсатилади | The amount is determined by the percentage of the insurance premiums. The amount of the insurance premium amount can also be expressed . For example, damage to the transport owners ' civil liability insurance insurance premium is clearly displayed in the monetary unit. |
| **Суғуртавий фойда** | суғурта хизматининг баҳоси ва таннархи ўртасидаги фарқ. Суғуртавий фойда суғурта операцияларини амалга ошириш натижасида шаклланади. Суғуртавий фойда баланс услуби асосида суғурта мукофотлари тушуми ва суғурта операциялари таннархини ўзаро таққослаш натижасида аниқланади. Суғурта операцияларининг таннархи бу, суғурта компаниясининг суғурта ҳимоясини таъминлашга қаратилган тўғри ва эгри, (шу жумладан заҳира фондларига ажратмалар) харажатларнинг йиғиндисидир. Одатда, суғурта | the difference between the price and the cost of insurance services. Insurance benefit as a result of the implementation of the insurance operations are formed. Insurance benefit balance method on the basis of insurance premiums and the result of the comparison between the cost of the insurance operations. The cost of this insurance operations, the insurance company to provide insurance protection Direct and indirect (including reserve funds), the sum of the costs. |

| | | |
|---|---|---|
| | тарифини ҳисоблашда нетто–ставкага юкламада фойда улуши ҳам кўрсатилади. Шаклланиш манбаига кўра, ҳақиқатдаги суғуртавий фойда ўз ичига қуйидаги фойда турларини олади: суғурта суммаси зарарлик кўрсаткичини камайтиришдан олинган фойда, бошқарув харажатларини иқтисод қилиш натижасида олинган фойда, инвестициядан олинган фойда ва суғурта тарифида белгиланган фойда. | |
| **Суғурта пули** | суғурта мажбуриятини бажариш ҳамда суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлмасдан ўзаро келишган ҳолда бир қанча суғурта компанияларининг ихтиёрий уюшмаси. Суғурта пули, асосан, хавфли, йирик объектларни суғурталаш мақсадида ташкил этилади. Ҳар қайси компания ўз суғурталанган рискни пулга беради ва бунинг учун, пул орқали йиғилган суғурта мукофотларининг бир қисмини олади. Олинган суғурта мукофотлари ҳажмида суғурта копламасини тўлаш бўйича жавобгарликни ўз зиммаларига олади. Хорижий мамлакатларда авиация, атом, харбий рискларни суғурталаш учун суғурта пули ташкил этилган. | liability insurance, as well as the status of a legal entity in order to ensure the financial stability of the insurance operations, without being able to agree on a number of insurance companies are willing union.Foreign countries, aerospace, nuclear, defense - risk insurance for the insurance money. |
| **Суғурта объекти** | шахсий суғуртада фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, меҳнат қобилияти: мулкий суғуртада бинолар, | personal insurance of citizens' life, health, work capacity: property insurance for buildings equipment , |

| | | |
|---|---|---|
| | қурилмалар, транспорт воситалари, уй–жой мулки, ташиладиган юклар ва бошқа моддий бойликларни сақлаш билан боғлиқ манфаатлар; жисмоний ёки юридик шахснинг ўз хатти–ҳаракати билан унинг шахсга зарар келтириш фуқаролик масъулияти – масъулиятни суғурталашда суғурта объектлари бўлиб ҳисобланади. Рискни баҳолаш мақсадида суғурта объекти суғурта компаниясининг мутахассислари томонидан экспертиза қилиниши мумкин. | transport, residential property, cargo and other benefits related to the material values; natural or legal person to hurt a person with his own behavior of civil liability - liability insurance sectors. In order to assess the risk of insurance can be an object of examination by experts of the insurance company. |
| **Суғурта шартномаси** | икки томонлама ёзма равишдаги битим бўлиб, бунда суғурта компанияси суғурта ҳодисаси туфайли зарар кўрилганда суғурталанувчига суғурта қопламаси ёки суғурта суммасини тўлаш мажбуриятини, суғурталанувчи эса белгиланган муддатларда суғурта мукофотини тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқлаш учун суғурталовчи суғурталанувчига суғурта полиси беради. Суғурта шартномасини тузишдаги асосий, оддий ва қўшимча шартлар суғурта шартномасининг мазмунини ташкил этади. | mutual written agreement of the loss as a result of which the insurance company accident insurance coverage or pay the amount of insurance Insured, the insurer is obliged to pay the insurance premium in time . Insurance contract is designed to confirm the extent of insurance policy the insurer Insured. |
| **Суғурта** | ҳар хил нохуш ходисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ҳамда фуқороларнинг ҳаётида тегишли суғурта ходисалари рўй берганда уларга моддий | Traditional risk-financing tool used to transfer the financial hazard of risk. An insurance policy spells out what is or is not covered caused by all or specific |

| | | |
|---|---|---|
| | ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этиладиган ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ (мақсадли пул фондлари) иқтисодий муносабатлар йиғиндиси. Ўтказиш шартига қараб, суғурта мажбурий ва ихтиёрий бўлади. Объектига кўра, мулкий, шахсий ва жавобгарлик суғуртасига бўлинади. Суғуртанинг асосини риск ташкил этади. Суғурта – бу рискни тақсимлаш усулидир | perils (causes of damage or injury). Insurance is also a contract whereby an organization agrees to indemnify another and/or to pay a specified amount for covered losses in exchange for a premium. For many nonprofits, insurance provides the funds to pay for the nonprofit's unexpected losses of people, property and income, while ultimately keeping the organization in operation. |
| **Суғурталанувчи** | қонун асосида ёки икки томонлама шартнома асосида суғурта компанияси билан фуқоралик–ҳуқуқий муносабатларга кирувчи юридик ёки жисмоний шахс. Суғурталанувчи учинчи шахс фойдасига суғурта шартномасини тузишга хақли. Суғурталанувчи суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаши шарт. Суғурта шартномасини тузиш жараёнида суғурталанувчи суғурта объектига тааллуқли бўлган барча маълумотларни суғурта компаниясига маълум қилиши шарт. | The person or organization covered by an insurance policy.<br>party(ies) covered by an insurance policy |
| **Суғурта қопламаси** | мулкий суғуртада ва суғурталанувчининг учинчи шахс олдида фуқаролик жавобгарлигини суғуртасида зарарни қоплаш учун суғурта фондидан тўланадиган пул маблағи. Суғурта қопламаси суғурта суммасига тенг ёки ундан кам бўлиши мумкин. Суғурта ҳодисаси рўй берганлик холати ва шакли бўйича аджастер ёки авария | Insurer for property insurance and in front of a third party civil liability insurance for the damage amount of money paid to the insurance fund . May be less than or equal to the amount of insurance indemnity insurance. |

| | | |
|---|---|---|
| | комиссарининг хулосаси суғурта компанияси томонидан суғурта қопламаси тўланишида асос бўлиб хизмат қилади | |
| **Суғурта манфаати** | суғуртада моддий манфаатдорлик чораси. Суғурта ҳодисаси рўй бериши натижасида суғурталанувчига моддий зарар келтирувчи предметлар – мол–мулк ёки суғурталанувчининг учинчи шахсга зарар келтириш холатлари. Масалан, суғурталанувчининг автомобиль транспорти йўл–транспорт ҳодисалари туфайли шикастланганда, суғурталанувчида ушбу мулкка нисбатан манфаатдорлик юзага келади ва суғурта моддий манфаатдорлик чораси сифатида майдонга чиқади. | a measure of a material interest in insurance. As a result of the insurance event Insured material harmful objects - cases of damage to the property or a third party insurer. For example, the insurer transport damaged due to road traffic accidents, this property Insured interest income as a measure of insurance and financial interest. |
| **Суғурта йиғими** | Жисмоний шахснинг йўловчиларнинг мажбурий суғурта бўйича бир марта тўланадиган суғурта мукофоти. Одатда, суғурта йиғими йўл ҳақи таркибида бўлади ва чиптада суғурта йиғими «киритилган» деган сўз бўлади | Physical person, one time payment of insurance premiums on compulsory insurance of passengers. Typically, the insurance fee structure of the salary and term insurance fee is included in the ticket. |
| **Слип** | рискни характерловчи хужжат. Слип суғурта брокери томонидан тузилади ва андеррайтерга берилади. Слипда суғурта компаниясининг рискни суғурталашдаги ҳиссаси кўрсатилади. Англияда слип суғурта полисига тенглаштирилади. Айрим ҳолатларда слип суғурта қопламасини тўлашда асосий хужжат ҳисобланади | risk that characterizes the document. Slip formed by insurance brokers and underwriters. Slip the insurance company risk insurance contributions. England slip the insurance policy expired. In some cases , the payment slip insurance document |

| | | |
|---|---|---|
| **Суғурта компанияси** | суғурта шартномасини тузиш ва унга хизмат қилишни амалга оширувчи, суғурталанувчи билан ҳуқуқий муносабатда бўлувчи юридик шахс. У ўз Низоми асосида фаолият юритувчи мустақил хўжалик субъектидир. Тегишли иқтисодий муҳитда фаолият юритувчи суғурта компанияларининг йиғиндиси суғурта тузимини ташкил этади. Суғурта компаниялари бажарадиган суғурта операцияларига кўра, улар универсал ва ихтисослашган бўлади. Устав капитали миқдори ҳамда келиб тушган суғурта мукофотлари ҳажмига мувофиқ, суғурта компанияларини йирик, ўрта ва кичик гурухларга бўлиш мумкин. | Carrying out an insurance contract and related legal person your legal relationship with the insurer. It operates on the basis of the Charter of independent businesses. The economic environment, the sum of the insurance companies operating in the insurance implicit. According to the insurance operations carried out by insurance companies, they are universal and specialized. The amount of the authorized capital and in accordance with the amount of insurance premiums received by insurance companies to large, medium and small groups can be. |
| **Суғуртавийт иббиёт** | турли касалликлардан мажбурий суғуртани назарда тутувчи соғлиқни сақлаш ишини ташкил этиш шакли. Суғуртавийтиббиёт бўйича суғурта фонди ишчи–ходимларнинг иш ҳақидан, тадбиркорларнинг фойдасидан, давлат дотацияси ҳисобидан ҳамда хайр–эҳсон фондларининг мажбурий ажратмаси ҳисобидан шаклланади. Суғуртавий тиббиёт бўйича суғурталанган контингентга тиббий суғурта полиси берилади. Суғурталанувчига тиббий суғурта полиси бўлган тақдирда тиббий хизмат кўрсатилади. Бунда тиббий суғурта компанияси, бир томондан суғурталанувчилар | Insurance coverage sold on an individual or group basis to help fill the "gaps" in the protections granted by the federal Medicare program. This is strictly supplemental coverage and cannot duplicate any benefits provided by Medicare. It is structured to pay part or all of Medicare's deductibles and co-payments. It may also cover some services and expenses not covered by Medicare. Also known as Medigap" insurance. |

| | | |
|---|---|---|
| | билан, иккинчи томондан тиббиёт муассасалари билан шартнома тузади. | |
| **Суғурта баҳоси** | суғурталаш мақсадида аниқланадиган мол–мулкнинг қиймати. Амалиётда мол–мулклар ҳақиқий қиймати, бозор қиймати ва бошқа қийматлар воситасида баҳоланади. Зарур ҳолларда суғурта баҳосини тўғри ҳисоблаш учун малакали экспертлар жалб этилади. Суғурта баҳоси тўғрисидаги ҳақиқий маълумот таъриф ставкаси ва суғурта мукофоти миқдорини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги қонунчиликка биноан, суғурта суммаси мол–мулкнинг суғурта баҳосидан ошиб кетмаслиги зарур | In practice, the actual value of the property, the market value and the other values are evaluated by means of. Necessary for calculating the value of insurance to attract qualified experts. Described information on the cost of insurance is important in determining the rate and amount of insurance premiums. According to the current legislation, the insured amount should not exceed the cost of property insurance. |
| **Суғурта тизими** | 1) турли хил суғурта компаниялари ва уларни суғурта назорати билан алоқадорлигини йиғиндиси: 2) суғурта ҳуқуқий муносабатларни ташкил этишнинг давлат – ҳуқуқий шакли. | 1) different insurance companies and their involvement in the supervision of the insurance sum: 2) the organization of legal relations in the insurance legal form. |
| **Суғурта суммаси** | суғурта манфаати ва суғурта рискига мос келувчи пул маблағи. Халқаро амалиётда суғурта суммаси суғурта қопламаси дейилади. Суғурта суммасига нисбатан суғурта мукофотианиқланади ва суғурта қопламаси тўланади. Суғурта суммаси ибораси, кўпроқ, шахсий суғуртада – фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғини суғурталашда ишлатилади. | With international practice, the insurance amount of insurance coverage is called. Compared to the amount of insurance paid insurance indemnity and insurance Winner is determined. The expression amount of insurance, insurance of citizens ' life and health insurance. |
| **Суғурта майдони** | суғуртага тортилиши зарур бўлган объектларнинг энг | insurance area, which required the largest number |

| | | |
|---|---|---|
| | катта сони. Айрим экспертлар хулосасига кўра, Ўзбекистонда суғурта майдони ҳали тўла ўзлаштирилмаган. Фақат мол–мулкларнинг 20–30 фоизигина суғуртага тортилган. | of objects . According to some experts, the insurance is still completely in Uzbekistan undeveloped. Only 20-30% of the property insurance measure. |
| **Суғурта суммасининг зарарлилиги** | суғурта суммаси ва суғурта копламаси тўлови ўртасидаги нисбатни характерловчи иқтисодий кўрсаткич. Бу кўрсаткич зарар миқдори эҳтимоллигини кўрсатади ва ундан рискни ўзгариши устидан назорат ўрнатишда фойдаланилади. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи қуйидаги омиллар таъсири остида шаклланади: суғурталанган объектлар сони ва уларнинг суғурта суммаси, суғурта ходисаларининг сони, зарар кўрган объектлар сони ва суғурта қопламаси. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи нетто–ставка тузилишига қараб ҳар бир суғурта тури ёки жавобгарлик тури бўйича аниқланади. Агар зарарлилик кўрсаткичи нетто–ставкага яқинлашса ёки ундан ошиб кетса, бу ҳолда суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи юқори даражада эканлилигидан далолат беради | That characterizes the ratio between the sum insured and the insurance payment pavement economic indicators. This figure indicates the likelihood of the amount of damage and to establish control over the change in risk. |
| **Суғурта ҳуқуқи** | суғурталовчилар, суғурталанувчилар ва улар ўртасидаги воситачиларнинг ҳатти–ҳаракати қоидалари йиғиндиси. Суғурта хуқуқи қонун ва қонун хужжатларида ўз аксини топади. Суғурта ҳуқуқи молиявий ҳуқуқнинг бир қисми ҳисобланади | insurers, insurance intermediaries between them and the sum of the rules of behavior . Insurance rights are reflected in the laws and legislation. Insurance Law is part of the financial law |
| **Суғурта ҳодисаси** | стихияли, табиий ёки олдиндан кўриб бўлмайдиган | coverage for financial loss because of the cancellation or |

| | | |
|---|---|---|
| | воқеа–ҳодисаларнинг амалда юз бериши. Суғурта ҳодисаси юзага келган зарар суғурта компанияси томонидан шартномага мувофиқ қопланади. Мулкий суғуртада суғурта ҳодисаси дейилганда, стихияли ҳодисалар, ёнғин, авария, портлаш, зилзила, довул ва бошқалар тушунилади. Шахсий суғуртада эса суғурта ҳодисасига фуқароларнинг маълум бир муддатгача яшаши, уларнинг хаётида бахтсиз ҳодисаларнинг рўй бериши ёки ўлими киради. Халқаро амалиётда суғурта ҳодисаси баъзан «форс–мажор» деб юритилади. | postponement of a specific event due to weather or other unexpected cause beyond the control of the insured. To qualify for a particular policy at a particular price, companies have the right to ask for information about health and lifestyle. An insurance company will use this information - the evidence of insurability - in deciding if your application for insurance is acceptable and at what premium rate. |
| **Суғурта ҳодисалари частотаси** | иншоотларни ёниш даражасини, транспорт воситаларини авария бўлиш даражасини, аҳоли ногиронлиги даражаси ва шунга ўхшаш даражаларни ифодаловчи кўрсаткич. Суғурта ҳодисалари сонини суғурта қопламалари миқдорига ёки суғурталанган объектлар миқдорига нисбати суғурта ҳодисалари частотасини аниқлайди. | buildings burning level , the level of emergency transports , people with disabilities and expressing similar levels to the level of the indicator . The number of insurance events or the amount of insurance coverage for the insured items are determined by the frequency of the events of the ratio of the amount of insurance. |
| **Суғурталовчилар уюшмаси** | суғурта фаолиятини мувофиқлаштириш, уюшма аъзоларининг манфаатини давлатнинг қонун чиқарувчи ва ижроия органлари олдида ҳимоя этиш ҳамда маҳаллий суғурта компаниялари ва хорижий суғурта компаниялари ўртасида ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш мақсадида ташкил этиладиган суғурта компанияларининг | insurance regulation, the members of the union state 's legislative and executive authorities to protect the interests of domestic insurance companies and foreign insurance companies to be established in order to establish mutually beneficial relationships between the Association of insurance companies. |

| | | |
|---|---|---|
| | уюшмаси. Бунга ўзаро суғурталаш жамиятларини халқаро уюшмасини, техник рискларни суғурталовчи компаниялар иттифоқини, Буюк Британия суғурталовчилар уюшмасини мисол келтириш мумкин. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда суғурталовчилар уюшмаси ташкил этилмаган. Фақат, автосуғурталовчилар иттифоқи фаолият кўрсатмоқда | |
| **Суғурта қопламаси лимити** | суғурта компаниясининг филиали, бўлими, шуъба корхонаси томонидан битта суғурта ҳодисаси бўйича мустақил тўланадиган суғурта қопламасининг энг юқори миқдори. Бу миқдорни суғурта компанияси бошқаруви жойлардаги суғурта суммасининг зарарлилик даражасидан, кадрларнинг малакасидан ва бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда белгилайди | highest amount is branch office of the insurance company , by a subsidiary of an insurance event , an independent insurance coverage and paid the. |
| **Суғурталовчининг жавобгарлик лимити** | тузилган суғурта шартномасидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган суғурта компаниясининг мумкин бўлган энг юқори даражадаги жавобгарлиги. Суғурталовчининг жавобгарлик лимити суғурта полисида ўз аксини топади. | highest levels of responsibility is the insurance contract , the insurance company may be established based on the limit of liability reflected in the insurance policy of the insurer. |
| **суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбари** | қонунчилик ва суғурталовчининг (суғурта брокерининг) таъсис ҳужжатларига мувофиқ тайинланиши ёки сайланиши натижасида, тузилган меҳнат шартномасига асосан суғурталовчининг (суғурта брокерининг) ягона ижро | the legislative and the insurer (insurance broker), in accordance with the established in accordance with the labor contract as a result of the appointment or election of the insurer (insurance broker) which is the sole executive body or the |

| | | |
|---|---|---|
| | этувчи органи бўлиб ҳисобланадиган ёки суғурталовчининг (суғурта брокерининг) коллегиал ижро этувчи органи устидан бошқарадиган жисмоний шахс | insurer (insurance broker) over the collegial executive body of the individual. |
| **суғурталовчининг (суғурта брокерининг) бош бухгалтери** | суғурталовчининг (суғурта брокерининг) бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқаруви функцияларини амалга оширувчи, бухгалтерия ҳисобини ташкиллаштиришни ҳамда моддий ва молиявий ресурсларни оқилона, тежамкорлик билан ишлатилишини назорат қилишни таъминлайдиган жисмоний шахс | the insurer (insurance broker) carrying out the functions of accounting and financial management, accounting organization, as well as material and financial resources, to ensure control over the use of frugal person |
| **Сюрвейер** | суғуртага тортиладиган мол–мулкни кўрикдан ўтказувчи суғурта компаниясининг ходими. Суғурта компанияси сюрвейернинг хулосаси асосида суғурта шартномасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Чет эл амалиётида ёнғин ҳавфсизлигини таъминловчи ихтисослашган фирмалар, меҳнат муҳофазаси бўйича ташкилотлар сюрвейер функциясини бажаради. | insurance company employee examination of the taxable property insurance. Syurveyerning the company decided on the basis of the conclusion of the insurance contract. The practice of foreign companies specializing in providing fire safety, occupational safety organizations perform the function of syurveyer. |
| **Тариф ставкаси** | суғурта рискини бахоси; суғурта суммасига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган брутто–ставка. Тариф ставкаси (брутто–ставка) икки қисмдан иборат: нетто–ставка ва нетто–ставкага юклама. Нетто–ставка суғурта компаниясининг суғурта фондидан қиладиган харажатларини ифодалайди. Нетто–ставкага юклама суғурта компаниясининг иш юритиш харажатларини, комиссия ҳақини ва бошқа | Insurance Risk price; which is a percentage of the insurance gross - rate. Rate (gross - rate) consists of two parts: net - rate and the rate of net - load. Net rate represents the cost of the insurance company that the insurance fund. |

| | | |
|---|---|---|
| | харажатларини ўз ичига олади. Шахсий суғурта буйича тариф ставкаси мол–мулк суғуртасининг тариф ставкасидан кескин фарқ қилади. Ҳаёт суғуртасидаги тариф ставкаси ҳаётийлик жадвали ва даромад нормасига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади | |
| **Эҳтимоллар назарияси** | тасодифий ҳодисаларнинг эҳтимоллиги бўйича ўзаро алоқада бўлган бошқа ҳодисаларнинг эҳтимоллигини аниқлаш билан боғлиқ математика фани. Эҳтимоллар назарияси асосида тасодифий ҳодисаларнинг руй бериш эҳтимоллиги катта ёки кичик эканлиги аниқланади. Эҳтимоллар назарияси актуар ҳисоб–китобларни амалга оширишда муҳим восита ҳисобланади | the probability of random events related to the bilateral relations with the other to determine the likelihood of events in mathematics . The theory of probability based on the probability of random events as a reaction to that it is big or small. |
| **Қайта суғурталаш** | суғурталашга рискни қабул қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими (рискларни бирламчи жойлаштириш); суғурталовчи мувозанатлашган суғурта портфелини яратиш ва суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискни бир қисмини ўзаро келишилган ҳолда бошқа суғурталовчига бериши (рискни иккиламчи жойлаштириш). | insurance risk associated with the system of economic relations.<br>According to the reinsurance operations of insurance companies, as well as specialized reinsurance companies. |
| **Қайта суғурталовчи брокер** | иккита суғурта компанияси ўртасидаги профессионал воситачи | two insurance company between professional intermediary. |
| **Қайта суғурталовчи** | суғурта брокери ёрдамида қайта суғурталаш учун рискни қабул қилиб оладиган жисмоний ёки юридик шахс. | Insurance broker reinsurance for risk acceptance that an individual or a legal entity. |

| | | |
|---|---|---|
| | Қайта суғурталовчи ёрдамида рискни иккиламчи тақсимлаш амалга оширилади. Қайта суғурталовчи сифатида суғурта компанияси ҳам бўлиши мумкин. Жаҳондаги энг йирик қайта суғурталовчилар гуруҳига Мюнхен қайта суғурталаш жамияти, Швейцария қайта суғурталаш жамияти, Кёльн қайта суғурталаш жамиятлари киради. | |
| **Факультатив қайта суғурталаш** | пропорционал қайта суғурталаш шартномасининг тури. Факультатив қайта суғурталашда ҳар бир берилаётган риск бўйича алоҳида шартнома тузилади. Цедент ҳар бир риск бўйича қайта суғурталаш зарур ёки зарур эмаслик масаласини мустақил кўриб чиқади. Ўз навбатида, қайта суғурталовчи ҳам цедентнинг таклифини қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги ҳам мумкин. | Optional insurance is a risk given on a separate contract. Proportional reinsurance contract. |
| **Факультатив облигатор шартномаси** | цедент қайта суғурталовчи билан келишган тоифадаги ҳар қандай суғурта рискини бериши, қайта суғурталовчи эса уларни қабул қилиши шарт эканлиги ҳақидаги қайта суғурталаш шартномаси | tsedent reinsurance agreement with any of the categories of insurance risk to the reinsurance contract of insurance is that it is obliged to accept them |
| **Франшиза** | суғурта шартномаси шартларида кўзда тутиладиган суғурталовчининг зарарни қоплашдан озод этиладиган қисми. Франшиза суғурта суммасига нисбатан фоизларда белгиланадиган шартли ва шартсиз франшизаларга бўлинади. Шартли франшизада суғурталовчи белгиланган франшиза | Portion of the insured loss (in dollars) paid by the policy holder. Amount of loss that the insured pays before the insurance kicks in. The amount the insured must pay in a loss before any payment is due from the company |

| | | |
|---|---|---|
| | суммасидан ошмайдиган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этилади. Бу ҳолда, агар кўрилган зарар миқдори франшиза суммаси миқдоридан ошиб кетса, суғурта компанияси зарарни тўлиқ қоплайди. Шартсиз франшизада кўрилган зарар франшиза суммасидан чегирилиб қопланади. | |
| **Фрахт** | денгиз ёки ҳаво йўллари орқали юкни ташишда тўланадиган ҳақ. Ушбу ҳақ тариф ёки юкни ташиш тўғрисидаги шартнома бўйича ўзаро келишилган нарх асосида тўланади. Денгиз суғуртасида юкларни ташишда фрахт полиси ёзилади ва фрахт қилувчига берилади. | the paid is by sea or air transportation of cargo . This is the truth or a mutual agreement on cargo transportation tariffs are paid on the basis of the agreed price. |
| **Фронтлаштирувчи компания** | бошқа суғурта компаниясининг илтимосига кўра, ўз номидан суғурта полиси берувчи суғурта компанияси. Фронтлаштирувчи суғурта компанияси қабул қилиб олинган рискни юз фоиз миқдорида илтимос қилган суғурта компанияси ҳисобига ўтказади ва бунинг учун ундан комиссион ҳақ олади. | the other insurance company in front request of, the insurance policy in the name of their insurance company . |
| **Фронтинг** | қабул қилиб олинган рискни тегишли комиссия ҳақи эвазига тўлалигича бошқа суғурта ёки қайта қайта суғурталовчи компанияларига бериш. | an arrangement in which a primary insurer acts as the insurer of record by issuing a policy, but then passes the entire risk to a reinsurer in exchange for a commission. Often, the fronting insurer is licensed to do business in a state or country where the risk is located, but the reinsurer is not. |

| | | |
|---|---|---|
| **Цедент** | рискни иккиламчи жойлаштиришни амалга оширувчи, яъни рискни қайта суғурталаш учун берувчи суғурта компанияси. Иккиламчи цедент ретроцедент деб аталади. | to insurance companies carrying out the risk of the secondary placement , the risk reinsurance. Secondary tsedent called retrotsedent. |
| **Цессия** | 1) суғурта рискини қайта суғурталашга бериш жараёни. Цедент ва қайта суғурталовчи ўртасидан ҳуқуқий муносабатларда ишлатилади. 2) Хориж амалиётида цедентнинг олинган суғурта мукофоти маъносини билдиради. | 1) insurance risk to reinsurance process. Tsedent and legal relationship between the insurer. 2) Foreign practice means tsedent's insurance premiums. |
| **Шомаж** | суғурта ҳодисаси рўй бериши натижасида ишлаб чиқаришни тўхтаб қолиши билан боғлиқ фойда олмаслик рискини суғуртаси. | As a result of an insurance event associated with the stop of production can not benefit from risk insurance. |
| **Эксцедент риски** | мазкур тоифадаги риск бўйича зарарни қайта суғурталаш тўғрисидаги келишув. | this category of risk of loss reinsurance agreement. |
| **Эксцедент зарари** | нопропорционл қайта суғурталаш шакли. Бунда цедентга ўз зиммасида ушлаб қолинган зарардан ошган қисми қайта суғурталовчи компания томонидан қопланади. | noproportional form of reinsurance . At the same time, part of the increased harm to tsedent at your own risk covered by the insurance company. |
| **Ўзаро суғурталаш жамияти** | фойда олишни кўзламайдиган нотижорат шаклидаги суғурта компанияси. Суғурта қилишнинг ташкилий шакли. Ўзларининг мулкий манфаатларини суғуртавий ҳимоялаш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий битим асосида бирлашуви. Ўзаро суғурталаш жамияти юридик шахс ҳисобланиб, ҳар бир суғурталанувчи ушбу жамиятнинг аъзоси бўлади. | Companies with no capital stock, and owned by policyholders. The earnings of the company--over and above the payments of the losses, operating expenses and reserves--are the property of the policyholders. There are two types of mutual insurance companies. A nonassessable mutual charges a fixed premium and the policyholders cannot be assessed further. Legal |

| | | |
|---|---|---|
| | АҚШ ва Японияда асосан, ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи компаниялар ўзаро суғурталаш жамияти шаклидадир. Ҳозирги пайтда Японияда ўзаро суғурталаш жамиятлари ҳаётни суғурталаш бозорининг 89,4%ни ташкил этади. | reserves and surplus are maintained to provide payment of all claims. Assessable mutuals are companies that charge an initial fixed premium and, if that isn't sufficient, might assess policyholders to meet losses in excess of the premiums that have been charged. A privately held insurer owned by its policyholders, operated as a non-profit that may or may not be incorporated. |

# VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


## I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

## II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрь “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-589-сонли Қонуни
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 август “Ўзбекистон Республикасида инвестиция мухитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июнь “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5755-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил

8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрел "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрь ПҚ-4022-сонли “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрь “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сонли Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январь “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4563 -сонли Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

## II. Махсус адабиётлар.

**1.** Агеев Ш.Р., Васильев Н.М., Катырин С.Н. Страхование (теория, практика и зарубежный опыт). – М.: Экспертное бюро, 2009. – С. 497.

**2.** Балабанов И.Т. Риск-менежмент. М.: Финансы и статистика, 2006. – С. 250.

**3.** Белых В.С. Страховое право. – 3-е изд., перераб. и доп. М.: Норма, 2009. – С. 352.

**4.** Гражданское право / под ред. Е. Н. Суханова. – Т. 2. – М., 2009. – С. 496.

**5.** Манэс А. Основы страхового дела. – М.: Анкил, 2010. – С. 108.

**6.** Страхование: под ред. проф. Федоровой М.А. – М.: Издательство БЕК, 2002. – С. 746.

**7.** Сплетухов Ю.А. Страхование: Учебное пособие. М: ИНФРА-М, 2010. – С. 312.

**8.** Шинкаренко И.Э. Страхование ответственности: Справочник. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Анкил, 2011. – С. 308.

**9.** A.M. Best Company/ Understanding the Insurance Industry: An overview for those working with and in one of the world's most interesting and vital industries. CreateSpace Independent Publishing Platform (October 31, 2014). – 64 p.

**10.** Marshall Wilson III Reavis. Insurance: Concepts & Coverage. FriesenPress, 2012. – 96 p.

**11.**Peter Zweifel, Roland Eisen. Insurance Economics. Springer; 2012 edition (February 24, 2012). – 452 p.

**12.**Reggy de Feniks. Roger Peverelli. Reinventing Financial Services - What consumers expect from future banks and insurers. Pearson Education Benelux / Financial Times / Prentice Hall (August 6, 2011). – 335 p.

## III. Интернет ресурслар

1. http://www.znay.ru – Электрон кутубхона.
2. http://www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг расмий сайти.
3. http://www.press-service.uz–Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.
4. http://www.worldbank.org – Жаҳон банки расмий сайти.